

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ

А К А Д Е М И Я

Н. А. ҚЎЛДАШЕВ

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН
ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ ҚОПЛАШНИНГ
ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

Ўқув қўлланма

Тошкент – 2012

Тақризчилар:

Тошкент давлат юридик институти «Халқаро хусусий ҳуқуқ»
кафедрасининг мудири, юридик фанлар номзоди,
доцент **В. Ё. Эргашев;**

юридик фанлар номзоди **В.Э.Умаралиев**

Қўлдашев Н.А.

К–90

Ички ишлар органлари томонидан етказилган зарарни
қоплашнинг фуқаролик-ҳуқуқий масалалари: Ўқув қўлланма. –
Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – 92 б.

Мазкур ўқув қўлланмасида фуқаролик ҳуқуқида деликт институтининг алоҳида тури бўлган ички ишлар органлари томонидан етказилган зарарни қоплашнинг фуқаролик-ҳуқуқий масалалари ёритилган. Унда ички ишлар органларининг деликт лаёқати, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги, улар томонидан етказилган зарарни қоплашнинг фуқаролик-ҳуқуқий усул ва шакллари ҳамда бундай муносабатларни тартибга солувчи фуқаролик қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга оид фикр мулоҳазалар баён этилган.

Қўлланма фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи ва мажбурият ҳуқуқи фанларидаги тегишли мавзуларни ўрганишга кўмаклашувчи қўшимча манба сифатида тавсия этилади.

Юридик олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг ўқитувчилари ва талабалари, тингловчи ва курсантларига, шунингдек аспирантлар, илмий ва амалиёт ходимлари, ушбу соҳага қизиқувчиларга мўлжалланган.

ББК67.99(5У)32я73

СЎЗ БОШИ

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ислоҳ қилиш орқали амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 27 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2004 йил 19 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларининг қабул қилиниши ички ишлар органлари тизимини тубдан ислоҳ қилишга ҳуқуқий замин яратди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида «Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш таклифини билдириб, ушбу қонун *«... суриштирув ва дастлабки терговнинг сифатини оширишга хизмат қилади. Айни пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, авваламбор, ички ишлар идораларининг бу соҳадаги фаолиятининг янада либераллашувини таъминлашга олиб келади»*¹, – деган эди. Дарҳақиқат, амалга оширилаётган ислоҳотлар пировардида ички ишлар органларининг функционал фаолияти такомиллашиб, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятининг самарадорлиги ошиб бормоқда. Аммо, ҳар бир давлат ўзининг органларига ҳокимият ваколатини берар экан, бу ваколатларни ҳар доим ҳам белгиланган тартибда ҳамда лозим даражада амалга оширилишини кафолатлаши керак. Зеро, амалдаги қонун ҳужжатларида, жумладан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида давлат органлари томонидан етказилган зарар давлат томонидан қопланиши назарда тутилган.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги маъруза / – Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б. 25–26.

Фуқаролик кодексида давлат органлари, жумладан ички ишлар органлари томонидан етказилган зарарларни қоплашнинг тартиби белгиланган бўлса-да, бу муаммолар кўп ҳолларда фуқаролик қонунчилигининг маъмурий ва жиноий-процессуал ҳуқуқ нормаларига ҳавола этиши тартибида ҳал этилади. Бироқ, бу муаммоларнинг фуқаролик қонунчилиги тартибида ҳал этилиши ҳар томонлама бозор иқтисодиёти қонуниятларига мос келади. Ички ишлар органларининг давлатнинг таркибий тузилмаси ва юридик шахс сифатида деликт жавобгарлигини аниқлаш, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги асоси ва шартларини белгилаш фуқаролик ҳуқуқида алоҳида аҳамият касб этади.

Ушбу ўқув қўлланмасининг асосий мақсади ички ишлар органларининг деликт лаёқати, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги ҳамда улар томонидан етказилган зарарни қоплашнинг усуллари ва шакллари тўғрисида батафсил маълумотлар беришдан иборат.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ДЕЛИКТ ЛАЁҚАТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

1.1. Ички ишлар органлари – фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти сифатида

Жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг асосий қисми ҳуқуқ нормалари воситасида тартибга солинади. Ижтимоий муносабатлар инсонлар ва уларнинг уюшмалари, давлат ва унинг органлари, шунингдек жамиятнинг бошқа қатламлари (субъектлари) ўртасида биргаликдаги фаолият жараёнида ўрнатиладиган алоқалардир. Бу алоқалар иқтисодиёт, сиёсат, маданият ва бошқа турли соҳалардаги муносабатлар бўлиб, улар муайян қонуниятлар асосида вужудга келади, такрорланиб туради, ўзгаради ва тараққий этиб боради. Мазкур муносабатларнинг мазмуни, умумий йиғиндиси жамиятнинг тузилишини ташкил этади. Ҳар қандай жамият эса муайян сиёсий тузумга асосланган бўлиб, унинг мазмуни ўша давлатнинг Конституцияси (Асосий қонуни)да ифодаланади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатни демократик йўлдан ривожлантиришнинг ҳуқуқий кафолатидир. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Конституция инсонни энг катта бойлик сифатида алоҳида кўрсатгани ҳолда фуқаро, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни оқилона ҳуқуқий ҳал этишни сиёсий жиҳатдан расмийлаштиради»¹. Ҳақиқатан ҳам, Конституция давлатнинг бош қонуни сифатида ижтимоий муносабат субъектлари ичида марказий ўринда турувчи инсон, жамият ва давлат ўртасида ўрнатиладиган алоқаларни тартибга солувчи асосий ҳуқуқ нормаларини ўзида ифода этади. Бироқ кишилиқ жамияти бор экан, фуқаролар ва давлат, унинг органлари ўртасидаги муносабатлар ҳаминша инсониятнинг диққат эътибори марказида туради. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида жамият аъзолари ўртасидаги муносабатлар кўпроқ фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга асосланади ва шунга

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т., 1998. – Б. 151.

кўра, фуқаролар ва давлат органлари ўртасидаги алоқалар ҳам кўпроқ фуқаролик-ҳуқуқий характерга эга бўлади. Зеро, «бозор муносабатлари ривожланишининг давом этиши жараёнида бошқа ҳуқуқ соҳалари (маъмурий, бож, солиқ, молиявий ва бошқа ҳуқуқлар) билан тартибга солинадиган муносабатларнинг бир қисми фуқаролик ҳуқуқи ихтиёрига ўтказилади»¹. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар эса асосан Фуқаролик кодексининг нормалари билан тартибга солинади. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг муайян қисми кишиларнинг ўзлари томондан тартибга солинади, чунки ҳеч қандай норматив ҳужжат ҳаётдаги барча ҳолатларни, масалан, ўзини тутишнинг энг мақбул вариантларини белгилаб бера олмайди².

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига фуқаролар, юридик шахслар ва давлат фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинувчи муносабатларнинг субъекти эканлиги ва фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда тенглик ва тенг ҳуқуқлилиқ принципи асосида иштирок этиши белгиланган. Фуқаролик ҳуқуқида давлат органлари, хусусан, ички ишлар органларининг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги иштироқи масаласи алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ички ишлар органларини юридик шахс сифатида белгиловчи ёки фуқаролик муносабатларидаги иштироқини ёритувчи аниқ бир модда мавжуд эмас. Аммо амалда ички ишлар органлари Фуқаролик кодексининг умумий қоидалари асосида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда қатнашади ва улар фуқаролик ҳуқуқининг махсус ҳуқуқ лаёқатига эга алоҳида субъекти ҳисобланади.

Эътироф этиш лозимки, бугунги кунда фуқаролик ҳуқуқида ички ишлар органларининг фуқаролик муомаласи, айниқса, мажбурият муносабатларидаги субъектлик мақомини ва деликт жавобгарлигини белгиловчи доктрина етарли, деб бўлмайди.

¹ Қаранг: *Окюлов О.* Современные концепции о предмете гражданского право / Материалы международного симпозиума «Традиционное право Узбекистана и Японии. Проблемы совершенствования законодательства» –Т.: Адолат, 2002. – С. 49.

² Қаранг: *Зокиров И.Б.* Фуқаролик ҳуқуқи. I қисм: Дарслик. – Т.: ТДЮИ, 2009. – Б.47.

Фуқаролик ҳуқуқига бағишланган адабиётларда ички ишлар органлари муассаса сифатида эътироф этилса-да, уларнинг юридик шахс сифатида белгилари, айниқса, мулкӣ жавобгарлиги ва мажбурият муносабатларида тараф сифатида иштироки масалалари анча мунозаралидир. Чунки ички ишлар органлари, *биринчидан*, давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилишга оид вазифаларини ижро этувчи ҳокимият органи бўлса, иккинчидан, фуқаролик муомаласида юридик шахс мақомига эга ташкилот сифатида намоён бўлади. Бу эса, уларнинг фаолияти ҳуқуқнинг турли соҳалари: давлат, маъмурий, жиноят-процессуал, шунингдек фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан ҳам тартибга солинишини ва улар киришадиган ҳуқуқий муносабатларнинг турли туманлигини англатади. Шу боис, ички ишлар органларининг ҳуқуқ субъектлиги мақомини аниқлаш, деликт жавобгарлигини белгилаш вазифаси анчагина мураккаблашади.

Маълумки, ички ишлар органлари давлат бошқарув идорасидир, шунинг учун унинг ҳуқуқ субъектлигининг асосий шакли – ваколатлари ҳисобланади. Ички ишлар органларининг ҳуқуқ лаёқатига ҳуқуқ соҳаларида бир хил баҳо берилмаган. Масалан, маъмурий ҳуқуқ назариясида ички ишлар органлари «давлат аппаратининг бир қисми бўлиб, муайян ваколатга, тузилишга, ҳудуд ёки тармоқ миқёсидаги фаолиятга эга бўлган, қонунда белгиланган тартибда ташкил этиладиган, муайян иш усулларидан фойдаланадиган, давлат топшириғи бўйича иш кўриш ваколати берилган ҳамда ижро этиш ва фармойиш бериш фаолияти тартибида ижтимоий ҳаётнинг муайян соҳасида маълум бир вазифаларни бажаришга хизмат қиладиган»¹ ташкилот, дея таъриф берилган.

Фуқаролик ҳуқуқида эса давлат органлари, жумладан, ички ишлар органларининг ҳуқуқий шаклига «муассаса» сифатида қаралади. Ички ишлар органларининг фуқаролик ҳуқуқи субъектлигини таснифлашда, унинг айнан муассаса сифатида ҳуқуқий ҳолатини аниқлаш шарт бўлади. Муассасалар тўғрисидаги умумий қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонунида ифода топган. Шунингдек, айрим турдаги муассасалар ҳуқуқий мақоми-

¹ Қаранг: Пўлатов Ю.С., Исмоилов И.У., Қурбонов А. Ички ишлар органларида бошқарув асослари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. – Б. 66–67.; Юридик тайёргарлик: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. – Б. 130–131.

нинг ўзига хос хусусиятлари алоҳида қонун ва ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган. Айни вақтда ички ишлар органлари тўғрисидаги қонуннинг мавжуд эмаслиги ҳам уларнинг ҳуқуқий мақомини аниқлашни қийинлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 76-моддасида таъкидланганидек, «бошқарув, ижтимоий-маданий вазифаларни ёки тижоратчиликдан иборат бўлмаган бошқа вазифаларни амалга ошириш учун мулкдор томонидан ташкил этилган ва тўла ёки қисман молиявий таъминлаб туриладиган ташкилот муассаса ҳисобланади». Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонунининг 13-моддасида таърифланича: «Ижтимоий, маданий ва бошқа нотижорат тусдаги вазифаларни амалга ошириш учун жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан тузилган нодавлат нотижорат ташкилоти муассаса деб эътироф этилади».

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонунининг 13-моддаси ва Фуқаролик кодексининг 76-моддасида муассасалар тўғрисидаги тушунчаларда яқдиллик мавжуд эмас. Амалдаги фуқаролик қонун ҳужжатларида муассасалар нотижорат ташкилотлар эканлиги тўғрисидаги тушунчалар баҳсли бўлмаса-да, уларни нодавлат ташкилоти, дея эътироф этиш анча ноаниқ. Бу ҳолат муассасаларнинг ҳуқуқий мақоми ва қандай ташкилотлар муассасалар эканлигини аниқлашда ҳам анчайин қийинчилик туғдиради.

Бу ўринда хорижий давлатларнинг муассасалар тўғрисидаги фуқаролик қонунчилигини таҳлил қилиш мумкин. Масалан, Россия Федерацияси Гражданлик кодексининг¹ 120-моддасида муассасалар бошқарув, ижтимоий-маданий ва тижоратчиликдан иборат бўлмаган бошқа вазифаларни амалга ошириш мақсадида Россия Федерацияси, унинг субъектлари, муниципал органлар, фуқаро ва юридик шахслар томонидан ташкил қилиниши ва улар нотижорат юридик шахс эканлиги, Озарбойжон Республикаси Фуқаролик кодексининг² 54-моддасида эса муассасалар бошқарув, ижтимоий-

¹ Қаранг: Гражданский кодекс Российской Федерации. Части первая и вторая. – М.: Новая Волна, 1996. – 1450 с.

² Қаранг: Гражданский кодекс Азербайджанской Республики // Азербайджанский юридический портал [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.lex.justice.md/. свободный. – Загл. с экрана. – Яз. Рус.

маданий ва тижоратчиликдан иборат бўлмаган бошқа вазифаларни амалга ошириш мақсадида фақат юридик шахслар томонидан ташкил этиладиган ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган ташкилот эканлиги белгиланган. Демак, бу икки давлат қонунчилигида муассасаларнинг ҳуқуқий мақомига турлича таъриф берилган. Чунки Россия Федерацияси қонунчилиги муассасаларни юридик шахс сифатида эътироф этса-да, Озарбойжон Республикаси қонунчилигида муассасаларга юридик шахс мақоми берилмаган. Фикримизча, муассасаларга юридик шахс мақомининг берилмагани анчайин ноаниқки, бу ҳолат давлат органларининг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирокини чеклаб қўйган. Сабаби, давлатга қарашли бўлган нотижорат ташкилотлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда ҳар доим муассаса сифатида иштирок этади.

Муассасалар ўрганилган хорижий давлатлар фуқаролик қонунчилигининг деярли барчасида юридик шахс мақомига эга (фақат, Озарбайжон Республикаси ФКда юридик шахс эмас) (бундан сўнг Фуқаролик кодекси ФК тарзида ҳам берилади) нотижорат ташкилот эканлиги назарда тутилган бўлса-да, уларнинг ҳуқуқий мақоми бир хил белгиланмаган.

Шу ўринда, миллий қонунчилигимизда муассасаларнинг давлат ва хусусий шаклларга ажратилмаганини таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Бироқ юридик адабиётларда муассасаларни давлат муассасалари ва хусусий муассасалар тарзида эътироф этиш анъана тусига кирган. Аммо ушбу ҳолат фуқаролик қонун ҳужжатларида аниқ ва батафсил ифодаланмас экан, муассасалар тўғрисидаги қонун нормаларидаги мавжуд бир-бирига номувофиқ қоидалар турли англашилмовчиликларни келтириб чиқараверади.

Айни кунда юридик адабиётларда давлат муассасаларининг тури ва хиллари кўплиги таъкидланади. Аммо турли давлат муассасаларининг ҳуқуқий мақоми бир хил деб бўлмайди. Кўп ҳолларда давлат муассасалари ва давлат органлари бир хил маънода қўлланилади. Шу ўринда «давлат органлари» ва «давлат муассасалари» ўзаро фарқли тушунчаларми? – деган ҳақли савол туғилади. Бу саволга тўғридан тўғри ҳа, деб жавоб берса бўлади, чунки барча давлат органларини давлат муассасалари, деб аташ мумкин, аммо ҳар қандай давлат муассасасини давлат органи, яъни давлатнинг таркибий тузилмаси деб бўлмайди. Дейлик, Тошкент

шаҳар ИИББ давлат органи ва айни вақтда давлат муассасаси, Тошкент давлат юридик институти эса давлат муассасаси, аммо уни давлат органи деб бўлмайди.

Умумий ҳуқуқ назариясида давлат органларига «давлат функцияларини бажаришда қатнашувчи ва бунинг учун тегишли ҳокимият ваколатларига эга бўлган давлат механизмининг бўғини»¹ эканлиги таъкидланади.

Аммо таъкидлаш ўринлики, фуқаролик ҳуқуқида давлат органларининг ҳуқуқий мақоми бошқа давлат муассасалариникидан ажратиб кўрсатилмаган.

Бундан ташқари, фуқаролик ҳуқуқида ички ишлар органларининг ҳуқуқий мақомини ва деликт жавобгарлик субъектлигини белгилаш, энг аввало, унга давлат органи (давлатнинг таркибий тузилмаси) ва давлат муассасаси сифатида ёндашувни тақозо этади. Чунки ички ишлар органларининг давлат органи (давлатнинг таркибий тузилмаси) сифатидаги жавобгарлиги давлат зиммасида, муассаса сифатида жавобгарлиги эса юридик шахс сифатида умумий асосларда бўлади.

Фикримизча, давлат органлари нотижорат юридик шахсларнинг бир тури эканлиги аниқ, аммо давлатга тегишли бўлган ҳар қандай нотижорат ташкилотини давлат органи, деб бўлмайди. Давлат органларининг нотижорат ташкилот сифатидаги ўзига хос хусусиятлари уларни давлатнинг бошқа муассасаларидан ажратиб туради. Бундай ўзига хослик унинг ҳокимият ваколатига эгаллиги ва давлатнинг маъмурий бошқарув фаолиятини амалга оширишида намоён бўлади.

Фуқаролик кодекси давлат ҳокимияти ва бошқарувини амалга оширувчи тузилмаларнинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи «Давлат органлари» номли алоҳида модда билан бойитилса, қандай ташкилотлар давлат органлари эканлиги маълум бўлади ва унинг ҳуқуқий мақомига аниқлик киритилади. Бу орқали эса, давлатнинг ўзига тегишли қайси ташкилотлар томонидан етказилган зарар учун ФКнинг 15, 990-моддаларида белгиланган тартибда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгар бўлиши мумкинлиги ҳам ойдинлашади. Бу билан фуқаролик ҳуқуқида «давлат муассасалари» ва «давлат органлари» давлат юридик шахсларининг алоҳида тури эканлигини, шунингдек

¹ Қаранг: Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Х.Т.Одилқориев ва бошқ.; проф. Х.Т.Одилқориев тахрири остида. – Т.: Sharq, 2009. – Б. 538.

ижтимоий-маданий вазифаларни амалга оширувчи муассасалар ва давлатнинг маъмурий бошқарув функцияларини амалга оширувчи давлат органларининг ҳам юридик шахс сифатидаги ҳуқуқий мақомининг белгиланишига эришамиз. Зеро, бугунги кунда фуқаролик ҳуқуқи фанида давлат органлари, шу жумладан ички ишлар органларининг ҳуқуқий мақомини яхлит ва алоҳида ҳолда ифодаловчи конструкция мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг ижро этувчи ҳокимият тизимида ички ишлар органлари алоҳида аҳамиятга эга ташкилотдир. Ички ишлар органлари тузилиши жиҳатидан мураккаб бўлган ташкилот ва у ўзида турли ҳуқуқ лаёқатига эга тузилмаларни бирлаштиради. Ички ишлар органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида бир бутун давлат органи мақомидаги ягона мақсадни амалга оширувчи яхлит муассасадир.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг олий органи ёки бош бўғини Ички ишлар вазирлигидир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги 270-сонли қарори билан тасдиқланган «Ички ишлар вазирлиги тўғрисидаги Низом»да вазирликнинг юридик шахс сифатидаги махсус ҳуқуқ лаёқати белгилаб берилди.

Ички ишлар органларига юридик шахс сифатида фуқаролик ҳуқуқи нуқтаи назаридан ёндашилганда, уларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга киришиши ҳамда юридик шахс белгиларига кўра қуйидаги тизимга ажратиш мумкин:

1) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги. Бу вазирлик ички ишлар органларининг олий органи ёки бош бўғини ҳисобланади. Бунда вазирлик ички ишлар органларининг жамланган яхлит, ўз ўрнида кўп тармоқли тузилмаси сифатида намоён бўлади;

2) ички ишлар органларининг юридик шахс лаёқатига эга бўлган тузилмалари. Уларни ҳам ўз навбатида икки гуруҳга ажратиш мумкин:

а) маъмурий ҳудудий тузилмалар. Бу гуруҳга иерархик тартибда ИИВга тўғридан тўғри маъмурий бўйсунувчи юридик шахс лаёқатига эга бўлган органлари, яъни тузилмалари киради. Масалан, вилоятлар Ички ишлар бошқармалари (бундан кейин вилоят ИИБ) шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ва ш.к. Буни ички ишлар органларининг вертикал йўналишдаги тизими деса бўлади;

б) *тармоқ тузилмалар*. Бунга вазирликка бевосита бўйсунувчи ички ишлар органларидаги тузилмалар киради. Масалан, махсус бошқармалар (юримдик шахс мақомига эга бўлган бошқармалар – «Қўриқлаш» бирлашмаси, ЖЭИББ, ЙҚХББ, Транспортдаги ИИБ ва бошқ.) ва таълим муассасалари (ИИВ Академияси, Ёнғин хавфсизлиги Олий техник мактаби ва бошқ.). Бу йўналишни ички ишлар органларининг горизонтал тизими деб аташ мумкин.

Ички ишлар органларининг вертикал ва горизонтал тизимидаги барча тузилмалари маъмурий ҳуқуқий жиҳатдан давлат органи (давлатнинг таркибий тузилмаси)дир, бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам юримдик шахс лаёқатига эга эмас. Дейлик, шахар ва туман ички ишлар бўлимлари давлат органи, аммо улар юримдик шахс мақомига эга эмас. Чунки уларда юримдик шахс белгилари (банкда ҳисоб рақами, мулкий мустақилик, мустақил мулкий жавобгарлик кабилар) мавжуд эмас. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 41-моддасига кўра, юримдик шахснинг ҳуқуқ лаёқати унинг таъсис ҳужжатлари, устави, низоми ёки қонун ҳужжатларида белгиланади.

Таъкидланганидек, ички ишлар органлари тизимини маъмурий ҳуқуқ ва фуқаролик ҳуқуқи нуқтаи назаридан ўзаро фарқлаш лозим бўлади, бунда ички ишлар органларини юримдик шахс белгиларига кўра тизимга ажратиш тўғридир. Яъни, маъмурий ҳуқуқ жиҳатдан бу тузилмалар иерархик тартибда юқори турувчи органга бўйсунувчи ташкилот ҳисобланса-да, улар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда мустақил субъект ва шартнома мажбуриятлари бўйича мустақил жавобгар бўладилар. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимидаги «Қўриқлаш» бирлашмаси, унинг жойлардаги бўлинмалари юримдик шахс бўлиб, фуқаролар билан уларга қаршли объектларни ҳамда фуқароларнинг хонадонларини кўриқлаш мақсадида кўриқлаш шартномасини тузади. Шунингдек, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда ўзига бириктирилган мол-мулкка нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтиради, ўз эҳтиёжлари учун идора жиҳозларини сотиб олади, турли тадбиркорлик субъектлари билан олди-сотди, айирбошлаш, хизмат кўрсатиш каби шартномаларни мустақил тузади. «Қўриқлаш» бирлашмаси ўз низомида кўрсатилганидек, фуқароларнинг хонадонлари ва юримдик шахсларнинг объектларини шартнома асосида кўриқлаш натижасида йиғилган пул маблағларини мустақил равишда тасарруф қилади.

Бундан ташқари, ИИВ тизимидаги Жазони ижро этиш бош бошқармаси (бундан кейин матнда ЖИЭББ деб юритилади) эса корхона ва ташкилотлар билан олди-сотди, пудрат, айирбошлаш, ижара каби фуқаровий-ҳуқуқий шартномаларни тузади, маҳкум қилинган шахсларнинг меҳнат фаолияти орқали тушган пул маблағларидан ўз хоҳишига кўра фойдаланади ва фаолиятини такомиллаштириш учун сарфлайди. Бунда у шартнома мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида етказилган зарари учун ўзига бириктирилган ва алоҳида балансга олинган мол-мулклари билан фуқаролик-ҳуқуқий жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг «Муассаса мол-мулкни тасарруф этиш» деб номланган 180-моддаси 2-қисмида: «агар таъсис ҳужжатларига мувофиқ муассасага даромад келтирадиган фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилган бўлса, бундай фаолиятдан олинган даромад ва бу даромад ҳисобидан сотиб олинган мол-мулк муассасанинг мустақил тасарруфига ўтади ва алоҳида балансда ҳисобга олинади», – дейилган. Ушбу қоидага таяниб, ИИВ Академиясини ички ишлар органлари тизимидаги ўқув муассасаси сифатида олиб қарайдиган бўлсак, республика Ички ишлар вазирлигининг 2004 йил 23-ноябрдаги 317-сонли буйруғи билан тасдиқланган Академия Уставининг 45-бандида қуйидаги қоидалар белгиланган:

– Академия таълим ва бошқа соҳаларда, агар у Академиянинг асосий фаолиятига зарар етказмаса, пуллик хизмат кўрсатиши мумкин. Академия олиб бораётган тадбиркорлик фаолияти унинг Уставидаги вазифаларига мос келиши керак;

– Академия хусусий мулки билан хўжалик жамиятлари ва бирлашмаларининг жамғармаларида иштирок этиш, пуллик таълим, маслаҳатлар бериш ва бошқа хизматлар баҳосини белгилаш, олинган фойданинг солиқлардан ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбурий тўловлардан қолган қисмига мустақил эгаллик қилиш ҳуқуқига эга;

– Академиянинг пуллик таълим хизмати бюджет ҳисобига молиялаштирилувчи таълим фаолияти ўрнига ёки унинг доирасида амалга оширилиши мумкин эмас;

– Академия Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ушбу Уставга зид келмайдиган шартномаларни тузиш, мажбуриятлар ва

бошқа шартларни белгилаш масалаларини мустақил равишда ҳал этади».

Ички ишлар органлари нафақат бошқа юридик шахслар ёки фуқаролар билан ҳуқуқий муносабатлар, шунингдек тизим ичидаги юридик шахс мақомига эга бўлган органлар билан ҳам ўзаро ҳуқуқий муносабатларни ўрнатиши мумкин. Бундай муносабатлар бир қанча ҳуқуқ соҳалари (маъмурий, фуқаровий) билан тартибга солиниши ёки фуқаролик ҳуқуқи билан бошқа ҳуқуқ нормалари биргаликда, яъни мувозий (паралел) қўлланилиши ёхуд фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга жуда ўхшаш ҳам бўлиши мумкин. Масалан, ички ишлар органлари транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказишни ҳақ эвазига амалга оширади. Гарчи ушбу муносабат ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасига ўхшаб кетса-да, транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги ушбу келишув фуқаролик-ҳуқуқий характерга эга эмас. Сабаби бунда муносабат субъектлари (ички ишлар органлари ва фуқаролар)нинг келишуви тенглик принципига асосланмаган. Автотранспорт воситаларининг техник ҳолатларини текширувдан ўтказиш ички ишлар органларининг функционал вазифаси қилиб белгиланган ва у маъмурий-ҳуқуқий муносабатдир. Чунки, давлат ҳокимияти органи томонидан ўз ваколати доирасида амалга оширилган фаолият давлатнинг оммавий-ҳуқуқий тузилмаси фаолияти деб ҳисобланади. Бундан ташқари, ички ишлар органлари томонидан транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномаларини бериш, бунинг учун номзодлардан имтиҳонлар қабул қилишга доир муносабатлари ҳам ҳақ эвазига амалга ошириладиган муносабатлар ҳисобланиб, шартномавий тусга эга эмас. Чунки бундай муносабатлар вертикал, яъни маъмурий-ҳуқуқий муносабат бўлиб, улар натижасида йиғилган маблағларнинг аксарияти давлат бюджетига тушади.

Ички ишлар органлари тизимида юридик шахс мақомига эга органлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, жумладан, маъмурий ҳудудий тузилма ва тармоқ тузилишидаги органларнинг ўзаро хўжалик алоқалари ва ҳамкорлиги тегишли ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, ушбу муносабатлар кўпроқ маъмурий-ҳуқуқий характерга эгадир. Ички ишлар органларининг тадбиркорлик фаолияти ҳам, молиявий хўжалик фаолияти ҳам иқтисодий фаолият ҳисобланади. Бироқ, бу борадаги муносабатлар

ҳар доим ҳам маъмурий-ҳуқуқий тартибда амалга оширилади деб бўлмайди, чунки улар баъзида шартномавий характерга ҳам эга бўлиши мумкин. Масалан, ички ишлар органларининг вертикал тизимидаги вилоят ИИБ ва горизонтал тизимидаги ЖИЭББ ўртасида олди-сотди, айирбошлаш каби шартномалар тузилиши мумкин. Бунда вилоят ИИБ ва ЖИЭББ ўртасидаги муносабатлар бевосита маъмурий бўйсунувга асосланмасдан, шартномавий тусга эга бўлади, ушбу шартномавий муносабатлар эса фуқаролик ҳуқуқининг нормалари билан тартибга солинади.

Демак, ички ишлар органлари фуқаролик ҳуқуқининг бошқа субъектлари билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга киришади. Шунингдек, ички ишлар органлари тизимидаги юридик шахс мақомига эга органлар ҳам ўзаро фуқаролик-ҳуқуқий характердаги муносабатларга кириша оладилар. Фақат бу ерда ички ишлар органларининг бир тизимдаги маъмурий жиҳатдан бевосита бўйсунувчи органлари ўртасидаги маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан фарқлаш керак бўлади. Дейлик, республика ЖИЭББнинг ўзига маъмурий жиҳатдан бевосита бўйсунувчи жойлардаги юридик шахс мақомига эга органлари билан муносабатлари мулкӣ мазмунда бўлса-да, улар маъмурий тартибда амалга оширилади ва бу муносабатларни хўжалик муносабатлари дейиш мумкин. Яна ИИБ билан унинг тизимидаги органлар ўртасида ҳам мол-мулк билан боғлиқ худди шундай муносабатлар бўлиши мумкин, шунда ички ишлар органлари яхлит тизим бўлганлиги боис, мол-мулклар тизимдаги битта органнинг балансидан шу тизимдаги бошқа органнинг балансига ўтказилади.

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ички ишлар органларининг хўжалик фаолиятига доир муносабатлар ҳар доим ҳам фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар бўлмай, баъзида улар маъмурий ҳуқуқ нормалари билан ҳам тартибга солинади. Аммо, бир иерархик тизимга кирмайдиган ва маъмурий жиҳатдан бевосита бўйсунмайдиган ички ишлар органлари ўртасидаги хўжалик ёки мулкӣ муносабатлари фуқаролик ҳуқуқининг нормалари билан тартибга солинади ва шартномавий характерга эга бўлади. Яъни, ички ишлар органларининг бир-бирига маъмурий жиҳатдан бевосита бўйсунмайдиган тузилмаларининг хўжалик фаолиятидаги ўзаро муносабатлари улар ўртасида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни ҳосил қилади.

Ички ишлар органларининг деярли барча тизимлари, яъни юридик шахс мақомига эга бўлмаган тизимлари ҳам хўжалик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин. Лекин ички ишлар органларининг вертикал тизимдаги органлари ўртасидаги хўжалик алоқаларига маъмурий ҳуқуқ, горизонтал тизимидаги органлар ўртасидаги хўжалик муносабатларига эса фуқаролик ҳуқуқининг нормалари татбиқ этилади.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга хос хусусият шуки, унинг иштирокчилари кўпинча фойда олиш ёки бошқа мулкрий манфаат кўриш мақсадида муносабатга киришадилар. Аммо ички ишлар органларининг хўжалик фаолияти ёки шартномавий муносабатлари уларнинг функция ва вазифаларни амалга оширишдаги моддий заруратлари туфайли юзага келади, бунда мулкрий манфаат асосий мақсад қилинмайди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ички ишлар органларининг бир-бирига маъмурий жиҳатдан бевосита бўйсунмайдиган горизонтал тизимдаги органлари (масалан, «Қўриқлаш бирлашмаси» билан ЖИЭББ) ўртасида товарлар етказиб бериш, олди-сотди, айирбошлаш, турли хизматлар кўрсатиш каби ҳақ эвазига шартномалар тузилиши мумкин, бундай келишувлар фуқаролик-ҳуқуқий характерга эгадир.

Умуман айтганда, ички ишлар органларининг умумий ҳуқуқ субъектлиги соҳалараро (маъмурий, молиявий, фуқаровий ва ҳ.к.) ҳуқуқий муносабатлардан иборат. Албатта, булардан марказий ўринни маъмурий ҳуқуқ субъектлиги эгаллайди. Чунки маъмурий ҳуқуқ субъектлиги ички ишлар органлари қатнашаётган муносабатларда асосий бўғин ҳисобланади. Аммо ички ишлар органларининг фуқаролик ҳуқуқ субъектлиги унинг юридик шахс эканлиги билан намоён бўлади. Ички ишлар органлари юридик шахс ҳисобланиб, фуқаролик ҳуқуқий субъектликка эга. Ички ишлар органларининг фуқаролик ҳуқуқ субъектлигининг мазмунини фуқаровий-ҳуқуқий лаёқат ва фуқаролик муомала лаёқатининг мажмуи ташкил этади.

Ички ишлар органлари фуқаролик ҳуқуқининг алоҳида субъекти сифатида ўзига хос жиҳатларга эга, яъни:

биринчидан, ички ишлар органлари мулк ҳуқуқининг субъекти сифатида ўзларига ажратилган пул маблағларини асосий функция ва вазифаларини амалга ошириш мақсадида ўз хоҳишига кўра

тасарруф қилади ва унинг молиявий сметаси шу хусусияти билан давлат бюджетида турувчи бошқа ташкилотларнинг сметаларидан фарқ қилади;

иккинчидан, ички ишлар органлари хўжалик фаолиятининг натижаларига кўра иқтисодий мустақилликка эга, яъни ташкилотлар, муассасалар, корхоналар ва фуқаролар билан тузган шартномалари юзасидан келиб чиқадиган мажбуриятларга ўз мол-мулки билан жавоб беради, унинг мустақил мулкীয় жавобгарлиги хусусиятлари ўзининг бюджет воситаларига бириктирилган молиявий-сметали принципга асосланади.

Ички ишлар органлари билан фуқаролик ҳуқуқининг бошқа субъектлари ўртасидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар, шунингдек ички ишлар органлари тизимидаги горизонтал органларнинг ўзаро шартномавий муносабатлари ҳам комплекс ўрганилгандагина, ички ишлар органларининг ҳуқуқ субъектлигини таснифлаш ва аниқлаштириш мумкин бўлади. Бунда ички ишлар органларининг яхлит тизим (ИИВ тимсолида) ва ички ишлар органлари ҳар бир бўғинининг алоҳида юридик шахс сифатида ҳуқуқ субъектлигига эгаллигини эътиборга олиш лозим. Зеро, давлат органлари фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда давлат номидан ва ўз номидан ҳаракат қилади ёки давлат ўзининг фуқаролик муомала лаёқатини муайян органлар ёки юридик шахслар (ташкилотлар) воситасида амалга оширади.

Мазкур ҳолатларнинг таҳлилидан шундай хулосани баён этса бўладики, ички ишлар органлари ҳам фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда икки хил ҳолатда: *биринчидан*, давлат номидан ва *иккинчидан*, ўз номидан ёки юридик шахс сифатида иштирок этади.

Биринчи ҳолатда ички ишлар органлари тизимида ягона, умумлашган орган, яъни фақат ИИВ (ички ишлар органларининг яхлит мажмуи сифатида) давлат номидан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга кириша олади. Бу муносабат ИИВнинг давлат номидан фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларни тузганида пайдо бўлади. Бунга мисол қилиб, ички ишлар органларини моддий-техник воситалар билан таъминлаш мақсадида тузиладиган давлат контракти шартномасини келтириш мумкин. Ушбу шартномада давлат номидан буюртмачи сифатида ИИВ иштирок этади, бажарилган иш ёки шартнома ҳақи (давлат буюртмачиси бўлганлиги боис) давлат бюджетидан тўланади ва шартнома мажбуриятлари юзасидан ҳам давлат жавобгар бўлади.

Аммо ИИВ тузадиган ҳар қандай шартнома ва битимларни давлат номидан тузилган деб ҳам бўлмайди, уларнинг муайян турларигина давлат номидан тузилади. Чунки ИИВ ўз номидан ҳам шартнома ва битимлар тузиши, фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини вужудга келтириши мумкин. Бундай вазиятларда ИИВ юридик шахс сифатида шартномавий муносабатларда контрагент (иштирокчи) ҳисобланади.

Ички ишлар органлари тузадиган шартнома ва битимларни ўз номидан ёки давлатнинг вакили сифатида давлат номидан тузилганлигини аниқлаш ҳам ўта аҳамиятлидир. Чунки бунда шартнома юзасидан келиб чиқадиган жавобгарликларнинг ички ишлар органларига ёки давлатга юкланиши масаласини аниқлаш муҳим. ИИВ томонидан тузилган шартномаларнинг айнан, давлат номидан тузилганлигини аниқлашда эса янада аниқлик талаб этилади. Бунда ИИВнинг ҳуқуқ лаёқатига хос хусусиятлар инобатга олиниши шарт. Яъни ИИВ ички ишлар органларининг олий органи сифатида ўз тизимидаги барча муассасаларининг яхлит ҳолдаги функциясини амалга ошириш мақсадини кўзлаб тузган шартномалари давлат номидан тузилган ҳисобланиб, шартнома харажатлари ҳам давлат бюджетидан ажратилади. Агарда ИИВ юридик шахс сифатида яхлит тизимидаги органлар эмас, фақат ўзининг таркибидаги муайян хизматлар фаолиятини яхшилаш мақсадида шартнома тузган бўлса, бундай шартнома мажбуриятлари ўзининг ихтиёридаги пул маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

ИИВ ва унинг тизимидаги юридик шахс мақомига эга бўлган тузилмаларнинг пул маблағларини икки қисмга ажратиш мумкин:

биринчиси, давлат бюджетидан ажратилган смета маблағлари (бундай маблағлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас);

иккинчиси, хўжалик юритиш орқали ёки чекланган тадбиркорлик фаолияти натижасида тўпланган мустақил маблағлар.

Ички ишлар органлари фаолияти учун давлат бюджетидан ажратилган пул маблағлари яхлитлигича ИИВнинг ҳисобига ўтказилади. ИИВ эса ушбу маблағларни смета-бюджет йўли орқали соҳавий хизматларга уларнинг эҳтиёжлари ва вазифасига кўра тақсимлайди. Бунда давлат бюджетидан ажратилган молиявий маблағлардан бошқа мақсадларга сарфламаслик ва молиявий интизомга қатъий риоя этиш принципига асосланилади.

Юқорида таъкидланганидек, ички ишлар органлари хўжалик юритиш орқали ёки чекланган тадбиркорлик фаолияти натижасида тўпланган мустақил маблағларга ҳам эга бўлишлари мумкин. Бу борада Н. Нарматов ҳам ички ишлар органлари тизимидаги «Қўриқлаш» бирлашмаси шартнома асосида топилган даромадга нисбатан хўжалик юритиш ҳуқуқига эга эканлигини ва бу маблағларга нисбатан мустақил тарзда эгалик қилишга ҳақли эканлигини таъкидлайди¹. Шу боис бу маблағлар уларнинг мустақил мулкӣ жавобгарлигини ва фуқаролик-ҳуқуқӣ муносабатлардаги иштирокини таъминлайди. Зотан, юридик шахснинг асосий белгиларидан бири ҳам унинг мулкӣ мустақиллигидир. Ўз мол-мулкига ва уни мустақил бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган ташкилотларни юридик шахс деб бўлмайди.

Қайд қилганимиздек, ички ишлар органларининг мустақил маблағлари хўжалик фаолияти орқали ва ўз уставларида назарда тутилган чекланган тартибда тадбиркорлик фаолияти натижасида тўпланган маблағлари ҳисобига шаклланади. Ички ишлар органларининг низомларида уларга даромад келтирадиган фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилган бўлса, ФКнинг 180-моддаси 2-қисмига асосан бундай фаолиятдан олинган даромад ва ушбу даромадга сотиб олинган мол-мулк ички ишлар органларининг мустақил тасарруфига ўтади ва алоҳида балансда ҳисобга олинади.

Демак, ички ишлар органлари ҳар доим ҳам маъмурий идора ёки давлат органи сифатида фуқаролик-ҳуқуқӣ муносабатларда иштирок этади, деб бўлмайди. Яъни ички ишлар органлари фуқаролик-ҳуқуқӣ муносабатларда том маънода юридик шахс сифатида иштирок этади ва бу унинг хўжалик бошқарув фаолияти, ашёвий-мулкӣ ва шартномавий муносабатларида намоён бўлади. Бунда улар фуқаролик ҳуқуқининг бошқа субъектлари каби тенг ҳуқуқ ва мажбуриятлар асосида иштирок этади. Ички ишлар органлари (яъни, ИИВ) давлат номидан ёки маъмурий орган сифатида фуқаролик-ҳуқуқӣ муносабатларда фақат қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда тор доирада қатнашади, бундай ҳолларда уларнинг фуқаролик-ҳуқуқӣ жавобгарлиги учун асосан давлат жавобгар бўлади. Бирок, ички ишлар органларининг юридик

¹ Қаранг: *Нарматов Н. С.* Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги «Қўриқлаш» бирлашмасининг юридик шахс сифатидаги фаолиятини ҳуқуқӣ тартибга солиш: Юридик фанлари номзоди ... дис. – Т., 2002. – Б. 32.

шахс сифатида фуқаровий-ҳуқуқий шартномалар тузиши оқибатида келиб чиқадиган мулкӣ жавобгарлиги мустақил жавобгарликдир, бунда давлатнинг субсидиар жавобгарлиги мажбуриятларининг етмаган қисми учун келиб чиқади.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга асосланар экан, бунда барча субъектларнинг тенг ҳуқуқли ва мажбуриятлари учун ҳам бир хилда жавобгар бўлишини тақазо этади. Чунки том маънода бозор муносабатлари тизимини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида шартнома тузиш эркинлиги, шартнома тузишга мажбур қилишга йўл қўйилмаслиги, шартнома тузишда томонларнинг тенглиги (ФКнинг 354-м.) каби тамойиллар белгиланган. Бу эса фуқаролик ҳуқуқи субъектларининг эркин ва дадил фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга киришувининг ҳуқуқий кафолатидир. Ички ишлар органлари фуқаролик ҳуқуқининг «махсус ҳуқуқ лаёқати»га эга алоҳида субъекти ҳисобланса-да, ушбу тамойиллар уларга ҳам дахлдордир. Ҳолбуки, фуқаролик жамиятида барча ҳуқуқ субъектлари ўз ҳуқуқ ва эркинликларини Конституция ва қонунларда белгиланган тартибларда эркин ҳамда ихтиёрий амалга оширишлари лозим.

Таъкидлаганимиздек, ички ишлар органлари фуқаролик ҳуқуқининг тенг ҳуқуқли ва айни вақтда «махсус ҳуқуқ лаёқатига» эга алоҳида субъектидир. Ички ишлар органларини фуқаролик ҳуқуқининг алоҳида субъекти сифатида эътироф этишни, унга қандайдир устунлик ёки алоҳида имтиёз берилганлик маъносида тушунмаслик керак. Бошқача айтганда, «фуқаролик қонун ҳужжатларида ва бошқа меъёрий ҳужжатларда юридик шахслар тўғрисида давлатга, давлат бошқарув органларига нисбатан татбиқ этиб бўлмайдиган меъёрларнинг мавжуд»лиги ички ишлар органларини фуқаролик ҳуқуқининг алоҳида субъекти сифатида тан олиш заруратини келтириб чиқаради. Хусусан, юридик шахсни ташкил этиш ёки қайта ташкил этиш, юридик шахсининг ҳуқуқларини чеклаш ва уларни тугатиш каби фуқаролик ҳуқуқий нормаларни уларга нисбатан тўлиқ татбиқ этиб бўлмаслик, шунингдек барча фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок эта олмаслиги, у нотижорат юридик шахс бўлиб, унинг асосий мақсади тадбиркорлик, фойда олиш эмаслиги ва у шундай мақсадларга қаратилган шартномаларни туза олмаслиги кабиларни келтириш мумкин.

Умуман айтганда, ички ишлар органлари фуқаролик ҳуқуқининг бошқа субъектларидан ажратиб турадиган бир қатор белгиларга эга. Ички ишлар органлари ўз низомларида белгиланган функция ва вазифаларни амалга ошириш мақсади кўзланган шартнома ва битимларнигина тузади. Аниқроғи, ички ишлар органлари асосий вазифаларини амалга оширишдаги моддий заруратлари туфайли фуқаровий-ҳуқуқий шартномаларни тузади. Зеро, уларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги иштирокининг асосий шакли шартномалар кўринишида амалга ошади.

Баъзи ҳуқуқшунослар ички ишлар органлари тизимидаги айрим тузилмаларни тижорат корхоналари сифатида эътироф этадилар. Н. Нарматов: ««Қўриқлаш» бирлашмаси, бир томондан, ваколатли расмий давлат органи, яъни муассасадир; иккинчи томондан, хўжалик юритувчи субъект, яъни тижоратчи юридик шахс», – деб таъкидлаб, «ҳозирги бозор муносабатлари шароитида «Қўриқлаш» бирлашмасининг ҳуқуқий ҳолати ўзгарди: у давлат тузилмасидан давлат-тижорат корхонасига айланди»¹, – деган қатъий фикрни айтади. О. Камалов эса бу фикрни қувватлаб, ЖИЭББ тизимидаги манзил колонияларини ҳам шундай корхоналар сирасига киритади². Тўғри, ҳақиқатан ҳам ички ишлар органлари тизимидаги «Қўриқлаш» бирлашмаси ва ЖИЭББ ҳозирги даврда тўлиқ бозор иқтисодиёти қонуниятлари асосида фаолият юритмоқда. Улар тизимдаги бошқа тузилмаларга қараганда, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда фаол қатнашмоқда, лекин уларнинг ҳуқуқий шакли нотижорат юридик шахс эканлиги ёддан чиқмаслиги керак. Бошқача айтганда, тижоратчи юридик шахсларнинг асосий фаолияти фойда олишга қаратилгандир, ички ишлар органлари ва унинг тизимидаги «Қўриқлаш» бирлашмаси ҳамда ЖИЭББ асосий фаолиятининг мақсади бундай эмас.

Умуман, ички ишлар органларининг фуқаролик муомаласида ўз номидан, яъни юридик шахс сифатидаги иштирокини икки турга ажратиш мумкин:

¹ Қаранг: Нарматов Н.С. Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги «Қўриқлаш» бирлашмасининг юридик шахс сифатидаги фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш: Юрид. фан. номз. ... дис. – Т., 2002. – Б. 32.

² Қаранг: Камалов О. А. Ички ишлар органларини моддий-техник воситалар билан таъминлаш бўйича давлат контракти: Юрид. фан. номз. дис. ... автореф. – Т., 2005. – Б. 11.

биринчидан, шартномавий муносабатлар асосида, яъни ўз хоҳишига кўра фуқаролик ҳуқуқининг бошқа субъектлари билан ўз функция ва вазифаларини амалга ошириш мақсадида турли хилдаги шартнома ва битимларни тузади. Кўп ҳолларда бундай шартнома ва битимларни фуқаролар билан эмас, балки юридик шахслар билан имзолайди. Амалиётда ички ишлар органларининг жисмоний шахслар, яъни фуқаролар билан шартнома ва битимлар тузиши жуда ҳам кам учрайдиган ҳолатдир;

иккинчидан, деликт муносабатлар асосида, яъни шартномадан ташқари вужудга келадиган мажбурият муносабатларида қарздор ёки кредитор сифатида иштирок этади. Ички ишлар органлари ўз ваколатлари доирасида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиши, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза этиши ва жамоат хавфсизлигини таъминлаши, шунингдек давлат, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулки ва мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиши жараёнлари бевосита фуқаролик ҳуқуқи бошқа субъектларининг фаолияти билан боғлиқ. Бунда улар кутилмаган ҳодиса ва шароитларда фуқаролар ва юридик шахсларга зарар етказишлари мумкин. Масалан, ички ишлар органларининг тасарруфидаги мол-мулкка баъзида учинчи шахслар томонидан шикаст етказиш ҳоллари ҳам учрайди. Бундай вазиятларда тегишли ички ишлар органлари мулкӣ зарарни ундириш масаласида даъвогар, яъни жабрланувчи (кредитор) сифатида иштирок этади. Ва аксинча, ички ишлар органлари томонидан фуқарога нисбатан Фуқаролик кодексининг 991-моддасида белгиланган тартибдагидек қонунга хилоф тарзда етказилган зарар ҳам қопланиши керак. Ушбу ҳолатларда эса ички ишлар органлари фуқаролик-ҳуқуқӣ муносабатларда қарздор (деликвент) сифатида иштирок этади.

Ички ишлар органлари фаолиятида вужудга келадиган фуқаролик-ҳуқуқӣ муносабатларни тавсифловчи умумий хусусиятлар, шунингдек фуқаролик-ҳуқуқӣ муносабатлар асосий турларининг таҳлиллари қуйидаги муҳим ҳолатларни алоҳида таъкидлашга имкон беради:

а) ички ишлар органларининг функционал вазифалари ва ваколатларининг ўзига хослиги улар киришадиган ҳуқуқӣ муносабатларнинг турличалигини белгилаб беради. Бунда уларнинг фаолияти маъмурий, фуқаровий, меҳнат, хўжалик ва бошқа ҳуқуқӣ нормалар билан тартибга солинади ёки бу муносабатлар бир

вақтнинг ўзида бир неча ҳуқуқ нормалари билан мувозий (параллел) тартибга солинади;

б) ички ишлар органлари фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда давлат номидан¹ ва ўз номидан (юридик шахс сифатида) иштирок этади. Давлат номидан иштироқи фуқаровий-ҳуқуқий шартномалар тузиш орқалидир. Бунда ички ишлар органларининг яхлит тузилмаси (мажмуи) сифатида фақат ИИВ давлат номидан фуқаровий-ҳуқуқий шартномалар тузади;

в) ички ишлар органлари маъмурий орган ҳисобланса-да, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда маъмурий ваколатларидан фойдаланмайди, контрагентларига маъмурий таъсир ўтказмайди ва улар билан тенг ҳуқуқли иштирок этади;

г) ички ишлар органлари тизимидаги барча идоралар маъмурий ҳуқуқ нуқтаи назаридан давлат органлари (давлат тузилмаси) ҳисобланади, лекин фуқаролик ҳуқуқида уларнинг барчаси ҳам юридик шахс эмас;

д) ички ишлар органларининг барча бўғинлари хўжалик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин, лекин фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда ёки шартномалар тузишда фақат юридик шахс мақомига эга тузилмаларгина қатнаша олади;

е) ИИВ ички ишлар органларининг бош бўғини ҳисобланса-да, вазирлик умумий қоидага кўра, ўз тизимидаги юридик шахс мақомига эга органларининг фуқаровий-ҳуқуқий мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди (фақат қонунда назарда тутилган ҳоллардагина субсидиар жавобгар бўлиши мумкин), шунга кўра, унга бўйсунувчи идоралар ҳам вазирликнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Ички ишлар органлари ўзига бириктирилган мол-мулклар, смета бўйича ажратилган маблағлардан низомларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун оператив бошқарув ҳуқуқига асосан фойдаланадилар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ички ишлар органларининг ўзига хос ташкилий бирлиги, мулкий мустақиллиги, мустақил мулкий жавобгарлиги, фуқаролик муомаласида даъвогар ва жавобгар бўла олиши, шунингдек фуқаролик муомаласида ўз номидан ва давлат номидан иштирок этиши унинг фуқаролик ҳуқуқининг махсус ҳуқуқ лаёқатига эга алоҳида субъекти эканлигини тўла-тўқис асослайди.

¹ Бу ерда фақат Ички ишлар вазирлиги назарда тутилади.

1.2. Деликт муносабатларнинг тизимида ички ишлар органлари томонидан етказилган зарар ва уларнинг вужудга келиш хусусиятлари

Демократик ҳуқуқий давлатнинг белгиси фақат фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминлангани эмас, балки уларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳам қай даражада тикланиши ёки қопланишида намоён бўлади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислон Каримов: «фуқаро, агар унинг қонуний манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилган тақдирда, ҳар қандай масала бўйича ҳимоя учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлмоғи даркор»¹, – дея таъкидлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддаси, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқини кафолатлайди. Зеро, мукамал қонунлар нафақат мавжуд муносабатларни, балки вужудга келиши эҳтимол тutilган муносабатларни ҳам ўзида ифода этади. Юқорида таъкидланган конституциявий нормалар жорий қонунларда, айниқса, фуқаролик қонун нормаларида янада уйғунлашган ҳолда ифода топган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 57-боби «Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар» деб номланади. Деликт институт бажарадиган асосий вазифа ҳам бузилган ҳуқуқ ва манфаатларни тиклаш бўлиб, бунда ҳуқуқи бузилган шахс ўзига етказилган зарарнинг тўла қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Ҳ. Раҳмонқулов бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилишда энг мақбул усул деликт институти эканлигини таъкидлаб: «фуқаролик ҳуқуқларини бузганлик туфайли етказилган зарарларни қоплаш фуқаролик ҳуқуқида ва мулкий муносабатларда ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг энг мос ва қулай усули»², – деб ёзади.

Фикримизча, фуқаролик ҳуқуқининг деликт институти бажарадиган вазифа нафақат етказилган зарарни тўлиқ ҳажмда қоплаш, балки бу институт жамиятда субъектларнинг ғайриқонуний ҳаракатларни қилмасликни, қонунчиликка риоя қилишни, фуқаро-

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т. 1996. – Б. 18.

² Қаранг: Раҳмонқулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар). – Т.: ТДЮИ., 2005. – Б.110.

ларнинг ҳаёти, соғлиғи ва бошқа манфаатларига шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкига нисбатан эҳтиёт-корона муносабатда бўлишни таъминлайди ҳамда жамиятда турли ҳуқуқбузарликларни олдини олишга хизмат қилади, шунингдек жамият аъзоларидан ҳуқуқбузарликка мойил шахсларнинг «етказилган зарар қопланиши муқарар» эканлигини тушунган ҳолда турли ҳуқуқбузарликлар содир этилишини олди олинишига ҳам етарли даражада таъсир кўрсатади. Шу жиҳатлари билан мазкур институт бажарадиган вазифа профилактик хусусиятга ҳам эгадир.

Цивилист олимлар деликт мажбурият институти рим ҳуқуқи манбаларига бориб тақалиши ва бу институт «(delicts unerlaubte Handlungen, torts) мажбуриятлар турининг энг қадимгиси ҳисобланишини айтадилар. «Деликт» – лотинча «deliktum» сўзидан олинган бўлиб, «бузиш», «айб» каби маъноларни англатади. Бироқ «деликт» атамаси цивилистик адабиётларда кенг қўлланилса-да, миллий қонунчилигимизда бу ибора умуман қўлланилмайди. Аммо, айрим МДХ давлатларининг фуқаролик қонунчилигида бу иборани учратиш мумкин, масалан, Озарбайжон Республикаси Фуқаролик кодексининг 59-боби «Фуқаровий ҳуқуқбузарлик (деликтлар)», Молдова Республикаси Фуқаролик кодексининг 1398-моддаси «Деликт жавобгарликнинг умумий асослари ва шартлари», деб номланади.

Деликт мажбуриятлар цивилистика фанининг қадимги Рим ҳуқуқидан бошлаб ҳозирги кунгача баҳс-мунозарага сабаб бўлиб, давом этиб келаётган энг муҳим институтларидан бири ҳисобланади. Юридик адабиётларда бу институтни цивилистлар «зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар», «деликт мажбуриятлар», «ҳуқуқбузарликдан келиб чиқадиган мажбуриятлар», «шартномасиз мажбуриятлар», «ножоиз (ман этилган) ҳаракатлардан келиб чиққан мажбуриятлар», деб ҳам атайдилар. Бироқ мазкур институтнинг турлича аталиши ёки номланиши унинг мазмун-моҳиятини очиб бермаса-да, бизга унинг қуйидаги муҳим белгиларини аниқлашга имкон беради:

биринчидан, деликт мажбурият институтини «зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбурият» деб номланишида унинг асосий белгиси ҳаракат оқибати эканлиги англанади, яъни ушбу ҳолатда ҳар доим зарар деликвентнинг ғайриқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) оқибатида вужудга келади. Зотан, ички ишлар органлари

томонидан етказилган зарар ҳам ҳар доим ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг натижаси деб қаралади (ФКнинг 991-моддасида);

иккинчидан, деликт мажбурият институтини «ҳуқуқбузарликдан келиб чиқадиган мажбуриятлар» ёки «ножоиз (ман этилган) ҳаракатлар» дейилишида, зарар етказиш факти ғайриқонуний ҳаракат билан боғлиқ эканлигини асослайди, яъни бунда ҳар доим зарар етказувчининг ҳаракати қонунга ёки ҳуқуққа хилоф бўлади ва зарар ғайриқонуний ҳаракатнинг маҳсули деб фараз қилинади;

учинчидан, деликт мажбурият институтининг «шартномасиз мажбурият» дейилиши унинг ҳаракатни амалга ошириш чегараси, яъни бунда деликвентнинг зарарни қоплаш мажбурияти шартномадан ташқаридаги ҳаракат оқибатида вужудга келганлиги билан ифодаланади;

тўртинчидан, деликт мажбурият институтининг «фуқаровий ҳуқуқбузарлик» дея ифодаланиши айнан фуқаролик ҳуқуқлар (мулкӣ ёки номулкӣ ҳуқуқлар)нинг бузилишини, яъни бунда ҳуқуқбузарликнинг объекти фуқаролик ҳуқуқлари эканлигини ифодалайди.

Аммо шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, юқоридаги белгилар деликт мажбурият институтининг мазмун-моҳиятини тўлиқ ифода этмайди.

Назаримизда, «шартномадан ташқари мажбуриятлар» тушунчаси жуда кенг маънода тушунилиши керак. Яъни, бу шартномадан ташқари вужудга келадиган мажбуриятларнинг барчасига тааллуқлидир. Хусусан, зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар, асоссиз бойлик орттириш оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар, давлат органлари ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳужжатлари ва суднинг қарорларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар, яна шунингдек ФКнинг 8-моддаси «Фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларининг вужудга келиш асослари»да таъкидланган бошқа асослардан келиб чиқадиган мажбуриятлар ҳам шартномадан ташқари мажбуриятлар ҳисобланади. Демак, «деликт мажбурият»га шартномадан ташқари вужудга келадиган мажбуриятларнинг бир тури деб қараш тўғри бўлади.

Бундан ташқари, «деликт мажбурият» деганда, кўпроқ ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилган зарар тушунилса, «шартномадан ташқари мажбуриятлар» эса кенгроқ мазмун касб этиб,

нафақат ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилган зарар, балки юқорида таъкидланган шартномасиз мажбуриятларнинг барча турларини қамраб олади.

Деликт мажбурият – фуқаролик ҳуқуқи субъектларининг турли ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизликлари туфайли бошқа шахсларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига, мулкига ва мулкӣ ҳуқуқларига, шунингдек шахсий номулкӣ ҳуқуқларига етказилган зарарларни қоплаш мажбуриятини англатади. Бу ерда зарарнинг кўп ҳолларда зарар етказувчи ҳам, жабрланувчи ҳам билмаган ёки билиши мумкин бўлмаган вазиятларда юзага келишини (бунда ҳар доим ҳам деликвентнинг қасд ёки айбли ҳаракати бўлмаслиги мумкин) алоҳида таъкидлаш лозим. Шу боис, зарар етказганлик учун жавобгарлик деликвентнинг айби бўлмаган тақдирда ҳам белгиланиши мумкин. Дарвоқе, ушбу қоида Фуқарлик кодексининг бир нечта моддаларида мустаҳкамлаб қўйилган. Масалан, 985-модданинг 4-қисмида «қонунда зарар етказган шахснинг айби бўлмаган тақдирда ҳам зарарни тўлаш назарда тутилиши мумкин»лиги, 990-модданинг 1-қисмида «мансабдор шахсларнинг айбидан қатъи назар» зарар қопланиши, 991-модданинг 1-қисмида «фуқарога етказилган зарар суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг мансабдор шахслари айбидан қатъи назар» тўланиши, 1021-модданинг 2-қисмида эса маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қатъи назар қопланиши шартлиги тўғрисидаги ҳолатлар белгиланган. Чунончи, фуқаролик қонунларида «айбсиз жавобгарлик мавжуд эмас» деган фикрларни истисно этувчи ҳолатлар ҳам мавжудки, булар асосан деликт мажбуриятлардагина учрайди. Чунки шартномавий жавобгарлик айбнинг мавжудлигига асосланади. Дейлик, форс-мажор оқибатида шартнома мажбуриятлари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган бўлса ва натижада келиб чиққан зарарда мажбуриятни бажармаган томоннинг айби бўлмаган деб қаралади ва бундай зарар тўланмайди¹.

Таъкидлаш керакки, собиқ Иттифоқ қонунчилигида давлат органларининг деликт жавобгарлиги амалда қўлланилмаган,

¹ Бунда етказилган зарар, қачонки шартнома мажбурияти суғурталанган бўлса, суғурта ташкилоти томонидан суғурта пули баробарида қопланиши мумкин, лекин форс-мажор ҳолатида шартнома мажбуриятини бажармаган томонга зарарни тўлаш мажбуриятини юклаб бўмайди.

етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги қоида эса фақат шартнома мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгарлик сифатида белгиланган эди. Буни цивилистлар: «амалдаги Фуқаролик кодекси кучга киритилгунга қадар фуқаролик қонунчилигида фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини келажақда етказилиши мумкин бўлган зарарлар хавфидан ҳимоя қилиш воситаси мавжуд эмас эди»¹, – дея изоҳлайдилар. Қайд этиш ўринлики, 1997 йилнинг 1 мартдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбурият муносабатларига алоҳида эътибор қаратилган (ФКнинг 57-боби) ва бу юқоридаги камчиликлардан мутлақ ҳолидир.

Деликт институтининг тавсифи билан боғлиқ яна бир фикр шуки, у ҳам бўлса, юридик адабиётларда бу институтнинг баъзида «зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар» ва баъзида «зарар етказганлик учун жавобгарлик» деб юритилганидир. Бу ҳолат фуқаролик қонун ҳужжатларида ҳам учрайди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 57-боби «Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар» деб номланса-да, ушбу бобнинг 985-моддаси «Зарар етказганлик учун жавобгарликнинг умумий асослари» деб номланган ва бобнинг кейинги моддаларида ҳам «мажбуриятлар» ўрнига «жавобгарлик» атамаси қўлланиб кетаверган. Бу ҳолат кишини турли баҳс-мунозараларга тортади, ваҳоланки, юқоридаги модда айнан «Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг умумий асослари» деб номланганда мақсад янада аниқ бўлар эди. Яна айтиш мумкинки, қонунчиликда бу атамаларга мустақил тушунчалар сифатида қаралмаган, яъни улар бир хил маънода ифодаланилган. Аммо «жавобгарлик» ва «мажбурият» атамаларининг моҳиятига тўхталсак, жавобгарлик ҳар доим ҳуқуқбузарликнинг оқибатида, мажбурият эса кўп ҳолларда шартнома (келишув) асосида вужудга келиши ҳаммага аён вазиятлардир. Шу жиҳатдан деликт оқибатида келиб чиқадиган зарарнинг «Зарар етказишдан келиб чиқадиган жавобгарликлар» деб номланиши унинг мазмунига монанд. Демак, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 57-бобини «Зарар етказишдан келиб чиқадиган жавобгарликлар» деб номлаш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

¹ Қаранг: *Abdusalomov M. va boshq.* Fuqarolik huquqi. II qism. – Т.: TDYI., 2007. – В. 572.

Зарар етказишдан келиб чиқадиган жавобгарлик институти тўғрисидаги фикрларни умумлаштириб, унинг қуйидаги белгиларини алоҳида таъкидлаш мумкин:

биринчидан, деликт жавобгарлик субъектлари (деликвент ва жабрланувчи)нинг муносабатлари шартнома муносабатларига боғлиқ бўлмайди. ФКнинг 991-моддасидаги ички ишлар органлари тизимидаги суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан фуқароларга етказилган зарар тўғрисидаги қондан бунга мисол қилиш мумкин. Амалиётда ички ишлар органларининг фуқаролар билан шартнома тузиши жуда кам учрайдиган ҳолатдир (масалан, ички ишлар органлари ҳузуридаги «Қўриқлаш» бўлимлари фуқаролар билан хонадонларни қўриқлаш шартномасини тузади);

иккинчидан, деликт жавобгарликда зарар етказувчи билан жабрланувчи ўртасида шартнома тузилган бўлиши ҳам мумкин, бироқ бунда етказилган зарар айнан шартнома мажбуриятларини бузиш оқибатида келиб чиқмайди. Дейлик, ички ишлар органлари жабрланган субъект билан шартнома тузган бўлиши мумкин, лекин айнан контрагентга етказилган зарар ушбу шартнома мажбуриятини бажармаслик оқибати ҳисобланмайди;

учинчидан, деликт жавобгарликларни тартибга солувчи нормалар қонунда белгиланган айрим ҳолларда шартнома мажбуриятларини бузиш оқибатида етказилган зарарларни қоплаш муносабатларига нисбатан ҳам татбиқ этилади. Хусусан, ФКнинг 1005-моддасида: «шартнома мажбуриятларини бажаришда, шунингдек ҳарбий хизмат мажбуриятларини, ички ишлар органларидаги хизматни ва бошқа шунга ўхшаш мажбуриятларни бажаришда фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарар, агар қонунда ёки шартномада жавобгарликнинг анча юқори миқдори назарда тутилмаган бўлса, ушбу 57-боб қоидаларига мувофиқ қопланади», – дейилган. Яна, ФКнинг 509-моддасига асосан, ҳады шартномасидан келиб чиққан зарар муносабатлари, яъни камчиликлари бўлган мол-мулкни ҳады қилиш оқибатида етказилган зарар, шунингдек ФКнинг 725-моддасига кўра, шартнома бўйича йўловчининг ҳаёти ёки соғлиғига шикаст етказилганлиги учун ташувчига жавобгарлик белгилашда деликт жавобгарлик муносабатларига оид қоидалар қўлланилиши назарда тутилган.

Айтиш мумкинки, ФКнинг 57-боби тартибга соладиган муносабатлар доираси жуда кенг қамровли ва унинг қоидалари нафақат

деликт жавобгарлик муносабатларига, балки шартномавий мажбурият муносабатларига ҳам татбиқ этилиши мумкин бўлса-да, шартномалар тўғрисидаги умумий қоидалар деликт жавобгарлик муносабатларига нисбатан қўлланилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 57-бобида «Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар» нафақат зарарни қоплаш тартибини, балки унинг олдини олиш тўғрисидаги қоидаларни ҳам назарда тутди. Хусусан, ФКнинг 986-моддаси «Зарар етказишнинг олдини олиш» деб номланиб, унинг биринчи қисмида «келгусида зарар етказилиши хавфи борлиги бундай хавфни юзага келтирадиган фаолиятни тақиқлаш тўғрисида»ги даврони қўзғатиш мумкинлиги асосланган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги ва бошқа қонун ҳужжатларида ҳам барча хавф-хатар ва зарарлар тўғрисида ҳар бир шахсининг судга мурожаат этиши мумкинлиги мустаҳкамланган.

Зарарнинг кутилмаган ҳодиса ва тасодифлар оқибатида вужудга келиши боис, унинг келиб чиқишини ҳар доим ҳам олдиндан аниқ айтиб (башорат қилиб) бўлмайди. Бу эса ҳар қандай даврда кутилмаган зарарлардан ҳимояланиш зарур ва долзарблигини англатади. Айниқса, айтиш кунда зарарларнинг келиб чиқиши ўзгача бир тус олмоқдаки, шахслар (фуқаро, юридик шахс, давлат)га зарарлар табиат ҳодисаларидан кўра кўпроқ ғайриқонуний ҳаракатлар оқибатида етказилмоқда.

Ғайриқонуний ҳаракатлар ҳар доим ҳам қонунга хилофлиги маълум, улар иккинчи тарафнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг бузилишига олиб келади. Барча давлат органлари сингари ички ишлар органлари фаолиятининг барча ҳуқуқий шакллари, энг аввало, ҳуқуқий муносабатлари ҳуқуқ нормаларига мувофиқ бўлиши шарт, шундагина уларнинг фаолияти қонуний ҳисобланади. Давлат ички ишлар органларига ҳокимият ваколатларини берар экан, ушбу ваколатларнинг ҳар доим ҳам хатосиз амалга оширилишини тўлиқ кафолатлай олмайди. Шу сабабли ҳам бунинг оқибатида вужудга келадиган ҳар қандай кўнгилсизликларнинг оқибатларини қоплашни давлат ўз зиммасига олиши керак бўлади.

Ички ишлар органларининг асосий фаолияти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамоат тартибини, жамоат хавфсизлигини муҳофаза қилиш ва жиноятчиликка қарши курашни таъминлаш ва амалга ошириш билан боғлиқ. Бундай кенг қамровли вазифаларни амалга оширишда эса ички ишлар органлари турли соҳаларда (масалан, экология, санитария, ёнғин хавфсизлиги, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва ш.к.) фаолият олиб боради ва бу ушбу соҳаларга тегишли қонунларда белгилаб қўйилган.

Кўп ҳолларда ички ишлар органларининг ўз функция ва вазифаларини амалга оширишда фуқаролар ва ташкилотлар билан киришадиган муносабатлари маъмурий-ҳуқуқий характерга эга бўлади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), С. Рашидованинг таъкидича, ички ишлар органларидаги қонунбузарликлар асосан, баъзи ходимларнинг қонунчиликни билмаслиги, ҳуқуқий маданиятнинг пастлиги, ҳуқуқни менсимаслик, ғайриқонуний хатти-ҳаракат содир этган ходимларнинг жазоланмаслиги, амалдаги қонунчиликни билмаслик ёки етарли даражада билмаслиги каби омиллар билан ифодаланади¹.

Бундан ташқари, ички ишлар органлари ходимлари томонидан ўзларига қилинган ҳужумларни бартараф этиш мақсадида баъзи ҳолларда жисмоний куч ишлатишга тўғри келиши ва бундай ҳолатлар кўпинча оммавий тартибсизликлар ёки Жазони ижро этиш муассасалари маҳкумлари томонидан ички ишлар органлари ходимларига қилинган тажовузлардан ҳимояланишда қўлланиланиши таъкидланади². Мазкур вазиятларда охириги зарурат ёки зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқилганда, ҳар доим зарар етказилганлик ва уни қоплаш муаммоси вужудга келади.

Маълумки, ички ишлар органларининг ходимлари маъмурий ёки жиноий-процессуал ҳаракатларни амалга ошириш жараёнларида ҳар доим қонун ва меъёрий ҳужжатлардаги талабларга

¹ Қаранг: Рашидова С. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатининг устуворлиги давлат органлари фаолиятида инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришнинг асоси сифатида // Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ахборотномаси. – №3. 2010. – Б. 7.

² Қаранг: Ҳасанов А. Ҳ. Жазони ижро этиш муассасалари ходимлари хавфсизлигини таъминлашда маъмуриятнинг роли // Ҳуқуқ – Право – Law. – 2001. – №3 (15). – Б. 30–32.

каттик риоя қилишлари шарт. Аммо амалиёт таҳлиллари баъзан ички ишлар органлари қабул қилган қарорлар ёки ходимларининг хатти-ҳаракатлари ғайриқонуний, қонунга хилоф бўлиши ҳолатлари учраб туришини кўрсатмоқда. Масалан, 2008 йилда жиноятларни очиш бўйича қамокқа олишга санкция бериш юзасидан туман (шаҳар) судларига барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан жами 16586 та шахсга нисбатан тўпланган материаллар келиб тушган бўлса, шулардан 11218 таси ички ишлар органлари тергов бўлимларининг қарорларига асосан киритилган¹. Санкция бериш тўғрисида киритилган илтимосларнинг 169 тасида қонун бузилишларига йўл қўйилган, шунинг 132 таси ИИБ терговчилари томонидан амалга оширилган². Бундай салбий ҳолатлар илгариги йилларга қараганда нисбатан камайганлигини ҳам қайд этиш керак. Шундай ҳолатлар бўйича Россия Федерациясида эса 1999 йилгача ҳар йили судгача турлича асосларга кўра тергов ҳибсхоналаридан 125 минг нафарга яқин киши озод қилинган³ ва натижада 1999 йил декабрь ойида тергов ҳибсхоналаридан 972 нафар киши ноқонуний ушлаб турилганлиги учун озод этилган⁴. Кўриниб турибдики, бу жиҳатдан Ўзбекистон Республикасидаги аҳвол анча афзал.

Юқорида таъкидланган ҳолатлар ички ишлар органларининг асосан жиноий-процессул ҳаракатларни ғайриқонуний қўллаш оқибатида етказган зарарлари бўлиб, бундай салбий ҳолатлар, афсуски, уларнинг маъмурий-ҳуқуқий фаолиятида ҳам кузатилмоқда. Булар асосан улар томонидан ғайриқонуний маъмурий қарорлар қабул қилиш, қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни содир этиш ва маъмурий ҳуқуқ нормаларини нотўғри қўллаш оқибатида юз бермоқда.

Амалиётда ички ишлар органлари баъзи ходимларининг процессуал қонун ва маъмурий ҳуқуқ нормаларини нотўғри қўллаш ҳолатлари, шунингдек хизматга тегишли меъёрий ҳужжатларнинг моҳиятини яхши билмасликлари ҳам кузатилмоқда. Масалан, Узун

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Суд статистикаси бўлимининг 2008 йилги якуний ҳисоботи материалларидан.

² Ўша манба.

³ Қаранг: *Крашенинников П. В.* Тюрма по русски в ожидании перемен // Бюллетень Минюста РФ. – 1999. – № 5. – С. 19.

⁴ Қаранг: Тяжела ты, папка прокурора: Беседа и.о. Генерального прокурора РФ В.Устинова с корреспондентом «Российской газеты» Б.Ямшаловым // Российская газета. – 2000. – 12 янв.

тумани ИИБ профилактика инспектори фуқаро Ж.Б. яшайдиган жойда суднинг санкцияси бўлмай туриб, ҳеч бир рухсатсиз тинтув ўтказганлиги ёки профилактика инспектори Тошкент шаҳри С. Раҳимов туманида доимий рўйхатда туриб, Чилонзор туманида доимий рўйхатда турмаган ҳолда яшаб келаётганлиги учун фуқаро Қ.Пўлатовга нисбатан маъмурий баённома тузганлиги ва Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 123-моддасига кўра маъмурий жавобгарлик (жарима) белгилаганлиги¹ каби ҳолатларни қайд этиш мумкин. Биринчи ҳолатда профилактика инспектори процессуал қонунчиликнинг тегишли нормаларини бузганлик оқибатида фуқарога нисбатан зарар етказган деб баҳолаш мумкин бўлса, иккинчи ҳолатда эса профилактика инспектори ИИВнинг 328-буйруғидаги талабларга хилоф маъмурий қарор чиқарган дейиш мумкин. Чунки ИИВнинг «Профилактика инспекторлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби бўйича йўриқнома»нинг 5.3.6. – бандига кўра, «агар фуқаро бирон-бир маъмурий ҳудуд доирасида рўйхатдан ўтиб, пропискада турган жойда истиқомат қилмай, мунтазам равишда шу маъмурий ҳудудга қарашли бошқа жойда пропискасиз истиқомат қилса, бундай ҳолат паспорт тизими қоидаларини бузиш деб ҳисобланмайди (масалан, Тошкент шаҳар С.Раҳимов туманида рўйхатдан ўтиб, Учтепа (А.Икромов) туманида истиқомат қилганида)»², деган кўрсатмаси мавжуд. Демак, профилактика инспектори ФКнинг 991-моддасида белгиланган қонунга хилоф ҳаракатни содир қилган ва оқибатда фуқарога зарар етказган. Қонунга хилоф маъмурий жавобгарликнинг қўлланиши туфайли жабрланган фуқаро нафақат мулкӣ, балки маънавий зарар ҳам кўрган деб ҳисоблаш мумкин. Чунки фуқаронинг мулкӣ зарари у тўлаган жарима суммаси бўлса, маънавий зарари ноқонунӣ маъмурий жавобгарликка тортилганлигидир.

Умумий қоидага кўра, фуқаролик ҳуқуқида зарар мулкӣ ва маънавий шаклларда бўлади. Собик Иттифоқ давридаги адабиёт-

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг ахборотномаси. – №3. – 2010. – Б. 7; Постда. 2006. – 11 ноябр.

² Қаранг: «Профилактика инспекторлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби бўйича йўриқнома»: Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2001 йил 28 декабрдаги 328–сонли буйруғига 1 илова.

ларда маънавий зарарни моддий шаклда қоплашга узоқ вақтгача салбий муносабат билдирилган эди. Бунинг сабаби ўша даврларда фуқароларнинг номулкий ҳуқуқлари барча нарсалардан устун, шунинг учун ҳам уларни пул эквивалентида баҳолашнинг имконияти йўқ, деб исботлашга ҳаракат қилинган. Масалан, ўша даврнинг ҳуқуқшунос олими Е.А.Флейшиц «Номулкий зарарни мулкий қоплаш, яъни инсоннинг ҳаётини, соғлиғини, кадр-қимматини пул билан ўлчаш, инсон шаъни юқори ҳисобланган совет социалистик жамиятига ёт тушунчадир»¹, – деб ёзган эди, яъни бунда шахснинг шаъни, кадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига етказилган маънавий зарарнинг қопланиши тан олинмайди. Собиқ Иттифоқ қонунчилиги фақат мулкий зарарнигина тан олган, чунки зарарни қоплашда фақат мулкий зарарлар инобатга олинган. Аммо 1960 йилларга келиб юридик адабиётларда, маънавий зарарни қоплаш масаласига атрофлича эътибор қаратила бошлаган. Узоқ тортишувлардан сўнг, собиқ Иттифоқ қонунчилигида биринчи марта «маънавий зарар» тушунчаси «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунда, шунингдек 1991 йил 14 июнда қабул қилинган Ўзбекистон ССРнинг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунининг 32-моддасида қисман ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг қабул қилиниши билан маънавий зарарни моддий қоплаш масаласи миллий қонунчилигимизда илк мартаба тўла-тўқис ифодасини топди ва бу мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги дастлабки ҳаракатлардан бири эди.

Ҳозиргача «маънавий зарар» тушунчасига ягона таъриф берилмаган бўлса-да, унга умумий маънода, яъни жабрланувчига маънавий ёки жисмоний азоб етказиш кўринишидаги номулкий зарар, деган қараш мавжуд. Аммо, кейинги пайтларда баъзи юридик адабиётларда жисмоний азоб зарарнинг алоҳида тури, у маънавий зарардан фарқли эканлиги тўғрисида фикрлар билдирилмоқда. Масалан, П.Кобец ва К.Краснова жисмоний зарар жисмоний ва руҳий изтироб чекиш, жисмоний шикаст етказилиши ҳамда соғлиқнинг бузилиши, маънавий зарар эса ҳуқуққа хилоф ҳаракат

¹ Қаранг: *Флейшиц Е.А.* Обязательства из причинения вреда и неосновательного обогащения. – М.,1951. – С. 24.

оқибатида жабрланувчининг жисмоний ёки маънавий азоб чекиши эканлигини таъкидласалар, Б.Ҳамроқулов: «алоҳида жисмоний азоб етказилишини маънавий зиён етказилган, деб тушуниш нотўғри бўлади»¹, – деган эътирозли фикрни айтади.

Бизнингча, П.Кобец ва К.Краснованинг фикрларига таяниб, бу бўйича маънавий зарар билан жисмоний зарар қиёсланганда, жабрланувчига жисмоний азоб етказилган кўп ҳолларда маънавий зарар ҳам етишининг аниқлиги, бироқ жисмоний азоб маънавий зарарнинг маҳсули эмаслигини таъкидлаш ўринли. Дейлик, фуқаронинг шахсини камситувчи ёлғон маълумотларни тарқатиш, унинг номоддий неъматлари (шаъни, қадр-қиммати, шахсий дахлсизлиги, касбий нуфузи, хусусий ҳаёт дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирлари, муаллифлик ва бошқа ҳуқуқлари)га тажовуз қилувчи ҳаракатлар орқали маънавий зарар етказилган вазиятларда жабрланувчига жисмоний азоб етказилган деб бўлмайди. Бироқ шахсни жисмоний қийноққа солиш, унинг тана қисмларининг ишдан чиқишига қаратилган тажовузларда жабрланувчи ҳар доим маънавий зарарни ундириш тўғрисида даво қўзғатишга ҳам ҳақли бўлади.

Б.Ҳамроқуловнинг «алоҳида жисмоний азоб етказилишини маънавий зиён етказилган деб тушуниш нотўғри бўлади», деган фикрига «алоҳида маънавий зиён етказилишини жисмоний азоб етказилган деб тушуниш нотўғри бўлади», дея аниқлик киритилса, мақсадга мувофиқ. Чунки жисмоний азоб фуқаронинг танаси ёки соғлиғига зарар етказиш, яъни унинг майиб бўлиши, касалликка чалиниши ёхуд бирон-бир тана аъзосининг шикастланиши каби оқибатларга олиб келганда, жабрланувчининг маънавий зарар кўриши табиий, сабаби бундай вазиятларда жабрланган инсон руҳий изтироб чекади.

Цивилистика фанида бугунги кунгача фақат фуқароларгина маънавий зарар кўришлари мумкин, – деган қараш мавжуд эди. Бироқ кейинги вақтларда цивилистлар юридик шахсларнинг ҳам номулкий ҳуқуқлари бўлади, уларга тажовуз қилинганда юридик

¹ Қаранг: *Кобец П.Н., Краснова К.А.* О проблеме возмещения вреда потерпевшим на стадии предварительного расследования // Уголовное судопроизводство. – 2009. – № 4.. – С.30; *Ҳамроқулов Б.М.* Маънавий зарарни қоплашнинг ҳуқуқий тартибга солиниши муаммолари: Юрид. фан. номз. дис. ... автореф. – Т., 2008. – Б. 12.

шахс ҳам маънавий зарар кўради, – деган фикрларни илгари сурмоқда. Аммо бундай фикрлар ҳали қонунчиликка сингдирилган эмас.

Фуқаролик ҳуқуқида маънавий зарар фуқаронинг шахсий номоддий ҳуқуқлари (неъматлари)га етказилган зарар оқибатида, шунингдек фуқароларнинг мулкӣ ҳуқуқларига путур етказиш туфайли ҳам вужудга келиши мумкин. Бироқ, суд амалиётидан маълум бўлмоқдаки, кўрилаётган фуқаровий даъволарнинг аксарияти мулкӣ ҳуқуқларга зиён етказилиши натижасида вужудга келган маънавий зарарларни ундириш тўғрисида бўлиб, номоддий ҳуқуқларнинг бузилиши оқибатида етказилган маънавий зарарларни ундириш тўғрисидаги даъволар жуда кам учрайдиган ҳолат экан.

Фуқаролик кодекси нормаларига кўра, жиноят туфайли етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талабларга даъво муддати қўлланилмайди ва бундай ҳолларда фуқаровий даъвогар (жабрланувчи) давлат божи тўлашдан озод этилади. Иш кейинчалик фуқаролик судларида кўрилганида жиноят иши бўйича чиқарилган ҳукм исбот талаб қилмайдиган далил сифатида ишга қўшилади.

Умумий қоидага кўра мулкӣ зарар деганда, фуқароларга, юридик шахсларга ва бошқа мулкдорларга уларнинг мол-мулкларининг шикастланиши, нобуд бўлиши, камайиши ёки баҳосининг пасайишига олиб келувчи ҳаракатлар оқибатида зиён етказилиши тушунилади. Бу қоида ички ишлар органларига нисбатан татбиқ этилганда яъни, ички ишлар органлари томонидан етказилган зарар деганда, ҳокимият ваколатларини амалга ошириш вақтида ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) оқибатида ёки қонунга хилоф қарорлар қабул қилиш натижасида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғининг шикастланиши, фуқаро ва юридик шахс мол-мулкларининг нобуд бўлиши ёхуд қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини амалга оширишга тўсқинлик қилиши оқибатида вужудга келган мулкӣ йўқотиши тушунилади.

ФКнинг 14-моддасидан келиб чиқиб, ички ишлар органларининг ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизликлари натижасида фуқаролар ва юридик шахсларга етказилган мулкӣ зарар таркибига, жабрланган шахснинг бой берган фойдаси, ололмай қолган даромадлари ва бузилган ҳуқуқини тиклаш учун сарф қилган харажатларини ҳам киритиш мумкин.

Маънавий ва мулкӣ зарарнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, ички ишлар органларининг қонунга хилоф ҳаракат (ҳаракатсиз-

лик)лари оқибатида фуқароларга мулкӣ зарар билан бирга маънавий зарар ҳам, юридик шахсларга эса фақат мулкӣ зарар етказилиши мумкин (маънавий зарар етказилмайди), деган хулосага келиш мумкин.

Маълумки, фуқаролик ҳуқуқида зарар шартномали (пандект) ва шартномадан ташқари (деликт)га бўлинади, шунга кўра, ички ишлар органлари томонидан етказилган зарарнинг вужудга келиш ҳолатларини ҳам *шартномавий муносабатлардан* ҳамда *шартномалардан ташқари муносабатлардан* келиб чиқади, деб айтиш мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқи назариясида ички ишлар органларининг юридик шахс сифатида шартномавий жавобгарлиги атрофлича таҳлил этилган. Яъни ички ишлар органлари шартнома мажбуриятларини бажармаганда, фуқаровий жавобгар ва аксинча ҳолатда эса, фуқаровий даъвогар сифатида майдонга чиқади.

Юқорида ички ишлар органларининг фуқаролик-ҳуқуқӣ муносабатлардаги иштирокига хос хусусиятларини таҳлил этиш жараёнида улар нафақат юридик шахслар, балки фуқаролар билан ҳам шартномалар тузиши мумкинлиги айтиб ўтилган эди. Бу ҳолат ички ишлар органлари шартномавий муносабатларда жисмоний шахслар олдида ҳам зарар юзасидан жавобгар бўлиши мумкинлигини англатади. Масалан, ИИВ тизимидаги «Қўриқлаш» хизмати фуқаролар билан уларнинг хонадонларини «Қўриқлаш шартномаси»ни тузар экан, бунда шартнома мажбуриятларининг ҳар доим ҳам лозим даражада бажарилишини кафолатлай олмайди ва натижада кутилмаган зарар келиб чиқиши мумкин.

Ички ишлар органлари билан фуқаролар ўртасида камдан-кам ҳолларда шартномалар тузилишини таъкидлаган эдик, шу боис фуқароларга етказилган зарарларнинг аксарияти ношартномавий муносабатлардан, яъни деликт оқибатида келиб чиқади. Ички ишлар органлари томонидан юридик шахсларга етказилган зарарларнинг аксарияти эса шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик оқибатида вужудга келади.

Ички ишлар органларининг деликт жавобгарлиги билан шартномавий мажбуриятларини фарқлаш лозим. Чунки ички ишлар органлари ФКнинг 15, 990, 991-моддаларида назарда тутилган ҳолларда зарар етказганда деликт жавобгарлик субъекти бўлмайди, аммо шартнома мажбуриятларида улар бошқа юридик шахслар каби умумий асосларда жавобгар бўладилар.

Ички ишлар органлари томонидан етказилган зарарни давлат томонидан қоплашнинг тартиби, шунингдек уларнинг деликт муносабатлардаги иштироки ФКнинг 15, 990, 991-моддаларида назарда тутилган, уларда ички ишлар органлари ёки уларнинг мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шунингдек улар томонидан қонунларга номувофиқ бўлган ҳужжатлар чиқарилиши натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар давлат томонидан тўланиши белгиланган.

ФКнинг таъкидланган моддалари мазмунидан келиб чиқиб, ички ишлар органларининг фаолиятида фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарар икки ҳолатда вужудга келиши мумкинлигини таъкидлаш ўринлидир: *биринчидан*, ички ишлар органлари ходимларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги); *иккинчидан*, ички ишлар органларининг қонунга хилоф ҳужжатлари оқибатида.

Ҳар икки ҳолатда ҳам зарар ички ишлар органларининг ҳокимият ваколатларини амалга ошириш жараёни билан боғлиқ бўлган ғайриқонуний ҳаракатлар оқибатида келиб чиқади. Ички ишлар органларининг ҳокимият ваколатлари маъмурий ва жиноий ҳуқуқий нормалар билан чамбарчас боғлиқдир. Айрим ҳуқуқшунослар айнан маъмурий ва жиноий процессуал ҳаракатларни амалга ошириш чоғида инсон ҳуқуқларининг бузилиш эҳтимоли юқори эканлиги тўғрисида яқдил фикр билдирадilar. Ички ишлар органлари фаолияти эса кўпроқ маъмурий ва жиноий-ҳуқуқий соҳаларда амалга ошади.

Юқорида таъкидланган фикр ва хулосаларни умумлаштирган ҳолда ички ишлар органлари томонидан етказилган зарар ва унинг келиб чиқиш хусусиятларининг икки ҳолатини ажратиб кўрсатиш мумкин:

Биринчи ҳолатда – ички ишлар органлари ҳокимият ваколатларини амалга оширувчи давлат органи (давлатнинг таркибий тузилмаси) сифатида зарар етказади ва бунда уларнинг қуйидаги фаолиятларида вужудга келади:

1. *Ички ишлар органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқарув фаолиятида етказган зарари.* Бунда қонунга хилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортиш ҳамда маъмурий жазони қонунга хилоф тарзда бериш ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти билан, ноқонуний маъмурий ҳужжатлар қабул қилиш эса бошқарув фаолияти билан боғлиқ бўлади.

2. *Ички ишлар органларининг Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Жиноят кодекси ёки Жиноят-процессуал кодекси нормаларини бузганлик оқибатида етказган зарари.* Яъни ФКнинг 991-моддасига асосан суруштирув ва дастлабки тергов органларининг фуқароларга муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олишни қонунга хилоф қўллаши Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс нормаларини бузиш ҳисобланса, қонунга хилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортиш эса Жиноят кодекси нормаларини бузиш ҳисобланади.

Иккинчи ҳолатда – ички ишлар органлари юридик шахс сифатида фуқаролар ва юридик шахсларга зарар етказиши ва бу уларнинг қуйидаги фаолиятларида вужудга келади:

1. *Ички ишлар органларининг шартнома мажбуриятларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги натижасида етказган зарари.* Яъни шартномавий муносабатларда шартнома мажбуриятларини бузганлик оқибатида зарар етказиши ва бунда жавобгарлик шартноманинг ўзида белгиланади. Шартнома мажбуриятларини бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўймаслик мажбурият ҳуқуқининг асосий принципларидан ҳисобланади. Ушбу принцип шартнома иштирокчиларининг ҳар бирини шартнома тузишда рағбатлантирувчи омил ҳисобланади.

2. *Зарар шартномадан ташқари ёки деликт оқибатида вужудга келади.* Яъни зарар деликвент билан жабрланувчи олдиндан келишиб олмаган ҳолатларда юзага келади ва бунда жабрланувчининг бузилган субъектив ҳуқуқи, кўрган ҳақиқий зарари билан боғлиқ юридик факт ҳар доим деликт жавобгарликнинг асоси ҳисобланади. Деликт жавобгарлик шarti – бу қонунда белгиланган талаб бўлиб, жавобгарликка тортиш ва муайян санкция қўллаш учун керакли асосдир. Ҳар қандай ҳуқуқий жавобгарлик биринчи навбатда айбнинг мавжудлиги билан боғлиқ. Бироқ умумий қоидага кўра, фуқаролик ҳуқуқида бошқа ҳуқуқ соҳаларидан фарқли равишда айб мавжуд бўлмаган ҳолатларда ҳам жавобгарлик белгиланиши мумкин. Қонунда баъзи ҳолларда айбнинг бор ёки йўқлигидан қатъи назар, етказилган зарар учун жавобгарлик белгиланиши назарда тутилган, масалан, ошиқча хавф манбалари томонидан фуқаронинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар учун ошиқча хавф манбаи эгасининг айби бор-йўқлигидан қатъи назар, зарар тўланади.

Юқоридаги ҳолатларни умумлаштирган ҳолда таъкидлаш мумкинки, ички ишлар органлари томонидан фуқаролар ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш нафақат ФКнинг 15, 990, 991-моддалари асосида, балки ҳуқуқнинг бошқа соҳалари институтлари билан ҳам амалга оширилади.

Шахсларнинг бузилган ёки низога сабаб бўлаётган ҳуқуқ ва манфаатларини даъво тақдим этиш асосида суд орқали ҳимоя қилиш шакли кенг илмий жамоатчилик, айниқса ҳуқуқшунос олимлар томонидан самарали усул эканлиги тан олинади.

Албатта, инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишни таъминлаш фуқаролик жамияти барпо этиш тамойилларига асосланган, шунингдек инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишга эришиш йўлидаги ҳар томонлама тўғри қарордир.

II БОБ

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Ички ишлар органлари томонидан етказилган зарар учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг асослари ва шартлари

Маълумки, жамият ҳаётида демократиянинг энг муҳим шарти қонун устуворлигидир. Унинг моҳияти шуки, «асосий ижтимоий, энг аввало, иқтисодий муносабатлар фақат қонун билан тартибга солинади, унинг барча қатнашчилари эса ҳеч бир истисносиз ҳуқуқ нормаларини бузганлиги учун жавобгар бўлади»¹.

Дунёнинг ривожланган давлатларида бўлгани каби мамлакатимизда ҳам ҳар қандай ҳуқуқбузарлик учун ўз вақтида, адолатли жавобгарликка тортишнинг ҳуқуқий механизми тўлиқ шакллантирилган. Юридик жавобгарликлар ҳуқуқбузарликларнинг ҳолати ва турига кўра фуқаро, юридик шахс, ҳатто давлатга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Ички ишлар органлари фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигининг тадқиқида, аввало, умумий «юридик жавобгарлик» тушунчасининг моҳиятига тўхталиб ўтиш жоиздир. Сабаби юридик жавобгарликка хос умумий хусусиятларни аниқламай туриб, ички ишлар органларининг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигини ва унинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб бўлмайди.

Ҳозирги замон ҳуқуқшунослигида юридик жавобгарликнинг қатъий белгиланган турлари мавжуд бўлмаса-да, жинойий, маъмурий, фуқаровий, интизомий ва моддий жавобгарлик каби оммалашган турлари мавжуд. Шунингдек, кейинги вақтларда адабиётларда молиявий-ҳуқуқий жавобгарлик ҳам мустақил юридик жавобгарлик тури сифатида талқин этилмоқда. Бироқ миллий қонунчилигимизда бундай жавобгарлик мустақил юридик жавоб-

¹ Қаранг: *Каримов И.А.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т., 1996. – Б. 321.

гарлик сифатида белгиланмаган, у фақат маъмурий-ҳуқуқий жавобгарликнинг бир тури сифатида қўлланилади, холос.

Ҳуқуқшунослар томонидан юридик жавобгарлик ва унинг турлари турли даврларда етарлича таҳлил этилган бўлса-да, бугунги кунда бу борада қатъий белгиланиб, умумэътироф этилган ягона концепция мавжуд эмас.

Собиқ Иттифоқ даврида ҳуқуқшунослар юридик жавобгарлик масаласига ўша давр нуқтаи назаридан ёндашган эдилар. Яъни ҳуқуқий майдонда юридик жавобгарлик жазолаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган функцияни бажарарди. Дарҳақиқат, давлат томонидан юридик жавобгарлик қўлланилишидан мақсад ҳуқуқбузарни жазолаш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдир, бироқ ундан мақсад фақат бу билан чекланмайди. Қолаверса, демократик жамиятда юридик жавобгарликнинг биринчи галдаги вазифаси ҳуқуқбузарни жазолаш эмас, жабрланувчининг бузилган ҳуқуқларини тиклашга қаратилган бўлиши керак.

Мустақилликдан сўнг чоп этилаётган юридик адабиётларда юридик жавобгарлик масаласига кенгроқ ёндашилган илмий топилма таърифлар эълон қилинмоқда. Жумладан, «юридик жавобгарлик ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан процессуал тартибда қонунчиликда белгиланган давлат мажбурлов чораларини қўллаш»¹, – дея таъкидланиб, юридик жавобгарлик – айнан қонунда белгиланган жазони қўллаш орқали ҳуқуқбузарнинг шахсий ҳуқуқларини чеклашга қаратилган мажбурий чора, у орқали айбдор муайян ҳуқуқлардан (шахсий, мулкӣ ва ҳ.к.) маҳрум этилиши уқтирилади.

Ҳар қандай даврда юридик жавобгарликка берилган таърифлар ўзига хос мазмун-моҳиятига эга бўлиб, бу фикрлар ҳуқуқий жавобгарликнинг умумий тушунчасини очиб беришга хизмат қилади. Аммо, «фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик» тушунчаси ёритилаётганда, унга хос алоҳида хусусиятларни инобатга олмасликнинг иложи йўқ. О. Оқюловнинг: «айни вақтда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик ўзига хосликларга ҳам эга»², – деган таъкиди бу масалада тўғри ёндашувга туртки беради.

¹ Қаранг: *Одилқориев Х.Т. ва бошқ.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик. – Т.: Шарқ, 2009. – Б. 538.

² Қаранг: *Оқюлов О.* Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш асослари // Қонун ҳимоясида. – 1999. – № 9. – Б.16.

Шуни қатъий таъкидлаш мумкинки, цивилистика фанида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисида ягона илмий-назарий тушунча мавжуд эмас. Цивилистика фанида «жавобгарлик» ва «санкция» турли маъноларга эга деган қарашлар ҳам мавжуд.

Эътироф этиш лозимки, олимларнинг «фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик» тушунчасига берган таърифлари цивилистика фанида аҳамиятлидир. Уларнинг фикрларидаги умумийлик фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг асосий хусусияти мулкӣй характер касб этишини таъкидлашдир. Аммо фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик ҳар доим ҳам мулкӣй мазмунга эга бўлмаслиги мумкин. Дейлик, ФКнинг 100-моддасида жабрланувчининг суд йўли билан раддия талаб қилиш ҳуқуқига эгалиги белгиланган, бундай мажбурият эса мулкӣй мазмунга эга эмас. Бундан ташқари, «фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик» тушунчасини ёритишда маъмурий ва жиноий жавобгарликка хос бўлган хусусиятлар (ҳуқуқбузарни жазолаш) бирламчи эмас, балки жабрланувчининг бузилган ҳуқуқини тиклаш эканлигини эътиборга олиш керак.

Таъкидланганидек, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик юридик жавобгарликлар ичида ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турадики, бунда ички ишлар органлари ҳам юридик жавобгарликнинг фақат шу турида субъект ҳисобланади. Холбуки, давлат органлари, жумладан, ички ишлар органлари жиноий, маъмурий, интизомий жавобгарликларнинг субъекти ҳисобланмайди. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик фақат фуқаролик ҳуқуқбузарлик содир этилганда белгиланади ва юқорида таъкидланганидек, ҳуқуқбузарга кўп ҳолларда мулкӣй характер тартибида қўлланилади. И. Зокиров таъкидлаганидек, «фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг ўзига хос хусусияти ҳам унда санкция ҳуқуқбузарнинг шахсига эмас, мулкига қаратилишидир».¹ Унинг моҳияти эса фуқаровий ҳуқуқбузарга ўзининг ҳуқуққа хилоф ҳаракати учун салбий мулкӣй оқибат вужудга келтириши билан ифодаланади.

Фуқаролик қонунчилигида фуқаролик ҳуқуқбузарликларнинг кўпгина турлари ҳисобга олинганига қарамай, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг юзага келишининг умумий ва махсус (нисбий ва мутлақ) шартлари мавжуд. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни юклашнинг зарурий шартлари йиғиндиси фуқаролик ҳуқуқ-

¹ Қаранг: Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. I қисм: Дарслик. – Т.: ТДЮИ., 2009. – Б. 23.

бузарликнинг таркибини ташкил этади. Бу шартлар қуйидагилардан иборат:

- а) қарздорнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари;
- б) зиённинг (зарарнинг) мавжудлиги;
- в) ғайриқонуний хатти-ҳаракат билан вужудга келган зарар ўртасидаги сабабий боғланиш;
- г) ҳуқуқбузар айбининг мавжудлиги.

Баъзи олимлар ҳуқуқбузарга фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни юклаш учун юқорида санаб ўтилган «ҳуқуқбузарлик таркиби»ни ташкил этган шартлар зарур деб қарайди. Бошқа мутахассислар эса ушбу концепцияга танқидий ёндашиб, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар билан жиноий-ҳуқуқий муносабатларни таққосламаслик, асрлар давомида амал қилиб келинаётган цивилистика анъанасини жиноят ҳуқуқидаги жиноят таркибига аралаштирмаслик, айб фуқаролик ҳуқуқбузарлик таркибида бўлмаган ҳолатларда ҳам фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик белгиланиши мумкинлигини (масалан, қонунда айб бўлмаган тақдирда ҳам фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик белгиланиши назарда тутилган ҳолларда, айб ҳуқуқбузарлик таркибида мавжуд бўлмайди), аммо жиноят ҳуқуқида эса айб жавобгарликка тортишнинг энг муҳим шарти эканлиги, мабодо айб бўлмаса, жиноий жавобгарлик ҳам бўлмаслигини таъкидлайдилар. О. Оқюлов фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка тортиш асосларининг таркибий қисми сифатида «жавобгарлик субъектининг мавжуд бўлиши» лозимлигини, яъни жавобгар субъект бўлмаса, жавобгарлик ҳам мавжуд эмаслигини уқтиради.

Албатта, юқоридаги ҳар қайси фикрлар ўз ҳуқуқий асосига эга ва улар фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг вужудга келишини юридик жавобгарликнинг умумий қоидаларига асосланиб ёритган. Гарчи олимларнинг фуқаролик ҳуқуқбузарлик таркиби тўғрисидаги фикрлари баҳсли бўлса-да, аммо бугун бу «таркиб» илмий жиҳатдан қатъий рад этилган эмас. Фақат, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни вужудга келтирувчи асослар таҳлил қилинганда, ушбу жавобгарликнинг шартномали ва деликт оқибатида вужудга келиши эътиборга олиниши шарт. Чунки, шартнома мажбуриятини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик ва деликт жавобгарлик учун фуқаролик ҳуқуқбузарликнинг таркиби турлича бўлади. Бунда шартномавий жавобгарликда кредиторга зарар

етказилганлик эмас, шартнома интизоми муҳим аҳамиятга эга бўлса, деликт жавобгарликда эса зарар аҳамиятли бўлиб, у мавжуд бўлмаса, жавобгарлик ҳам вужудга келмайди. Бошқача айтганда, ҳуқуқбузарликнинг умумий таркибини (ғайриқонуний хатти-ҳаракат, зарар, сабабий боғланиш ва айб) фуқаролик ҳуқуқида тўлиқ қўллаб бўлмайди. Шу сабаб ҳам шартномали ва деликт жавобгарликда икки хил фуқаролик ҳуқуқбузарликнинг таркиби мавжудлиги инобатга олиниши керак.

Шунга кўра, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг иккала (шартномали ва деликт) тури бўйича уларнинг ҳар бирида нисбий ва мутлақ шартлар мавжуд. Шунингдек фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шартномавий ҳамда шартномадан ташқари жавобгарлик тартибида белгиланишини инобатга олиб, шартномавий жавобгарликда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг муҳим шартлари жабрланувчининг бузилган субъектив ҳуқуқи (ёки қарздорнинг айбли ҳаракати), деликт жавобгарликда эса фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг муҳим шартлари зарар эканлигини қатъий таъкидлашни хоҳлар эдик.

Аммо фуқаролик қонунчилигида етказилган зарар учун жавобгарликнинг умумий шартларини белгиловчи бош деликт билан бирга, бир қатор вазиятлар назарда тутиладики, уларнинг ҳар бирида махсус қоидалар қўлланилади ва алоҳида деликтлар деб юритилади. Шу боис, давлат органлари, хусусан, ички ишлар органлари томонидан етказилган зарарни қоплашда деликтни татбиқ этишининг энг асосий шартини аниқлаб олиш зарур. Чунки, цивилист олимларнинг кўпчилиги давлат органлари томонидан етказилган зарарни қоплашда бош деликт тамойилини давлатнинг жавобгарлигига нисбатан тўлиқ татбиқ этиб бўлмаслиги тўғрисидаги фикрни илгари сурадилар. Жумладан, қатор олимлар бош деликт тамойилига асосан жавобгарликнинг дастлабки асоси зарар етказилганлик, бошқа муаллифлар эса деликтнинг ушбу турида дастлабки асос давлат органи ёки мансабдор шахсининг ғайриқонуний ҳаракати эканлигини таъкидлашадилар.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 15, 990, 991-моддаларида давлат органлари, жумладан ички ишлар органлари томонидан етказилган зарарларни қоплашнинг фуқаровий-ҳуқуқий асослари ифодаланган. Уларга кўра, ички ишлар органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракат

(ҳаракатсизлиги) оқибатида етказилган зарар давлат томонидан қопланиши лозимлиги белгиланган. Бир қараганда, мазкур моддалар мазмунидан фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг муҳим шарти ғайриқонуний хатти-ҳаракат эканлиги тушунилади. Аммо ушбу мазмун янада синчиклаб, чуқурроқ таҳлил қилинса, деликвент (давлат органи ва мансабдор шахслари)нинг айбидан қатъи назар зарарнинг тўланиши, жавобгарлик белгилашда муҳим шарт зарар эканлиги англанади. Чунки, ички ишлар органлари томонидан ғайриқонуний ҳаракат содир этилиб, аммо зарар етказилмаган бўлса, бунда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш мантиқан тўғри бўлмайди.

Демак, хулоса қилса бўладики, ғайриқонуний хатти-ҳаракат ва зарар – ички ишлар органлари томонидан етказилган зарар учун давлатга нисбатан фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик белгилашнинг зарурий шартидир. Бироқ, шуни унутмаслик лозимки, ички ишлар органларининг қонуний ҳаракатлари жавобгарликка сабаб бўлмайди, қонуний ҳаракатлар туфайли етказилган зарар эса қонунда назарда тутилган ҳоллардагина тўланиши шартлиги бундан мустасно (ФК 985-моддасининг 5-қисми).

Баъзан ички ишлар органларининг қонуний ҳаракатлари ғайриқонунийдек кўриниши мумкин. Ички ишлар органлари фаолияти билан боғлиқ бундай ҳолат тўғрисида Ўзбекистон Республикаси «Милиция ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида»ги қонунининг 2 бандида: «зарур мудофаа, ўта зарурат бўлган ҳолатда ёки касбига кўра ўринли таваккалчилик қилиш ҳолатида милиция ходими томонидан содир этилган хатти-ҳаракатлар гарчанд Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида кўзда тутилган жиноий ҳаракатлар кўринишида бўлса ҳам, жиноят деб ҳисобланмайди», ёки Фуқаролик кодекси 987-моддасининг 3-қисмида: «шахсга унинг жиноий ҳаракатларининг пайини қирқиш ёхуд уни ушлаш ва тегишли органларга олиб бориш сабабли етказилган зарар тўланмайди», – дея қатъий белгилаб қўйилган. Бу эса ички ишлар органлари томонидан амалга оширилган муайян ҳаракатнинг қонуний ёки ғайриқонунийлигини аниқлаш учун алоҳида ёндашишни тақоза этади.

Фуқаролик ҳуқуқида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг шартларидан бири «ғайриқонуний (ҳуқуққа хилоф) ҳаракат»ни

шарҳлашда цивилист олимларнинг фикрлари турлича. Аммо, фуқаролик ҳуқуқида «ғайриқонуний ҳаракат» тушунчаси жиноий ва маъмурий ҳуқуқдаги каби кескин мазмунга эга эмаслигини англаш лозим. Яъни, ғайриқонуний ҳаракат ҳар доим ҳам фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни (деликт мажбуриятни) келтириб чиқармайди. Бунда ғайриқонуний ҳаракат оқибатида зарар содир этилгандагина, етказилган зарарни қоплаш мажбурияти, яъни деликт жавобгарлик келиб чиқади.

Умумий қоидага кўра «ғайриқонуний», «ҳуқуққа ёки қонунга хилоф» иборалари қонунчиликнинг барча соҳаларида бир хил маънода қўлланилади, яъни ҳуқуқ нормалари бузилгандаги хатти-ҳаракатларни англатади. Дарҳақиқат, жиноий ва маъмурий ҳуқуқда ғайриқонуний ҳаракатнинг содир этилиши доимо жавобгарликни келтириб чиқаради, аммо фуқаролик ҳуқуқида ҳар доим ҳам жавобгарликни вужудга келтирмайди.

Фикримизча, фуқаролик ҳуқуқи, айниқса, деликт мажбуриятларда ғайриқонуний, ҳуқуққа ёки қонунга хилоф ҳаракатларнинг оқибатлари аҳамиятлидир. Сабаби, бундай ғайриқонуний ҳаракатлар туфайли зарар етказилмаган бўлса, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик вужудга келмайди. ФК 985-моддасининг 1-қисмига мувофиқ, шахснинг фуқаро шахсига ёки мол-мулкига зарар етказадиган, шунингдек юридик шахсга зарар етказадиган хатти-ҳаракатлари ғайриқонуний, дея эътироф этилади. ФКнинг 991-моддасига биноан суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суд томонидан фуқарога нисбатан процессуал ҳаракатларни ғайриқонуний қўллаш қонунга хилоф ҳисобланади.

Бундан ташқари, қонун билан назарда тутилган муайян ҳаракатларнинг қилинмаслиги ҳам баъзи ҳолларда ҳаракатсизлик сифатида кўрилиб, ғайриқонуний бўлиб ҳисобланиши ёки ҳуқуққа хилофлик зарар етказувчининг фаол ҳаракати билан бирга, ўзига хос нофаол (пассив) ҳолати, яъни ҳаракатсизлиги билан ҳам юзага келиши мумкин. Дейлик, ички ишлар органлари ходимларининг асосий вазифаси – жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашдан иборат, ушбу вазифаларни бажармаслик ёки бундай салбий ҳолатларга хизмат жараёнида бепарволик ҳар доим ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) билан боғлиқ мансаб совуққонлиги, дея изоҳланади.

Давлатнинг ўз органлари томонидан етказилган зарар учун жавобгарлиги ҳам айнан ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида шу органлар томонидан етказилган зарарни қоплаш назарда тутилади. Чунки умумий қоидага биноан давлат ўзи тузган юридик шахснинг мажбурияти бўйича жавоб бермайди. Лекин шартномадан ташқари етказилган зарар учун шахсан давлатнинг жавобгар бўлиши қонунда назарда тутилган. Фикримизча, бу масалада *биринчидан*, зарар ички ишлар органларининг ваколатлари доирасига кирувчи вазифаларни бажариши жараёнида етказилганлигини, *иккинчидан*, зарар ички ишлар органларининг ҳокимият ваколатини ёки хизмат мажбуриятларини амалга ошириш вақтида етказилганлигини, *учинчидан*, зарар ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) оқибатида келиб чиққанлигини ва *тўртинчидан*, зарар билан ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) ўртасида сабабий боғланиш мавжудлигини асослаш зарур ҳамда етарлидир. Натижада давлат ўз органлари томонидан фақат қонунда олдиндан белгиланган ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) оқибатида етказилган зарарни эмас, балки юқорида таъкидланган шартлар мавжуд бўлсагина ҳар қандай ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) оқибатида етказилган зарарни қоплаши керак, деган қатъий хулосага келиш мумкин. Зотан, давлат органлари томонидан етказилиши мумкин бўлган зарарларни олдиндан белгилаб қўйиш ёки уларнинг рўйхатини тўлиқ келтиришнинг имкони йўқ.

Фуқаролик ҳуқуқининг умумий қоидасига кўра етказилган зарарни қоплаш уни етказган шахс (деликтвент) томонидан амалга оширилади ва у фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка тортилади. Аммо, фуқаролик ҳуқуқида ҳар доим ҳам зарар етказувчи ва зарар учун жавобгар шахс бир шахс бўлавермайди ёки амалиётда шундай ҳам бўладики, бир шахс бошқа шахсларнинг ҳаракатлари учун жавобгар бўлади. Айни пайтда фуқаролик ҳуқуқида етказилган зарар мажбурияти учинчи шахслар зиммасига юклатилиши ҳамда улар фуқаролик-ҳуқуқий жавобгар бўлишлари мумкин бўлган ҳолатлар ҳам мавжуддир.

Бугун фуқаролик ҳуқуқида учинчи шахснинг ҳам жавобгарлиги масаласидаги илмий назариялар мавжуд. Бир шахснинг ғайриқонуний айбли ҳаракати туфайли етказилган зарар деликтвент томонидан эмас, бошқа шахслар томонидан қопланиши ҳолатлари

ҳамда бу турдаги зарарни қоплаш тартиби ва қоидалари фуқаролик қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Учинчи шахснинг айби учун жавобгарлик жумласига ички ишлар органлари ва мансабдор шахсларининг айби учун давлатнинг жавобгарлиги ҳам киради. Академик Ҳ.Раҳмонқулов: «давлат мулкининг аксарият қисми давлат юридик шахсларига бириктирилган, шунинг учун шартномадан ташқари етказилган зарар учун жавобгарлик биринчи галда улар зиммасига юклатилади. Шундай экан, бундай ҳолларда шахсан давлатнинг жавобгарлиги ҳақида сўз юритиш ҳам ноўриндир. Чунки умумий қоидага биноан давлат ўзи тузган юридик шахснинг мажбурияти бўйича жавоб бермайди»¹, – дея таъкидласа-да, бу фикрида давлат органининг ҳокимият ва бошқарув фаолияти оқибатида етказган зарар мажбурияти уларнинг (давлатнинг таркибий тузилмаси) зиммасига юкланиши кераклигини назарда тутмаган. Албатта, бунда *давлатнинг жавобгарлиги* деганда, давлат ўз органлари ва мансабдор шахсларининг ҳокимият ваколатлари билан боғлиқ қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари оқибатида фуқаролар ва юридик шахсларга етказган зарарларини бюджет маблағларидан қоплаб бериши тушунилади. Яъни миллий қонунчилигимизда давлат органларининг ҳокимият ваколатлари билан боғлиқ ҳолда етказган зарари, айнан ўша давлат органининг маблағларидан эмас, балки давлат бюджети маблағларидан қопланиши белгиланган.

Фикримизча, давлат органлари томонидан етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини ҳар доим давлатнинг зиммасига юклаш, яъни зарарнинг давлатнинг бюджет маблағларидан қопланиши ҳар томонлама тўғри қарордир. Чунки, давлат органларининг маблағлари аниқ мақсадли эканлиги ёки улардаги пул маблағлари зарарни тўлиқ қоплаш учун етарли бўлмай қолиши каби ҳолатлар зарарни қоплаш масаласида муаммони келтириб чиқариши тайин. Қолаверса, деликтнинг ушбу турида жабрланувчининг зарар етказган шахсга эмас, балки жавобгар учинчи шахсга (давлатга) мурожаат қилиши жабрланувчининг ҳимояланганлик даражасини сусайтирмаслиги, балки зарарни тўлиқ ва тез қоплаш имконини беришини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиздир.

¹ Қаранг: Раҳмонқулов Ҳ. Р. Фуқаролик ҳуқуқи муаммолари (1-қисм): Дарелик. – Т.: ТДЮИ, 2010. – Б. 272.

Аммо, ички ишлар органлари ёки уларнинг мансабдор шахслари етказган зарарни қоплаш мажбуриятини давлат зиммасига юклашда, улар амалга оширган ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат (ҳаракатсизлик) ва етказилган зарар ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаш муҳимдир. Чунки, ушбу деликтда сабабий боғланишнинг мавжудлиги фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик субъектини аниқлаштиради. Зеро, ички ишлар органлари ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарар ҳар доим ҳам давлатга юкланмаслиги мумкин. Бунда ички ишлар органлари давлат органи эмас, юридик шахс ёки ички ишлар органларининг мансабдор шахслари (хизматдан ташқари бўлганда) фуқаро сифатида зарар етказганда, бунинг учун ўзлари жавоб беришлари керак бўлади. Чунки, ички ишлар органларининг юридик шахс сифатидаги жавобгарлиги мустақил мулкӣ жавобгарлик бўлиб, давлат фақатгина ҳокимият ваколатини амалга ошириш вақтида етказилган зарар учун жавобгарликни ўз зиммасига олади. Шу боис, деликтнинг бошқа турларида сабабий боғланиш деликвентга зарарни қоплаш мажбуриятини юклаш учун муҳим аҳамият касб этса, мазкур деликт турида сабабий боғланиш фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик субъектини аниқлаш, яъни зарарни қоплаш мажбуриятини давлатга ёки тегишли ички ишлар органи зиммасига юклаш учун ҳам аҳамиятлидир.

Цивилистика фанида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг муҳим шарти бўлган «сабабий боғланиш» атрофлича таҳлил қилинган бўлса-да, ички ишлар органлари етказган зарар учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг шарти сифатида сабабий боғланиш етарлича таҳлил қилинмаганлиги, ушбу муаммонинг ўзига хос чегаралари ва қўлланиш хусусиятларини аниқлаб олиш зарурати долзарблиги маълум бўлади.

Ички ишлар органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарар учун давлатнинг жавобгарлигидаги сабабий боғланиш бир эмас, бир нечта ҳаракат ва уларнинг натижалари ўртасидаги алоқадорликни аниқлашда намоён бўлади. *Биринчи ҳолатда* ички ишлар органлари ёки унинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари билан етказилган зарар ўртасидаги сабабий боғланиш аниқланиши лозим бўлса, *иккинчи ҳолатда* эса, зарар айнан ички ишлар органларининг давлат органи сифатидаги фаолиятини (мансабдор шахс ҳокимият ваколатини) амалга ошириш жараёнида келиб чиққанлиги аниқланиши лозим бўлади.

Бош деликт тамойилида жабрланувчидан зарар етказувчининг ҳаракати ғайриқонуний эканлигини исботлаши талаб этилмайди, бунда зарар етказувчига нисбатан айбдорлик презумпцияси қўлланилади. Яъни, зарар етказувчи ўзининг ҳаракатларини ҳуқуқ хилоф эмаслигини исботламагунича, унинг ҳаракати ҳуқуққа хилоф, деб ҳисобланади. Бошқача айтганда, зарар етказган ҳуқуқбузар ўзининг айбсиз эканлигини исботламагунича айбдор саналади. Бунда жабрланувчи ўзига етказилган зарар миқдори ва ҳажмини исботлаб бериши етарли бўлади, ундан ҳуқуқбузарнинг айбдорлигини исботловчи далиллар талаб қилинмайди. Аксинча, бундай вазиятда зарар етказувчининг айбдорлиги тахмин қилинади.

Таъкидлаш жоизки, қарздор айбсиз ҳолда ўз мажбуриятини бажаролмай қолган, деб топилиши учун айби йўқлигини исботлаши лозим. Сабаби, Фуқаролик кодекси 333-моддасининг 3-бандига биноан «мажбуриятни лозим даражада бажармаган шахс мажбуриятни лозим даражада бажаришга енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) туфайли имкон бўлмаганлигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади». Аммо ички ишлар органлари томонидан етказилган зарар деликтнинг алоҳида ўзига хос тури бўлиб, бунда жабрланувчи ички ишлар органи ёки мансабдор шахс амалга оширган ҳаракатининг ғайриқонуний эканлигини исботлаб бериши лозим бўлади. Бунда эътибор қаратиш керакки, фуқарога нисбатан суднинг оқлов ҳукми чиққанлиги, жиноят ишининг тугатилганлиги (реабилитация этилганлиги) (ЖПКнинг 83-моддаси), маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишнинг тугатилганлиги (МЖТКнинг 302-м. 2 қ.) каби ҳолатлар исбот талаб қилмайдиган далиллар ҳисобланиб, жабрланувчидан давлат органи ёки мансабдор шахснинг ҳаракатининг қонунга хилоф эканлигини исботлаши талаб этилмайди. Лекин жиноят ишининг тугатилиши ҳар доим ҳам зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқини вужудга келтирмайди. Чунки жиноят ишининг тугатилиши жавобгарликка тортилган шахсни реабилитация қилинишига ҳар доим ҳам асос бўлмайди. Масалан, жиноят иши айбдорлик тўғрисидаги масалани ҳал этмай туриб тугатилганда (ЖПК 84-м.) зарарни қоплаш мажбурияти вужудга келмайди. Аммо шахс қисман реабилитация этилганда (ЖПКнинг 303 м.), жабрланувчига етказилган мулкӣ ва маънавий зарарлар оқибатларининг асоссиз қисми тўланиши ёки қопланиши керак бўлади.

Умумий қоидага кўра, айб – фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликка тортишнинг зарурий шарти ҳисобланади ва жавобгарликнинг асоси сифатида ҳамма олимлар томонидан тан олинади. Шу боис, ички ишлар органларининг давлат органи сифатидаги айбини аниқлаш давлатнинг жавобгарлигини белгилашда алоҳида аҳамият касб этади. Бу ўринда айб тўғридан-тўғри давлат органининг эмас, балки «учинчи шахснинг айби кўринишига эга» бўлади. Фикримизча, ички ишлар органларининг жавобгарлиги кўпинча уларнинг мансабдор шахслари жавобгарлиги билан алоқадор бўлиши мумкин. Хусусан, амалиётда ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг ғайриқонуний қарорлар қабул қилиш, хизмат мажбуриятларини бажармаслик, хизмат ваколатларидан ташқарига чиқиш, фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишга тўсқинлик қилиш каби ҳаракатлари туфайли зарар етказиши мумкин. Аммо ички ишлар органларининг мансабдор шахслари томонидан тўғридан-тўғри зарар етказилган тақдирда ҳам, суд давлатни мулкӣ жавобгарликдан озод этмайди. Бу ўринда жавобгарликка тортишда тўғридан-тўғри зарар етказувчининг эмас, балки учинчи шахс (бу ерда давлат ҳам бўлиши мумкин)нинг айби муҳим. Чунки айбдорлар аниқланган тақдирда ҳам, умумий қоидага биноан, улар ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бузганликлари учун жабрланувчи олдидан эмас, балки давлат олдидан жавоб берадилар. Яъни жабрланувчи зарарни ундириш тўғрисидаги талабни айбдордан эмас, балки давлатдан талаб қилиши лозим бўлади.

Таъкидланганидек, ФКнинг 15, 990, 991-моддаларида давлат органлари томонидан етказилган зарарни қоплаш уни етказишда айбдор бўлган мансабдор шахслар зиммасига юклатилиши мумкинлиги назарда тутилган. Аммо, бунда бир ҳолатни эътиборга олиш керакки, Фуқаролик кодексида давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги алоҳида тартибда ажратилмаган бўлиб, ҳар икки ҳолатда ҳам жавобгарлик давлатга нисбатан белгиланади. Фақат қонун ҳужжатларида назарда тутилган айрим ҳоллардагина суднинг қарорига кўра зарарни қоплаш мажбурияти айбдор бўлган мансабдор шахслар зиммасига юкланиши мумкин.

Бундан ташқари, Фуқаролик ҳуқуқида давлат органлари ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларига расмий аниқлик киритилмаган. Аммо бундай аниқлик

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодексининг тегишли моддаларида мустаҳкамланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси иккинчи қисмининг «Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси» номли саккизинчи бўлимида ҳокимият вакиллари (ички ишлар органлари ходимлари ҳам ҳокимият вакиллари ҳисобланадилар) масъул мансабдор шахслар эканлиги қайд этилган. Ички ишлар органларининг ходимлари мансабдор шахслар ва айна вақтда жисмоний шахслар ҳисобланадилар. Амалиётда ички ишлар органлари ходимлари томонидан зарар етказилган ҳолатларда уларнинг мансабдор шахс ёки оддий фуқаро сифатида жавобгар бўлишларини аниқлашда чалкашликлар юзага келади. Натижада етказилган зарарни қоплаш мажбурияти давлатга ёки тўғридан-тўғри ходимга нисбатан ноўрин юклатилиши мумкин. Бу борада, Б.Ҳамроқулов давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарарни қоплашда ҳуқуқбузарлик субъекти ўзига хос хусусиятга эгаллигини (чунки улар бу вақтда ўз хизмат мажбуриятларини бажараётган бўлади) ва бошқа ҳолларда улар умумий тартибда фуқаролик жавобгарлигига тортилишини таъкидлайди¹.

Ички ишлар органлари ходимларининг хизматни ўташ пайтида етказган зарарини жисмоний шахс сифатида етказган деб баҳолаб бўлмайди, чунки мазкур жараён мансаб ваколатлари доирасига дахлдордир. Дейлик, ички ишлар органи ходимига хизмат ўтаётган вақтида жиноятчи ҳужум қилади, бунда ходим ўзига қаратилган тажовуздан ҳимояланиш учун зарурий мудофа ҳолатидан четга чиқиб, жиноятчига тан жароҳати етказади. Мазкур вазиятда ходим томонидан етказилган зарар давлат ҳисобидан қопланиши, кейинчалик айбдор мансабдор шахсга (зарурий мудофа чегарасидан четга чиққан) давлат томонидан регресс талаб қўйилиши мумкин. Бироқ, бундай ҳодиса ходимнинг таътил вақтида содир бўлса, зарарни қоплаш мажбуриятини давлатнинг зиммасига юклаб бўлмайди. Чунки бунда ходим ҳокимият ваколатини амалга оширмаган ҳисобланиб, балки оддий фуқаро сифатида фуқаровий жавобгар бўлади.

¹ Қаранг: *Ҳамроқулов Б. М.* Маънавий зарарни қоплашнинг ҳуқуқий тартибга солиниши муаммолари: Юрид. фан. номз. дис. ... автореф. – Т., 2008. – Б. 20.

Ички ишлар органларининг ходимлари томонидан етказилган зарар масаласи ўрганилаётганда ҳар доим зарарнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ҳам муҳимдир. Хусусан, мансабдор шахснинг чиқарган ноқонуний қарорлари ёки хизмат мансабини суиистеъмол қилиши, хизматдаги совуққонлиги туфайли зарар етказилганлигини аниқлаш жавобгарлик белгилашда муҳим ҳолатлар ҳисобланади. Чунки бунда, *биринчидан*, ваколат билан боғлиқ ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизликда маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят аломатларининг мавжудлиги, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик билан бир вақтда интизомий, маъмурий ёки жиноий-ҳуқуқий жавобгарлик параллел равишда вужудга келиши мумкин бўлса ва *иккинчидан*, зарар давлат бюджети маблағларидан қопланиши ёки мансабдор шахснинг ўзига юкланиши масаласига ойдинлик киритади.

Ҳуқуқшунослар аксарият ҳолларда ички ишлар органлари мансабдор шахслари томонидан амалиётда содир этилаётган қонунбузарликлар учун уларга нисбатан ҳайфсан эълон қилинаётганлиги, пастроқ лавозимга ўтказилаётганлиги, хизматдан бўшатилаётганлиги ва бундай ҳаракатлар учун жавобгарликнинг кучайтирилган турларини назарда тутувчи махсус қонун қабул қилиниши лозимлигини таъкидлайдилар¹. Бу борада мансабдор шахсларга нисбатан жавобгарлик белгиланишига эътироз билдирмаймиз, аммо бунда ҳар қандай ҳуқуқбузарлик оқибатида иккинчи томоннинг ҳуқуқ ва манфаатларига путур етишини ҳам инобатга олиш лозим, деб ўйлаймиз. Яъни кўп ҳолларда ички ишлар органларининг ходимлари томонидан зарар етказилганда, ходимга нисбатан жазо қўлланилиб, зарарни қоплаш мажбурияти эса эътиборсиз қолдирилаётганлиги ачинарли ҳолдир. Шу мақсадда, мансабдор шахсларнинг хизмат вазифалари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар кўриб чиқиляётганда, уларга қандай жазо тайинланишидан қатъи назар, судлар томонидан етказилган зарарни қоплаш чораларининг кўрилиши айни муддаодир. Зеро, «иктисодиёт соҳасида қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда хўжалик судларининг ролини ошириш мақсадида хўжалик судларига низоларни кўриш жараёнида жиноят аломатлари

¹ Қаранг: *Ҳамраев С. И.* Ички ишлар органлари ходимларининг мансаб ваколатини суиистеъмол қилганлиги учун жавобгарлик масаласи // *Ҳуқуқ-Право-Law.* – 2000. – № 1 (9). – Б. 81–83.

аниқланган ҳолларда хўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахсларига нисбатан жиноий ишлар қўзғатиш, маъмурий жавобгарлик чораларини қўллаш, айбдор шахслар ҳисобидан келтирилган зарарни қоплаш, раҳбар ва бошқа ходимларни эгаллаб турган лавозимларидан озод этишгача бўлган интизомий чоралар кўриш ҳақида тақдимномалар киритиш ҳуқуқлари берилган»¹.

Юқорида таҳлил қилинган фикр ва хулосаларга таяниб, ички ишлар органларининг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигини белгилашда, аввало, уларнинг етказган зарари давлат органи (давлатнинг таркибий тузилмаси) ёки юридик шахс сифатидаги фаолиятининг оқибати эканлигини аниқлаб олиш лозим бўлади.

Биринчи ҳолатда ички ишлар органлари ҳокимият ваколатларини амалга оширувчи давлатнинг тузилмаси сифатида майдонга чиқади ва шу асосга кўра уларнинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги ҳам давлат зиммасига юкланади.

Иккинчи ҳолатда эса ички ишлар органлари юридик шахс сифатида фуқаролар ва юридик шахслар билан турли мазмундаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга киришади, бунда уларнинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги бошқа юридик шахслар сингари умумий тартибда белгиланади.

Ички ишлар органларининг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги масаласига бундай тарздаги ёндашув бир қанча аниқ хулосаларга олиб келади:

биринчидан, ички ишлар органлари томонидан етказилган зарар учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни белгилашда, уларнинг қандай фаолияти оқибатида зарар келиб чиққанлигини аниқлаш, шундан сўнг эса зарарни қоплаш мажбуриятини давлатга ёки тегишли ички ишлар органининг зиммасига юклаш мумкин бўлади;

иккинчидан, ички ишлар органлари томонидан етказилган зарарни қоплаш мажбурияти суднинг қарорига кўра қонунда белгиланган тартибда айбдор бўлган мансабдор шахс(лар)

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 1998 йил 9 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 март 72-сонли «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги фармонини татбиқ этиш билан боғлиқ масалалар тўғрисида»ги қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми ва Раёсати қарорлари тўплами, 1993–2001. – Т.: Адолат, 2001. – 968 б.

зиммасига юклатилган тақдирда ҳам давлат зарарни қоплаш мажбуриятдан озод этилмайди;

учинчидан, ички ишлар органларига оператив бошқариш ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ошиқча хавф манбалари томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик субъектини аниқлашда алоҳида ёндашув талаб этилади. Чунки, бунда зарарни қоплаш айрим ҳолларда шахсан давлат зиммасига ва баъзида тегишли ички ишлар органлари зиммасига юкланиши мумкин. И. Кокориннинг таъкидлашича, ички ишлар органлари ходимининг тегишли қуролдан ноқонуний фойдалангани туфайли етказган зарарини қоплаш мажбурияти давлат зиммасига¹ юкланиши мумкин, транспорт воситалари билан етказган зарари эса тегишли ички ишлар органларининг зиммасига юкланиши зарур.

Умуман айтганда, ички ишлар органларининг деликт жавобгарлигини белгилаш учун ҳуқуқбузарлик таркибига хос аломатлар мавжуд бўлиши талаб этилади. Бунда ички ишлар органлари томонидан етказилган зарар учун фақат давлатни (ички ишлар органларининг ўзини эмас) шахсан жавобгарлик субъекти деб топиш учун: *биринчидан*, зарар ички ишлар органларининг ҳокимият ва бошқарув ваколатларини қонунга хилоф амалга оширгани; *иккинчидан*, зарар ички ишлар органларининг ҳокимият ваколатини ёки хизмат мажбуриятларини амалга ошириш пайтида етказилгани; *учинчидан*, зарар ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) оқибатида келиб чиққанлиги, *тўртинчидан*, зарар билан ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) ўртасида сабабий боғланиш бўлиши ва *бешинчидан*, зарар ички ишлар органларининг айби билан етказилганлиги асослангирилиши лозим.

2.2. Ички ишлар органларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли ва унинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик характериға таъсири

Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар органлари давлат ҳокимиятининг ижро этувчи тизимиға киради ва «Ўзбекистон

¹ Қаранг: *Кокорин И.С.* Гражданско-правовая ответственность за вред, причиненный применением физической силы, специальных средств и оружия сотрудниками органов внутренних дел: Дис. ... канд. юрид. наук. – СПб., 2005. – С. 65.

Республикасининг давлат бошқарув органи ҳисобланади»¹. Ички ишлар органлари ўз вазифаларини давлат органлари, жамоатчилик бирлашмалари, меҳнат жамоалари ва аҳоли билан биргаликда иш олиб бориш принципига асосан амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлиги ички ишлар органларининг *бош бўғини* ҳисобланади ва республиканинг ички ишлар органлари тизимига умумий раҳбарликни амалга оширади. Вазирлик республика ижроия ҳокимияти органи ҳисобланиб, ўз ваколатлари доирасида фуқаро ва инсон эркинлиги ҳамда ҳуқуқларини ҳимоялашда давлат бошқарувини амалга оширади шунингдек, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва бевосита Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишларини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг ташкил топиши Ўзбекистон Республикасининг ташкил топиши билан боғлиқ. 1919 йил 26 июнда собиқ Туркистон АССР Ички ишлар халқ комиссариати томонидан қабул қилинган «Туркистон Республикасидаги Совет ишчи-деҳқон милицияси тўғрисидаги Низом» республикада ички ишлар органлари ҳуқуқий жиҳатдан ташкил топганини асослайди. Ўша даврдан то Ўзбекистон Республикасида мустақиллик қўлга киритилгунга қадар ички ишлар органлари фаолиятини тартибга солиб турувчи бир қанча қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, ушбу ҳужжатлар асосида ички ишлар органлари ўз фаолиятларини амалга ошириб келган. Афсуски, собиқ Иттифоқ даврида ички ишлар органлари ўз функция ва вазифаларини бугунги кундагидек эркин ва профессионал даражада амалга оширган, деб бўлмайти. Сабаби, ўша даврда ушбу орган ҳукмрон синф (КПСС)нинг мақсадларини рўёбга чиқариш учун унинг асосий «дастаги» вазифасини ўтаган, юқоридан, яъни марказдан келган буйруқ ва топшириқларни бажариш билан чекланиб, ўз ваколатлари доирасидан мунтазам равишда четланиб келган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари сингари ички ишлар органлари тизимида ҳам катта ўзгаришлар қилинди. Ҳозирда ички ишлар

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳақидаги Низом: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги 270-сонли қарори.

органларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги 270-сонли қарори билан тасдиқланган «Ички ишлар вазирлиги тўғрисидаги Низом», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 8 январдаги 16-сонли «Ички ишлар идораларида хизмат ўташ тартиби ҳақидаги вақтинчалик Низом» ва бошқа тегишли ҳуқуқий ҳужжатларга асосан амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 27 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2004 йил 19 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларига асосан, республика ички ишлар идоралари тизимида туб ислоҳотлар амалга оширилди. Ушбу жараёнлар айна пайтда ҳам тўхтаб қолгани йўқ, яъни тизим мунтазам равишда такомиллашиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш таклифини билдириб, ушбу қонун: «... суриштирув ва дастлабки терговнинг сифатини оширишга хизмат қилади. Айна пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, авваламбор, ички ишлар идораларининг бу соҳадаги фаолиятининг янада либераллашувини таъминлашга олиб келади»¹, – деган эди. Дарҳақиқат, амалга оширилаётган ислоҳотлар пиравордида ички ишлар органларининг функционал фаолияти такомиллашиб, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятининг самарадорлиги ошиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Криминал, уюшган жиноятчилик, терроризм ва наркотрафикка қарши курашни кучайтириш чоралари тўғрисида»ги 2001 йил 21 апрель, «Жиноятчиликка қарши

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б. 25–26.

курашда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тергов хизматлари ролини кучайтириш ҳақида»ги 2001 йил 7 май, «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш чоралари тўғрисида»ги 2001 йил 15 май, «Ўзбекистон Республикасида патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш фаолиятини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги 2001 йил 31 май, «Жиноятчиликка қарши курашда профилактика хизмати ролини кучайтириш чоралари тўғрисида»ги 2001 йил 6 июнь, «Ўзбекистон Республикасида ёнғин хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги 2001 йил 25 июнь қарорлари ички ишлар идораларининг барча тизимларида ислохотларнинг давр талаблари асосида мунтазам амалга оширилишининг ҳуқуқий асосларидир.

Амалга оширилган ислохотлар натижасида бугун ички ишлар органларининг фаолияти тубдан ўзгарди. Президент Ислom Каримов ички ишлар органлари фаолиятини таҳлил қилиб: «ички ишлар органлари шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини ҳимоя қилишнинг ишончли гарови бўлиши лозим»¹, – дея уқтирган эди. Айтиш мумкинки, бугун бу фаолиятда ана шундай ишончли гаров босқичига «эришилди».

Бозор иқтисодиёти шароити ички ишлар органларининг фаолиятига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Албатта, бозор қонуниятлари ички ишлар органлари билан бошқа субъектлар ўртасидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиб турган маъмурий тартибни фуқаролик ҳуқуқининг нормаларига бўшатиб беришини талаб қилмоқда.

Эндиликда ички ишлар органлари билан юридик шахс ва фуқаролар ўртасидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда «маъмурий буйруқбозлик ёки бир томонлама бўйсунувга асосланган» тартибдан воз кечилиб, тенглик ва тенгҳуқуқлилик принципи устуворлик қилмоқда. Бу ҳолат ички ишлар органлари билан фуқаролик ҳуқуқининг бошқа субъектлари ўртасидаги хўжалик ёки бошқа фуқаролик-ҳуқуқий шартномали муносабатларда яққол кўзга ташланмоқда.

Ички ишлар органлари, *биринчидан*, давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилишга оид вазифаларини ижро этувчи ҳокимият органи

¹ Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Т., 1999. – Б. 404.

(давлат тузилмаси)дир, *иккинчидан*, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва тегишли қонунларига асосан юридик шахс мақомига ва фуқаролик муомаласида қатнашиш ҳуқуқига эга ташкилот ҳисобланади.

Умумий қоидага кўра, юридик шахс мақомига ҳар қандай ташкилот эмас, балки ФКнинг 39-моддасида белгиланган талаблар (ташкилий бирлик, мулкӣ мустақиллик, мустақил мулкӣ жавобгарлик, судда ва фуқаролик муомаласида ўз номидан қатнашиш)га жавоб берадиган ташкилотларгина эга бўла олади ва улар фуқаролик ҳуқуқининг тўлақонли субъектлари ҳисобланадилар.

Ҳар қандай ташкилотнинг юридик шахс сифатидаги мақоми, аввало, унинг низомида ифодаланган бўлади. Бироқ, биргина низомнинг ўзи ташкилотнинг юридик шахс эканлигини асосламайди, қачонки, қонунда келтирилган барча белгилар мужассам бўлсагина юридик шахс мақомига эга бўлади. Албатта ҳар бир юридик шахс учун низом муҳим юридик аҳамиятга эга бўлган ҳужжат ҳисобланади. Чунки, юридик шахснинг асосий фаолияти унинг низомида акс этган бўлади. Ички ишлар органларининг функция ва вазифалари белгиланган асосий қоидалар ҳам уларнинг низомларида акс этган, бу фаолият эса асосан маъмурий-ҳуқуқӣ характерга эга. Аммо, айти вақтда ушбу соҳа фаолиятини аниқ белгиловчи Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунини қабул қилиш долзарб ва ўринлики, ушбу қонунда ички ишлар органларининг юридик шахс сифатидаги белгилари ва ҳуқуқӣ мақоми янада аниқ, батафсил ифода этилган бўлур эди.

Фуқаролик ҳуқуқида ташкилотларнинг ташкилий-ҳуқуқӣ шакллари аниқлаш алоҳида аҳамиятга эга, чунки бунда ҳар қайси шаклнинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинади. Ташкилий-ҳуқуқӣ шакл бу – ташкилотнинг ўз фаолиятини қайси доираларда амалга оширомоқчи эканлигини акс эттирувчи шаклдир. Фуқаролик ҳуқуқида ички ишлар органларининг ташкилий-ҳуқуқӣ шакли муассаса, дея белгиланган. Аммо, «муассаса» кенг маънога эга ва бугун муассасанинг кўпгина турлари мавжуд. Уларнинг орасида давлат ҳокимияти ва бошқарувига асосланган муассасалар алоҳида хусусиятга эга бўлиб, улар оммавий-ҳуқуқӣ ҳужжатга мувофиқ ташкил топади. Бундай муассасалар сирасига ички ишлар органлари ҳам киради. Улар фақат оммавий-ҳуқуқӣ ҳужжатлар (қонун ёки

давлат органининг фармойиши)га мувофиқ ташкил топади. Давлат ҳокимияти ва бошқарувига асосланган муассасаларнинг ҳуқуқий мақоми махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланади. Масалан, прокуратуранинг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги, судларники эса Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонунларида белгилангани каби.

Юқоридагиларга таяниб, муассасаларнинг ташкил топиши ёки уларнинг махсус ҳуқуқ лаёқати борасида бир томонлама фикр айтиб бўлмайди. Чунки муассасалар хусусий ҳуқуққа асосланувчи юридик шахслар, оммавий ҳуқуққа асосланган юридик шахслар сирасига ҳам кириши мумкин. Фуқаролик кодексида муассасаларнинг икки хил шакли таъкидланса-да, негадир уларни ташкил этишнинг алоҳида тартиби назарда тутилмаган. Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 44-моддасида юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг умумий қоидалари белгиланган. Давлат ҳокимияти ва бошқарувига асосланган муассасалар (булар сирасига ички ишлар органлари ҳам киради) юридик шахс ҳисобланади, аммо улар ташкил этилганда давлат рўйхатидан ўтказилмайди. Демак, бу ҳолат Фуқаролик кодекси 44-моддасининг 4-қисмидаги, «юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади», деган қоидага зид келади ёки давлат ҳокимияти ва бошқарувига асосланган муассасаларга нисбатан мазкур қоидаларни татбиқ этиб бўлмайди деган хулосага келиш мумкин.

Албатта, оммавий ҳуқуққа асосланган муассасалар, жумладан ички ишлар органларини ҳам юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказишга асосланмаган анъанани давом эттириш мумкин. Аммо давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини (уларни давлат органлари деб аташ мумкин) фуқаролик ҳуқуқининг алоҳида субъекти дея тан олиш, уларнинг махсус ҳуқуқ лаёқатини тақсимлашнинг хусусиятини инобатга олиб, амалдаги Фуқаролик кодексига бу ҳақида алоҳида модда киритиш мақсадга мувофиқдир.

Ички ишлар органларига муассаса сифатида баҳо берилар экан, яна бир жиҳат – муассасаларнинг мустақил фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги масаласида ҳам ноаниқликлар мавжудлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Чунончи, Фуқаролик кодексининг 76-моддаси 3-қисмида: «муассаса ўз мажбуриятлари бўйича

ихтиёридаги пул маблағлари билан жавоб беради», ёки Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги қонуни 26-моддаси 3-қисмида: «давлат муассасаси (ташкилоти) ўз мажбуриятлари юзасидан ўз эгалигидаги пул маблағлари билан жавоб беради», – деган қоида бор. Бунда, афсуски, муассасалар қандай мажбуриятлари туфайли мустақил фуқаролик-ҳуқуқий жавобгар бўлишлари мумкинлиги, чунки аксарият муассасаларнинг ҳисобидаги пул маблағларининг аниқ мақсадли эканлиги ва улар ҳисобидан ундириб бўлмаслик каби қатор муаммолар тўлиқ ечимини топмаган. Бу эса амалиётда, айниқса, суд ва хўжалик судлари амалиётида бир қанча қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин.

Муассасалар умумий қоидага кўра, нотижорат юридик шахслардир. Аммо, Фуқаролик кодексида муассасалар билан боғлиқ ҳал этилмаган масалалардан яна бири – улар нотижорат ташкилот бўла туриб, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш асосида фаолият юритувчи, тижоратчилик корхоналарини ташкил қилиши мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги тўғрисидаги қоиданинг йўқлигидир. Ушбу ҳолат амалиётда ҳам бир мунча жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Масалан, ИИВнинг Ахборот маркази ҳузурида «Компьютер хизмати маркази» унитар корхонаси фаолият кўрсатмоқда, бу ташкилот юридик шахс ҳисобланиб, мулкӣ ва номулкӣ муносабатларни амалга оширади. Гарчи, ИИВ тизимидаги Аборот марказининг ўзи юридик шахс ҳисобланмасида, ўз таркибида юридик шахс ташкил қилганлиги каби ҳолатларнинг тартиби фуқаролик қонунчилигида акс этирилиши шарт.

Қоидага кўра, давлат ҳокимияти ва бошқарувига асосланган муассасалар давлат томонидан ташкил этилиб, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида бошқарув функцияларини амалга оширадиган, давлат ҳокимияти ваколатларига эга ташкилотлардир. Қоидага кўра, бу турдаги муассасалар хорижий инвесторлар билан ҳамкорликда қўшма корхоналарни ташкил этиш ваколатига эга эмас. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги 270-сонли қарори билан тасдиқланган Ички ишлар вазирлигининг Низомида ички ишлар органларига хорижий инвесторлар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил этиш ваколати берилмаган. Бу масалада амалиётда ҳам талай тушунмовчиликлар юзага келмоқда. Масалан, «Зобит» қўшма корхонаси

Малайзия давлатининг инвестори билан ҳамкорликда тузилган қўшма корхонадир ва ушбу корхона ходимларининг штат бирликлари ИИБ Моддий-техника таъминоти бошқармасига бевосита бўйсунувчи «Маиший ишлаб чиқариш» комбинатининг штатлар бирлигига киритилган.

Фикримизча, давлат муассасалари, хусусан ички ишлар органларининг юридик шахс сифатидаги ҳуқуқий мақоми ва ташкилий-ҳуқуқий шаклига хос хусусиятларни алоҳида тартибда белгилаш фуқаролик ҳуқуқида ҳал этилиши лозим бўлган долзарб масалалардан яна биридир.

Таъкидланганидек, ички ишлар органлари «кўп қиррали» ташкилий тузилмадир. Ушбу тузилманинг жамият ҳаётидаги ўрни улар бажарадиган функция (вазифа)ларнинг ўта муҳим ва масъулиятлилиги билан ҳам тавсифланади. Шунингдек, улар фаолияти асосан маъмурий-ҳуқуқий муносабатларга хос эканлиги ҳам фуқаролик ҳуқуқининг бошқа субъектларидан яққол ажратиб туради. Мана шу алоҳида ўзига хос жиҳатлар ички ишлар органларининг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигини белгилашда ҳисобга олинандиган муҳим омилдир. Чунки ички ишлар органларини фуқаролик ҳуқуқининг бошқа субъектларидан ажратиб турувчи қатор хусусиятлар уларнинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигида ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Фуқаролик ҳуқуқи субъектларининг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга киришиши учун муайян мол-мулкка эгаликлари аҳамиятлидир. Бу ҳолат жисмоний шахслар учун зарур ва аҳамиятли бўлмаса-да, аммо «мулккий мустақиллик» ва «мустақил мулккий жавобгарлик» юридик шахсларнинг асосий белгиси ҳисобланади. Демак, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг асосий шакли мулккий жавобгарлик экан, фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари содир этган салбий хатти-ҳаракатлари учун мол-мулклари билан жавоб беришлари шарт. Шу боис, ички ишлар органларини фуқаролик ҳуқуқининг субъекти, дея эътироф этиш улардан муайян мол-мулк ва унга нисбатан мулккий ҳуқуқларга эга бўлишни талаб этади. Ички ишлар органларининг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигига хос хусусиятлар ўрганилганда, айнан уларга тегишли мол-мулкларнинг қандай тартибларда идора қилинишини аниқлаб олиш лозим бўлади. Бунда ички ишлар органлари давлат органи, шу боис таъсисчи давлат эканлиги ва улар

бошқарувидаги мол-мулклар ҳам айнан давлатга тегишлилиги ҳақиқий фактдир.

Фуқаролик кодексининг 178-моддасида белгиланганидек, ички ишлар органлари тасарруфидаги мол-мулкларга нисбатан оператив бошқариш ҳуқуқини амалга оширадилар. Яъни бунда улар мол-мулкдан функционал фаолиятни амалга ошириш мақсадида, шунингдек вазифасига мувофиқ ҳолда мол-мулка эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ички ишлар органлари умумий қоидага кўра, ўзига бириктириб қўйилган ва смета бўйича ўзига ажратилган маблағлар эвазига сотиб олинган мол-мулкни бошқа шахсга бериш ёки ўзгача усул билан тасарруф этишга ҳақли эмас. Аммо бу масалада ФКнинг 180-моддаси 2-қисмида: «агар таъсис ҳужжатларига мувофиқ муассасага даромад келтирадиган фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилган бўлса, бундай фаолиятдан олинган даромад ва бу даромад ҳисобидан сотиб олинган мол-мулк муассасанинг мустақил тасарруфига ўтади ва алоҳида балансда ҳисобга олинади», – деган норма мавжуд. Олдинги бобда ҳам ички ишлар органларининг ҳуқуқий мақоми муассаса эканлиги, улар хўжалик фаолияти билан шуғулланиши, бунинг натижасида муайян даромад ёки фойда олишлари мумкинлиги таъкидланган эди.

Ички ишлар органларининг хўжалик фаолиятига бундай ёндашув унинг мулкӣ ҳуқуқлари ва фуқаролик-ҳуқуқӣ жавобгарлигида бир қанча аниқликларга эришишга кўмаклашади. Жумладан, уларнинг хўжалик фаолиятидан олинган даромад ва мол-мулкларини бошқаришнинг тартиби, уларга давлат томонидан бириктирилган мол-мулкларни бошқариш тартибидан тубдан фарқ қилади. Чунки муассасанинг хўжалик бошқаруви орқали эришган даромади ва мол-мулкларига нисбатан мустақил мулкӣ ҳуқуқларга эгалиги ФК 180-моддасининг 2-қисмида аниқ қилиб белгилаб қўйилган.

Таъкидлаш керакки, ички ишлар органларининг тизимидаги барча муассасалар бир хил ҳуқуқ лаёқатига эга эмас. Масалан, «Қўриқлаш» бирлашмаси, жазони ижро этиш муассасалари, ўқув муассасалари (ИИБ Академияси, Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби ва ш.к.) вилоят ИИБ ёки туман ИИБларига нисбатан даромад келтирадиган бирор фаолият ёки хўжалик фаолияти билан кенгроқ шуғулланадилар. ИИБ тизимидаги ҳар қайси муассасанинг хўжалик ёки даромад олишга қаратилган бошқа фаолиятлари ўз

низомларида белгилаб қўйилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2004 йил 23 ноябрдаги 317-сонли буйруғи билан тасдиқланган Академия Уставининг 45-бандида: «Академия таълим ва бошқа соҳаларда, агар у Академиянинг асосий фаолиятига зарар етказмаса, пуллик хизмат кўрсатиши мумкин. Академия олиб бораётган тадбиркорлик фаолияти унинг Уставидаги вазифаларига мос келиши керак, олинган фойданинг солиқлардан ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбурий тўловлардан қолган қисмига мустақил эгалик қилиш ҳуқуқига эга»¹, – дейилган. Шунингдек, ИИВ Академияси таркибида нашриёт ташкил этилган бўлиб, у тўлиқ хўжалик юритувига асосланган унитар корхонадир.

Бундан ташқари, Ички ишлар вазирлиги тизимидаги «Қўриқлаш» бирлашмаси фуқароларнинг хонадонларини ва юридик шахсларнинг объектларини қўриқлаш туфайли, ЖИЭМлари эса маҳкумлар меҳнатидан фойдаланиш натижасида муайян даромад ва маблағларга эга бўладилар, бунда уларга нисбатан мустақил мулк ҳуқуқи вужудга келади. Кўриниб турибдики, ички ишлар органларининг кенг миқёсдаги хўжалик фаолияти тадбиркорлик фаолиятига ўхшаб кетади, энг муҳими эса, улар бунинг натижасида даромад ёки фойда олади. Бу маблағлари ва мол-мулкларига нисбатан эса мустақил мулк ҳуқуқига эга бўладилар. Суд амалиётида ички ишлар органлари томонидан шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик оқибатида фуқароларга ёки юридик шахсларга етказилган зарарларни ўз маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳолатлари кузатилади, аммо зарарни қоплаш учун уларнинг етарли маблағлари бўлмаганда, ундирув уларнинг мол-мулкларига қаратилганлик ҳолатни деярли учратмаймиз. Сабаби ички ишлар органларига тегишли мол-мулкларнинг барчаси давлат мулки бўлиб, уларга оператив бошқариш ҳуқуқи асосида тегишлидир.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ички ишлар органлари томонидан шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик оқибатида, шунингдек уларнинг бошқарувидаги ошиқча хавф манбалари томонидан етказилган зарарларни

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2004 йил 23-ноябрдаги 317-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Устави.

қоплаш мажбуриятини ҳар доим ҳам давлат зиммасига юклаб бўлмайди. Чунки, ФКнинг 15, 990, 991-моддаларида давлат органларининг айнан ҳокимият ваколатларидан ғайриқонуний фойдаланиши оқибатида етказилган зарарларни қоплаш мажбуриятини давлат зиммасига юклаш мумкинлиги назарда тутилган. Бундай ҳолатда эса кредиторларнинг талаблари ўз вақтида қондирилмайди ёки зарар умуман қопланмай қолиб кетиши мумкин.

Фикримизча, бундай вазиятда ундирувни ички ишлар органларининг хўжалик ёки ўз низомларида назарда тутилган бошқа даромад келтирувчи фаолиятларидан топилган маблағлари ва бу маблағлар ҳисобидан олинган мол-мулкларига қаратиш керак. Масалан, ички ишлар органларига тегишли хизмат транспорти орқали етказилган зарарни қоплаш айнан уларнинг хўжалик фаолияти орқали топилган маблағлари ва мол-мулкларидан ундирилиши мумкин, акс ҳолда, зарарни қоплаш мажбуриятини давлатга юклаб бўлмаслиги туфайли зарар қопланмасдан қолиб кетиши аниқ. Чунки, амалиётда бундай ҳолатда зарарни қоплаш мажбурияти тўғридан-тўғри транспортнинг бошқарувчисига юкланади, ваҳоланки, бу муаммони эса Фуқаролик кодекси 999-моддасининг 2-қисмини қўллаб, зарарни қоплаш мажбуриятини ички ишлар органларининг зиммасига юклаш, кейинчалик айбдор бўлган ҳайдовчига регресс талаб қўйилиши тартибида ҳал этиш мумкин. Бундай тартиб ички ишлар органлари томонидан етказилган зарарларнинг ўз вақтида ва тўлиқ қопланишига ёрдам беради. Қолаверса, Фуқаролик кодексида давлат органлари, жумладан ички ишлар органлари томонидан ҳокимият фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳолатларда етказилган зарарларни қоплашнинг алоҳида тартиби назарда тутилмагани, бундай турдаги деликт зарарларни қоплаш фуқаролик ҳуқуқининг умумий қоидалари тартибида ҳал этилиши мумкинлигини билдиради.

Юқоридагилар билан биргаликда, ички ишлар органларининг фуқаролик ҳуқуқининг алоҳида ва махсус субъекти сифатидаги фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигига хос хусусиятларни яна қуйидагилар билан ҳам асослаш мумкин:

биринчидан, ички ишлар органлари давлат тасарруфидаги ноижорат юридик шахс эканлиги ва уларни ташкил этиш ҳамда тугатишнинг ўзига хос хусусиятлари (масалан, уларни ташкил этишда юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилмаслиги ёки банкрот деб эълон қилиб бўлмаслиги кабилар);

иккинчидан, ҳуқуқ ва муомала лаёқатини чеклаш ҳолатлари ички ишлар органларига нисбатан татбиқ этилмаслиги;

учинчидан, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг барча турларини ички ишлар органларига нисбатан қўллаб бўлмаслиги. Масалан, давлат органи сифатидаги деликт жавобгарлиги учун мол-мулкни мусодара қилиш санкциясини қўллаб бўлмайди, чунки бунда зарарни қоплаш давлат маблағларидан амалга оширилади;

тўртинчидан, ички ишлар органлари барча фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок эта олмайди. Масалан, фойда олишга қаратилган ёки тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ муносабатларда қатнашмайди;

бешинчидан, ички ишлар органлари ҳокимият ваколатлари билан боғлиқ зарарда жавобгарликнинг субъекти бўлмайди, бунда даъво давлатга нисбатан қўзғатилади. Аммо таъкидлаш керакки, шартномавий муносабатларда ички ишлар органлари тўғридан-тўғри фуқаровий ҳуқуқий жавобгар бўлишлари мумкин. Масалан, Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани ИИБ шу туман ҳокимиятига маъмурий биносини таъмирлаб беришни сўраб мурожаат қилган. Туман ҳокимияти ҳеч қандай шартнома тузмасдан, «Иншоот таъмиртранс» масъулияти чекланган жамиятига туман ИИБнинг маъмурий биносини таъмирлаб беришини топширган ва ушбу жамият таъмирлаш ишларини амалга оширган. Ўртада ўзаро шартнома тузилмаганлиги сабабли «Иншоот таъмиртранс» масъулияти чекланган жамият бажарган ишлари учун тегишли маблағларни олмаган. Натижада бу масала суд тартибида муҳокама этилиб, маъмурий бино туман ИИБга қарашлилиги боис, судда Наманган вилояти ИИБ асосий жавобгар (чунки туман ИИБ юридик шахс эмас) деб топилиб, унга 29.455.075 сўмлик асосий қарзни тўлаш мажбурияти юклатилган¹.

2.3. Ички ишлар органларининг давлат органи ва юридик шахс сифатида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигининг хусусиятлари

Ички ишлар органлари ёки унинг алоҳида тузилмаси фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда ўзига хос алоҳида мулкдор ташкилот (юридик шахс) сифатида қатнашади. Ички ишлар

¹Ўзбекистон Республикаси Олий суд материаллари архивидан.

органлари давлат органи ва у фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда ҳар доим юридик шахс (муассаса) сифатида иштирок этади. Аммо ҳар қандай давлат органи юридик шахс бўла олмайди. Чунки бирон-бир давлат органини юридик шахс деб эътироф этиш учун у Фуқаролик кодексининг 39-моддасида белгиланган талабларга жавоб бериши керак.

Таъкидланганидек, ички ишлар органлари кўп тармоқли ташкилотдир, гарчи ушбу тизимдаги барча тузилмалар давлат органлари ҳисобланса-да, уларнинг ҳаммаси юридик шахс мақомига эга эмас. Масалан, туман ички ишлар бўлими давлат органи, лекин уни юридик шахс деб бўлмайди. Чунки туман ички ишлар бўлимларида юридик шахсга хос белгилар мавжуд эмас.

Маъмурий ҳуқуқ назариясида давлат органларига давлатнинг ҳокимият ваколатларини амалга оширувчи ташкилот сифатида қаралади. Аммо фуқаролик ҳуқуқида муайян (ташкилий бирлик, мулкӣ мустақиллик, мустақил мулкӣ жавобгарлик, ўз номидан ҳаракат қилиш) белгиларга эга бўлган ташкилотларгина юридик шахс сифатида тан олинади ва улар фуқаролик ҳуқуқининг алоҳида субъектлари ҳисобланади.

Бир тарафнинг иккинчи тарафга маъмурий бўйсунishi маъмурий-ҳуқуқий муносабат субъектларига, яъни давлат органлари (оммавий ҳокимият тузилмалари)га хос хусусият, жиҳатдир. Шунга кўра, давлат органлари ўз фаолиятларини кўпроқ маъмурий тартибда амалга оширади. Зеро, маъмурий бўйсунish тамойилига асосланувчи ҳуқуқий муносабатлар давлат органларига хосдир. Аммо, давлат органлари, шу жумладан, ички ишлар органлари фақат маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда эмас, балки фуқаролик муомаласида ҳам қатнашади. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари тенгҳуқуқлилик принципига асосланар эканлар, унда давлат органлари ҳам ўз ҳокимият ваколатларидан фойдаланмасликлари, контрагентларига ҳокимият таъсирини ўтказмасликлари шарт. Ушбу муносабатларда давлат органлари том маънода юридик шахс сифатида намоён бўладилар. Бунда давлат ўз органларига, хусусан ички ишлар органларига ҳокимият ваколатлари билан бир вақтда юридик шахс ҳуқуқини ҳам беради. Шунингдек, уларнинг фуқаролик ҳуқуқининг алоҳида субъекти сифатидаги ташкилий-ҳуқуқий шакли муассаса эканини ҳам белгилайди (ФКнинг 76-моддаси).

Ички ишлар органларининг фуқаролик ҳуқуқи субъектлиги деликт жавобгарлик субъектлигидан фарқ қилади. Сабаби, қонун ҳужжатларида ички ишлар органлари фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда субъект ҳисобланса-да, лекин деликтнинг барча турида жавобгарлик субъекти бўлмаслиги мумкин. Яъни улар томонидан ФКнинг 990, 991-моддаларида белгиланган ҳолатларда зарар етказилган тақдирда, зарарни қоплаш мажбурияти ички ишлар органларида эмас, балки давлат зиммасида бўлади.

Шу боис, ички ишлар органларининг ҳокимият ваколатларини амалга ошириш вақтида етказган зарари учун жавобгарлиги деганда, давлатнинг жавобгарлиги тушунилиши керак. Аммо ички ишлар органларининг шартномавий жавобгарлиги ҳақида сўз борганда, шартномавий мажбуриятлардаги жавобгарлиги бўйича тўғридан-тўғри давлатни жавобгар қилиб бўлмайди. Яъни ички ишлар органлари фуқаровий ҳуқуқий шартномаларда олган мажбуриятлари борасида мустақил жавобгар бўладилар.

Бунда, агарда ички ишлар органлари давлат томонидан молиялаштириладиган ташкилот бўлса, унинг мустақил жавобгарлигини қандай тушуниш ва изоҳлаш мумкин, деган ҳақли савол туғилади. Бу масалада Фуқаролик кодекси 180-моддасининг 2-қисмидаги: «таъсис ҳужжатларига мувофиқ, муассасага даромад келтирадиган фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилган бўлса, бундай фаолиятдан олинган даромад ва бу даромад ҳисобидан сотиб олинган мол-мулк муассасанинг мустақил тасарруфига ўтади ва алоҳида балансда ҳисобга олинади», – деган қоидага амал қилинади. Бунга кўра, ички ишлар органларининг юридик шахс мақомидаги муассасалари (ИИВ «Қўриқлаш» бирлашмаси, ЖИЭББ, вилоят бошқармалари, ўқув муассасалари ва ш.к.) хўжалик фаолияти билан шуғулланишдан олган даромадлари ва ана шу даромадлар ҳисобидан сотиб олган мол-мулклари билан жавоб беришлари керак. Яна Фуқаролик кодексининг 80-моддасида давлат ва унинг юридик шахслари жавобгарлиги фарқланган ҳолда акс этганини таъкидлаш керакки, унга кўра: «Давлат томонидан тузилган юридик шахс давлатнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари давлат ўзи тузган юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди».

Ички ишлар органларидан фуқаровий шартномаларни (масалан, олди-сотди, пудрат, ижара, айирбошлаш ва ш.к.) тузишда

Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни талабларига риоя этиши талаб этилади. Чунки ушбу қонуннинг 1-моддасида таъкидланганидек, «махаллий давлат ҳокимияти органларининг ва давлат бошқарув органларининг шартнома муносабатлари соҳасидаги ваколатлари»га нисбатан ҳам мазкур қонун нормалари татбиқ этилади.

Бундан ташқари, ички ишлар органларининг хўжалик фаолияти билан боғлиқ шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаслиги халқ хўжалиги ҳисоб-китобларини юритишга салбий таъсир кўрсатиши аниқ. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги 1154-сонли «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»¹, 1998 йил 4 мартдаги 1938-сонли «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги фармонлари² талабларини ички ишлар органларининг хўжалик фаолиятига масъул мансабдор шахслар жавобгарлиги учун ҳам жорий этиш лозимдир.

Ички ишлар органларининг кўп ҳолларда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги иштироқи фуқаролик ҳуқуқининг бошқа субъектлари билан фуқаровий шартномалар (масалан, кўриқлаш, пудрат, олди-сотди каби) тузиши орқали юзага келади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 332-моддасида «мажбуриятларнинг айрим турлари бўйича ҳамда муайян фаолият тури билан боғлиқ мажбуриятлар бўйича қонунда зарарни тўла қоплашга бўлган ҳуқуқ чеклаб қўйилиши мумкинлиги (чекланган жавобгарлик)» назарда тутилган. Аммо ички ишлар органларининг ҳокимият ваколатлари билан боғлиқ қонунга хилоф ҳаракат (ҳаракатсизлик)лари туфайли етказган зарарлари учун уларни фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка тортиб бўлмаслиги ҳолатини чекланган жавобгарлик, дея тушунмаслик керак. Чунки бу

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари. – Т., 2000. – № 4. – Б. 17–19.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари. – Т., 2000. – № 4. – Б. 201–204.

ҳолатда зарар ФКнинг 15-моддасида белгиланганидек, давлат томонидан тўла ҳажмда қопланади. Чекланган жавобгарлик эса кўпинча шартномавий мажбуриятларга нисбатан татбиқ этилади. Чунки, деликт жавобгарликнинг умумий асосларини белгиловчи ФКнинг 985-моддасига кўра, «ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракат-сизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши» шарт.

Юқорида изоҳлаганимиздек, ички ишлар органлари томонидан етказилган зарар учун жавобгарликни ҳар доим ҳам давлат зиммасига юклаб бўлмайди. Чунки, ички ишлар органлари томонидан етказилган зарар ҳар доим ҳам ҳокимият ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаслиги, балки юридик шахс сифатидаги фаолиятида ҳам етказилиши мумкин. Шунга кўра, ички ишлар органларининг фуқаролик-ҳуқуқий, аниқроғи, деликт жавобгарлиги айнан мана шу икки ҳолатда: *биринчидан*, ички ишлар органларининг давлат органи сифатида, *иккинчидан*, юридик шахс сифатидаги фаолияти туфайли вужудга келади.

Биринчи ҳолатда ички ишлар органларининг ҳокимият ваколатларини ғайриқонуний қўллаш ёки ғайриқонуний маъмурий фаолият юритиши туфайли фуқаролар ва юридик шахсларга етказган зарари тушунилса, иккинчи ҳолатда эса ички ишлар органларининг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларида, хўжалик фаолияти юритувида ёки бошқа ҳолатларда фуқаро ва юридик шахсларга етказган зарарлари тушунилиши керак.

Ички ишлар органлари билан юридик шахслар ўртасида кўпинча олди-сотди, айирбошлаш, пудрат, моддий-техник таъминлаш, хизмат кўрсатиш каби соҳаларда шартномалар тузаётганлиги айни ҳақиқатдир. Аммо, ички ишлар органлари нотижорат юридик шахс, шу боис тадбиркорлик соҳасидаги шартномаларни туза олмайди. Бироқ ёдда сақлаш зарурки, ҳар қандай мазмундаги шартномаларнинг асосида эса кўп ҳолларда фуқаролар ва юридик шахслар зиммасига юкланган мажбуриятлар ётади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг, мулкнинг турли шакллари вужудга келди. Энди давлат органлари нафақат давлат корхоналари, балки хусусий мулкдорлар ва фуқаролар билан ҳам шартномалар тузиши, бундай муносабатларда

барча субъектларнинг тенг ҳуқуқли эканлиги қонуний мустаҳкамланди (ФКнинг 1-моддаси). Шунингдек, тузилган шартнома мажбуриятларининг бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик каби нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ФКнинг 333-моддасида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик ҳам белгилаб қўйилди. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг асосий мақсади ҳам шартнома мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик туфайли ёхуд ҳуқуқбузарлик оқибатида жабрланувчига етказилган зарарни фуқаровий ҳуқуқбузардан ундиришдир. Зеро, фуқаролик ҳуқуқида зарар уни етказган шахсни жазолаш учун эмас, балки шартноманинг бузилиши оқибатида етказилган зиённи қоплаш учун хизмат қилади, дея тушуниш лозим.

III БОБ

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ ҚОПЛАШНИНГ УСУЛЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ

3.1. Ички ишлар органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарарни қоплашнинг усуллари ва шакллари

Фуқаролик ҳуқуқининг умумий қондасига кўра зарарни қоплаш деганда, жабрланувчининг бузилган ҳуқуқини, ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатини тиклаш тушунилади.

Фуқаролик ҳуқуқида етказилган зарарни қоплаш усуллари алоҳида аҳамият касб этади. Чунки зарарни қоплаш усулларини белгилаш фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади. Зеро, юридик жавобгарликнинг бошқа турларида жабрланувчи ҳуқуқбузарга нисбатан жавобгарликнинг у ёки бу чорасини белгилаш ҳуқуқига эга бўлмайди. Бунда зарарнинг хусусияти ва шакли, зарар етказувчининг мулкӣ аҳволи каби ҳолатлар етказилган зарар учун жавобгар шахсга нисбатан зарарни қоплаш усулини белгилашда муҳим омиллар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1003-моддасига кўра, «суд зарарни қоплаш тўғрисидаги талабни қаноатлантирар экан, иш ҳолатларига мувофиқ равишда, етказилган зарар учун жавобгар шахсга зарарни аслича қоплаш (ўшандай турдаги ва сифатдаги ашёни тақдим этиш, шикастланган ашёни тузатиш ва ҳоказо) ёки етказилган зарарни тўлаш мажбуриятини юклайди». Ушбу модда мазмунига асосланиб, етказилган зарарни қоплаш усуллари иккига ажратиш мумкин: *биринчиси*, зарарни аслича қоплаш; *иккинчиси*, етказилган зарарни тўлашдир.

Зарарни аслича қоплаш усулида зарар етказган шахс томонидан жабрланувчининг шикастланган ашёси (мол-мулки)га ўхшаш турдаги ва сифатдаги ашёни бериш назарда тутилади, шунингдек шикастланган ашё (мол-мулк)ни асл ҳолига қайтариш, яъни шикастланган қисмини тузатиш ёки таъмирлаш ёхуд бунинг учун кетадиган харажатларни бериш орқали зарар қопланади. Аммо

зарар ўрнини қоплашда уни етказиш оқибатида шикастланган ашё (мол-мулк)нинг хусусий аломатлари муҳим ҳисобланади. Бунда шикастланган ашё (мол-мулк)нинг турга хос аломатлари билан белгиланган ашё (мол-мулк) эканлиги алоҳида аҳамият касб этади. Чунки хусусий аломатлари билан белгиланган ашёлар бошқаси билан алмаштириб бўлмайдиган ашёлардир, улар жумласига ноёб, яъни ўзи бир дона бўлган ашёлар киради. Шунга кўра, шикастланган ашё (мол-мулк) хусусий аломатлари мавжуд ашё бўлганда, уни шунга ўхшаш ва шу сифатдаги ашё (мол-мулк) билан қоплашнинг имкони йўқ. Сабаби – шикастланган ашё (мол-мулк) хусусий аломатлари билан белгиланган ашё (мол-мулк) бўлганлиги учун, унга ўхшаш ва ўша сифатдаги ашё (мол-мулк)нинг мавжуд бўлиши мантиқий жиҳатдан мумкин эмас. Дарвоқе, ноёб ёки ўзи бир дона ашё (мол-мулк)нинг ўхшаши ҳам бўлиши мумкин эмас.

Хусусий аломатлари билан белгиланган ашё (мол-мулк)нинг ўрнини қоплашда зарарни аслича қоплаш усулини қўллаш муайян қийинчиликларни туғдиради. Бундай ҳолларда жабрланган шахснинг манфаатларини зарарни тўлатиш йўли билан қондириш мумкин бўлади. Бундай вазиятларда суднинг олдида фақат яна бир муаммо юзага келади-ки, у ҳам бўлса, ноёб ашёнинг ҳақиқий қийматини баҳолашдир.

Фуқаролик кодексида етказилган зарарнинг нархини аниқлашга доир қоида киритилган бўлиб, унга кўра, «зарарни аниқлашда мажбурият бажарилиши керак бўлган жойда, қарздор кредиторнинг талабларини ихтиёрий қаноатлантирган кунда, борди-ю, талаб ихтиёрий қаноатлантирилган бўлмаса, даъво қўзғатилган кунда мавжуд бўлган нархлар эътиборга олинади» (ФКнинг 324-моддаси). Ушбу модданинг кейинги бандларида зарарнинг қиймати борасида низо чиққан тақдирда, суд вазиятга қараб, зарарни тўлаш ҳақидаги талабни қарор чиқарилган кунда мавжуд бўлган нархларни эътиборга олган ҳолда аниқлаши ва қаноатлантириши мумкинлиги назарда тутилган. Аммо ноёб ёки турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёга шикаст етказилганда, ҳар қандай ҳолатда ҳам зарар нархини аниқлаш суднинг олдидаги асосий муаммо бўлиб қолади.

Дейлик, ИИВ «Қўриқлаш» бирлашмаси билан фуқаро ўртасида тузилган хонадонларни «қўриқлаш» шартномаси асосида қўриқлашга олинган хонадонда ўғрилик содир этилиб, фуқарога тегишли «ноёб санъат асари» шикастланди ёки ўғирланди. Ушбу ҳолатда

мулкнинг баҳосини белгилаш муаммоси келиб чиқади. Маълумки, кўпгина ноёб санъат асарлари суғурталанган бўлиб, уларнинг қиймати суғурта ташкилоти билан ўша асарнинг эгаси ўртасида тахминий келишилган бўлади ва низоли ҳолатда судда ким ҳақ эканлиги исботланади холос. Чунки суғурталанган асарнинг баҳосини белгилаш ва шунга ўхшаш муаммолар ўз ечимини судгача топган бўлади. Лекин ноёб ашё суғурталанмаган бўлса, унинг қийматини баҳолаш муаммоси юзага келади.

ФКнинг 100-моддасида маънавий жабрланган шахс зарар етказувчидан маънавий зарарни қоплаш билан бир қаторда раддия талаб қилиш ҳуқуқига ҳам эга эканлиги белгиланган. Бу ўринда суд томонидан ҳуқуқбузарга нисбатан раддия беришни мажбурий тартибда белгиланиши зарарни қоплашнинг алоҳида усули эканлигини таъкидлашни ҳоҳлар эдик. Бироқ, ҳуқуқбузарга раддия бериш мажбуриятининг юкланиши ФКнинг 1003-моддасида зарарни ўрнини қоплашнинг алоҳида усули сифатида белгиланмаган.

Етказилган зарарни аслича қоплаш усули зарарнинг хусусиятига кўра қўлланилади. Яъни мол-мулкка зарар етказилганда, зарар аслича (натура шаклида) қопланиши (ўшандай турдаги ва сифатдаги ашёни тақдим этиш, шикастланган ашёни тuzатиш ва ҳоказо) мумкин бўлса, шахснинг номоддий ҳуқуқларига зарар етказилганида эса раддия беришни талаб қилиши мумкин бўлади. Шунингдек, мол-мулкка зарар етказилганда, аввало, унинг аслича қопланиши мумкинлиги ёки йўқлиги аниқланади. Агарда зарарни аслича қоплашнинг имкони бўлмаса, етказилган зарар, зарарни тўлаш усули орқали қопланиши, агарда шахснинг шаъни, кадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар тарқатилган бўлса, жабрланувчи бундай маълумотлар рад этилиши билан бир қаторда уларни тарқатиш оқибатида етказилган зарарлар ва маънавий зиёнинг ўрнини қоплашни (бунда кўп ҳолларда пул суммаси кўринишида тўлашни) талаб қилишга ҳақли бўлади.

Зарарни тўлаш усули етказилган зарар ўрнини қоплашнинг иккинчи усули бўлиб, унда суд жабрланувчига етказилган зарарни пул ёки моддий шаклда тўлаш мажбуриятини зарар етказувчининг зиммасига юклайди. Бошқача айтсак, зарарнинг у етказилган вақтдаги моддий қиймати, баҳоси пул билан қопланади. Таъкидлаганимиздек, зарарни тўлашнинг ушбу усулида зарарни фақат пул билан эмас, балки натура шаклида тўлашга ҳам рухсат этилади. Аммо, зарарни натура шаклида тўлашни зарарни аслича

қоплашдан фарқлаш керак. Чунки умумий олиб қараганда, ҳар иккала усулда ҳам зарар натура шаклида қопланаётгандек туюлади, лекин зарарни аслича қоплашда буюм ёки нарса айнан ўша тур ва сифатдаги ашё (мол мулк) бўлиши керак, натура шаклидаги тўловда эса шикастланган ашё (мол мулк)нинг ўрнига шу қийматдаги бошқа ашёни уни қоплаш мақсадида топширилади. Буни содда қилиб тушунтириш учун қуйидаги мисолни келтирамиз. Дейлик, автомашина билан уй ҳайвони (сигир)ни уриб юбориш туфайли унинг эгасига мулкӣ зарар етказилди. Судда уй ҳайвони (сигир)нинг нарҳини пул суммасида тўлаш мажбурияти зарар етказувчининг зиммасига юкланди. Бундай ҳолатда зарар етказувчи жабрланувчи билан келишиб, суд белгилаган зарар қийматига тенг бўлган 10 та қўйни уни қоплаш учун жабрланувчига топширди. Бунда айнан зарар етказилган мол-мулк эмас, балки унинг қийматига тенг бошқа мол-мулк қайтарилди. Зарар натура шаклида қопланди, бироқ аслича қопланмади.

Қоидага кўра, етказилган зарар қопланганда, шикастланган ашё зарарни тўлаган шахснинг эғалигига ўтиши ҳам мумкин. Масалан, автомашинага зарар етказилганда, зарар етказувчи худди шундай сифат ва русумдаги бошқа автомашинани жабрланувчига зарарни қоплаш учун топширса, олдинги шикастланган автомашина эса зарар етказувчининг ихтиёрида қолдирилиши керак.

Аммо судлар томонидан амалда зарарни натура шаклида қоплаш айрим ҳоллардагина қўлланилади, чунки бундай қарорларни мажбурий тартибда ижро этиш муайян қийинчиликлар билан боғлиқ.

Амалиётда ички ишлар органлари томонидан етказилган зарарларни натура шаклида қоплаш ҳолатлари деярли учрамайди. Чунки ички ишлар органларига бириктирилган мол-мулкларга нисбатан ундирув қаратиш мумкин эмас. Чунки Фуқаролик кодексининг 180-моддасига кўра: «муассаса ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкни ва смета бўйича унга ажратилган маблағларга сотиб олинган мол-мулкни бошқа шахсга беришга ёки ўзгача усул билан тасарруф этишга ҳақли эмас». Шу боис, ички ишлар органлари томонидан етказилган зарарни қоплаш масаласи кўри-лаётганда, ундирув уларнинг эғалигидаги мол-мулкка эмас, балки тасарруфидаги мустақил маблағларига қаратилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 март 72-

сонли «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги фармонини татбиқ этиш билан боғлиқ масалалар тўғрисида»ги 1998 йил 9 апрель қарорининг 4-бандида: «Зарарни қоплаш ҳақидаги талабномалар қониқтирилганда судлар ушбу зарарни натура шаклида қоплаш (ашёлар ва товарларни айна сифатда, миқдорда, ассортиментда қайтариш, бузилган ашёни тузатиб бериш ва ҳ.к.) бўйича барча чораларни кўришлари зарур», аммо «қонунга мувофиқ хатлаш ва банд солиш мумкин бўлмаган мулкка ундириш қаратилиши мумкин эмас»¹, – деган қоида белгиланган.

Суд амалиётида муассасалар, хусусан, ички ишлар органлари томонидан етказилган зарарларни аслича ёки натура шаклида қоплашнинг ҳуқуқий асослари етарли эмас. Бундай вазиятларда суд зарарни қоплашнинг бошқа усуллари, яъни етказилган зарарнинг қийматини пул шаклида тўлаш ёки ашёнинг шикастланган қисмини тузатиш ёхуд таъмирлаб бериш кабиларни юклаши мумкин.

Ички ишлар органлари томонидан етказилган зарарларни қоплаш масаласи кўрилаётганда, зарарнинг қандай шаклда (мулкӣ ёки маънавий) эканлиги, шунингдек зарар ҳокимият ваколатларини амалга ошириш ёки шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёхуд лозим даражада бажармаслик оқибатида келиб чиққанлигини аниқлаш ҳар доим муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ФКнинг 15-моддасида давлат органларининг айнан ҳокимият ваколатларини амалга ошириши оқибатида етказган зарари давлат томонидан тўланиши (пул шаклида), 1022-моддасида эса маънавий зарар фақат пул билан қопланиши назарда тутилган. Демак, давлат органларининг ҳокимият ваколатларини амалга ошириши оқибатида етказган зарари, шунингдек фуқарога етказган маънавий зарари ҳар доим пул билан қопланиши, бошқа ҳолатларда эса зарарни қоплашнинг қандай усулини танлаш ишнинг хусусиятига кўра суд томонидан белгиланиши керак. Чунки Фуқаролик кодексининг 1003-моддасига кўра: «суд зарарни қоплаш тўғрисидаги талабни қаноатлантирар экан, иш ҳолатларига мувофиқ равишда, етказилган зарар учун жавобгар шахсга зарарни аслича қоплаш (ўшандай турдаги ва

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми ва Раёсати қарорлари тўплами, 1993–2001. – Т.: Адолат, 2001. – 968 б.

сифатдаги ашёни тақдим этиш, шикастланган ашёни тузатиш ва ҳоказо) ёки етказилган зарарни тўлаш мажбуриятини юклайди».

Таъкидланганидек, фуқаролик ҳуқуқида етказилган зарарни қоплаш ёки тўлаш зарар ўрнини тўлдиришнинг усуллари ҳисобланади. Хусусан, зарарни қоплаш деганда, етказилган зарарни шунга тенг бўлган миқдордаги натура шаклида қоплаш англашилса, зарарни тўлаш деганда, етказилган зарарни пул қийматида (миллий сўм эквивалентида) тўлаш тушунилади.

Ички ишлар органларининг ҳокимият ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ зарарини қоплаш давлатнинг пул маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Аммо бу масалада бир ноаниқлик мавжуд. Чунки ФКнинг 15-моддасида зарарни қоплаш давлат томонидан тўланиши тўғрисидаги қоидада ноаниқлик бор, яъни унда зарар давлатнинг айнан қайси пул маблағлари ҳисобидан қопланиши кераклиги очик қолдирилган.

Фикримизча, бу вазиятда ички ишлар органлари қайси маъмурий ҳудудга қарашли бўлса (масалан, вилоят ИИБ, туман ИИБ, шаҳар ИИБ) етказилган зарар ҳам шу ҳудуднинг (вилоят, туман, шаҳар) молия органлари томонидан қопланиши керак. Шу мақсадда давлатнинг жавобгарлигини белгиловчи нормаларда етказилган зарар «давлат томонидан тўланади» деган изоҳнинг ўрнига «давлатнинг молия органлари томонидан тўланади», дея ифода-ланса, аниқ ва мақсадга мувофиқ бўлур эди.

3.2. Ички ишлар органлари томонидан етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалалари

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, «жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш таъминланганда, у чинакам ҳуқуқий, фуқаролик жамияти бўлади»¹. Дарҳақиқат бунда: «...мамлакатининг демократик тараққиётини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принципларини белгилаб берган Конституциямизнинг қоида ва нормаларига таяниш алоҳида

¹ Қаранг: *Каримов И. А.* Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Т., 1999. – Б. 391.

аҳамият касб этади»¹. Чунки Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларининг асл моҳиятида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, уларни ҳимоя қилиш мақсади ётади.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳуқуқнинг асосий вазифаси ҳисобланади ва бу ҳар қайси ҳуқуқ соҳасида ўзига хос у ёки бу усулда амалга оширилади. Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини жиноий-ҳуқуқий ва маъмурий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш таъсирчан ва самарали, аммо фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя ҳар томонлама, кенг кўламли ва ҳаммабодир. Дарҳақиқат ҳимоя (қўриқлаш) функциясини бажарувчи ҳуқуқ соҳалари бўлмиш жиноят ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ билан биргаликда фуқаролик ҳуқуқи ҳам шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган нормаларни ўзида ифода этган. Аммо фуқаролик-ҳуқуқий нормалар бошқа ҳуқуқ соҳаларидан фарқли равишда, айнан жабрланувчига етказилган мулкӣ ва маънавий зарарларни тиклаш ҳамда уни қоплашга йўналтирилади. Агар жиноят ҳуқуқида шахсга зарар етказилганда зарар етказувчи (ҳуқуқбузар)га нисбатан жазо қўлланилса, фуқаролик ҳуқуқида эса ҳуқуқбузарнинг мулкӣ аҳволига таъсир кўрсатиш орқали жабрланувчининг зарарлари қопланади.

Бундан ташқари, фуқаролик ҳуқуқида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимояси ўзига хос кенг кўламли усул ва воситалар орқали амалга оширилишини ҳам эътироф этиш лозим. Хусусан, Фуқаролик кодексининг 11-моддасига кўра, фуқаролик ҳуқуқлари: 1) ҳуқуқни тан олиш; 2) ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш; 3) битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш; 4) давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш; 5) шахснинг ўз ҳуқуқини ўзи ҳимоя қилиши; 6) бурчни аслича (натура) бажаришга мажбур қилиш; 7) зарарни тўлаш; 8) неустойка

¹ Қаранг: *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б 7.

ундириш; 9) маънавий зиённи қоплаш; 10) ҳуқуқий муносабатни бекор қилиш ёки ўзгартириш; 11) давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонунга зид ҳужжатини суднинг қўлламаслиги каби усуллар орқали ҳимоя қилиниши белгиланган. Гарчи ушбу моддада фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг 11 та усули назарда тутилган бўлса-да, уларни тўла-тўқис деб тушуниш нотўғри. Чунки модданинг ўзида таъкидланганидек, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг бошқа усуллари ҳам мавжуд.

Маълумки, ҳаёт муносабатлари тўхтовсиз ва у ҳеч қачон тўхтаб қолмайди, доимо ҳаракатда бўлади. Бу жараён эса жамият муносабатларининг ўзгаришига олиб келади ва ўз навбатида, бу муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ (қонун ва норматив ҳужжат) нормаларининг ҳам мунтазам равишда такомиллашиб ва ўзгариб боришини тақозо этади. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, «қонунчилик ва меъёрий асосларни шакллантириш жамиятни ўзгартириш ва ислоҳ этиш жараёнидан олдинроқ юриши керак»¹.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси фуқаролик ҳуқуқларини суд орқали ҳамда маъмурий тартибда ҳимоя қилинишини назарда тутди. Аммо, фуқаролик ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиниши ҳар томонлама ҳуқуқий давлат манфаатларига мос келади. Кейинги пайтда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар нафақат судларни том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга, балки мамалакатимизда инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя ва муҳофаза этишга қаратилган фаолиятнинг самарадорлиги ошишига ҳам олиб келмоқда. Бугунги кунда судлар томонидан фақатгина жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳаракатлари эмас, балки давлат органлари ва мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган даъволар ҳам кўриб чиқилмоқда. Масалан, давлат органлари ва мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича 2007 йилда 701 та, 2008 йилда 917 та ва 2009 йилда 927 та шикоят судда кўриб чиқилиб, шулардан 2007 йилда 562 таси, 2008 йилда 692 таси

¹ Каримов И. А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Т. 1999. – Б. 383.

ва 2009 йилда 694 таси қаноатлантирилган¹ бўлса, 2010 йилнинг биринчи чорагининг ўзида 299 та шикоятдан 195 таси қаноатлантирилган². Айтиш мумкинки, давлат органлари ва мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (қарорлари)ни ғайриқонуний деб топиш ва унинг оқибатида етказилган зарарларнинг бартараф этилишига қаратилган суднинг фаолияти фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилинишига қаратилган чора тадбирлардандир.

Бугунги кунда фуқаролик ҳуқуқида давлат органлари, хусусан ички ишлар органлари томонидан етказилган зарарларни қоплашни тартибга солувчи ёки уларнинг деликт жавобгарлигини назарда тутувчи фуқаролик қонун нормаларини мукамал даражада деб бўлмайди. Қуйида таъкидланадиган баъзи ҳолатлар уларни такомиллаштиришни тақозо этади.

Биринчидан, Фуқаролик кодексида давлат органлари, хусусан, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан етказилган зарар билан боғлиқ муносабатлар чекланилиб тартибга солинган. Чунончи ички ишлар органлари томонидан етказилиши мумкин бўлган зарар ёки уларнинг қонунга хилоф фаолияти фуқаролик қонун нормаларида тўла-тўқис ўз аксини топмаган. Хусусан, ФКнинг 991-моддаси 1-қисмида: «қонунга хилоф тарзда ҳукм этиш, қонунга хилоф тарзда жинойий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни ёки муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олишни қонунга хилоф қўлланиш, қамоқ тариқасидаги маъмурий жазони қонунга хилоф тарзда бериш натижасида фуқарога етказилган зарар суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг мансабдор шахслари айбидан қатъи назар, қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан тўла ҳажмда тўланади», – дейилган. Аммо мазкур моддада ички ишлар органлари томонидан содир этилиши мумкин бўлган қонунга хилоф процессуал ҳаракатларнинг рўйхати тўлиқ ифода этилмаган. Бошқача айтганда, ноқонуний тинтув ўтказиш, гумонланувчини ноқонуний ушлаб туриш, қийноқ, хизмат вазифасини бажармаслик,

¹ Қаранг: Умумий юрисдикция судларининг 2008 йил давомидаги иш фаолияти тўғрисида статистик маълумотлар тўплами. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий суди, 2009. – Б. 10.

² Қаранг: Умумий юрисдикция судларининг 2010 йил давомидаги иш фаолияти тўғрисида статистик маълумотлар тўплами. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий суди, 2010. – Б. 10.

хизмат вазифаси доирасидан четга чиқиш ёки суиистеъмол қилиш, фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишга тўсқинлик қилиш каби ғайриқонуний ҳаракатлар, шунингдек жиноят ҳақида хабар берилганда (масалан, «02»га қўнғироқ қилинганда), воқеа жойига етиб келмаслик каби ғайриқонуний ҳаракатсизликларнинг содир этилиши ва бунинг оқибатида фуқароларнинг мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқларига зарар етказилиши мумкинлиги ФК 991-моддасининг мазмунида ифода топмаган.

Фикримизча, ФКнинг 991-моддасидаги қоидалар суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг қонунга хилоф ҳаракати ёки ҳаракатсизликлари оқибатида етказилиши мумкин бўлган зарарларни тўлиқ қамраб олмаган, шу боис улар қонунчиликда тўла ўз ифодасини топиши керак.

Иккинчидан, юқорида таъкидланганидек, ички ишлар органлари томонидан ФКнинг 15, 990, 991-моддаларида белгиланган ҳолатларда зарар етказилганда, зарарни тўлаш давлат томонидан амалга оширилади. Аммо давлат томонидан зарарни қоплаш қандай тартибда амалга оширилиши ёки давлатнинг қайси органи маблағлари ҳисобидан тўланиши ФКнинг бирон-бир моддасида аниқ белгиланмаган. Масалан, ФК 991-моддасининг 2-қисмида: «Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг бошқа тарздаги қонунга хилоф фаолияти натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, умумий асосларда тўланади», – дея таъкидланган. Аммо, зарарни қоплашнинг аниқ тартибини белгиловчи қонун амалда мавжуд эмас, шу боис зарарни қоплаш давлатнинг қайси органи томонидан ҳамда қандай тартибда қопланиши кераклиги ҳақидаги масала ўз ечимини топмаган.

Шу ўринда эслаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 12 январда 1095-рақам билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Давлат Солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган «Давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқаролар ёки юридик шахсларга етказилган зарарни қоплашга давлат бюджети маблағлари ҳисобидан пул тўловларини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома рўйхатга олинган. Ушбу Йўриқнома давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф

ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида етказилган зарарни қоплашда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан пул тўловларини тўлаш тўғрисида тегишли органларнинг қарорларини бажариш тартибини, шунингдек молия органлари томонидан суддан ташқари тартибда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан пул тўловларини амалга ошириш тартибини белгилайди. Бошқача айтганда, Ўйриқномадаги қоидалар суднинг қарори ёки ажримига асосланиб қўлланилади.

Бизнингча, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 15, 990, 991-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг еттинчи бўлими «Реабилитация», Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 324-моддаси «Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўришни тугатиш билан қарорни бекор қилиш оқибатлари» нормаларини судларнинг қўллаши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан алоҳида тушунтириш берилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки кўп ҳолларда юқоридаги таъкидланган қонун нормаларидаги ҳолатлар бўйича жабрланувчиларга етказилган зарар ҳажмини аниқлаш суднинг ваколатига тегишли бўлади. Аммо Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 306-моддаси 2-қисмига кўра, «Реабилитация этиш тўғрисида қарор чиқарган суд, прокурор ёки терговчи реабилитация этилган шахсдан ариза тушган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмасдан зиён миқдорини аниқлайди», бунда фақат мулкӣ зарар миқдори аниқланади, яъни маънавий зарарни аниқлаш эса ҳар доим суднинг ваколатида бўлади.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1113-моддасида: «Мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган, унинг ўлиmidан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос таркибига киради», – дея белгилаб қўйилган. Албатта, ўлим инсон ҳаётида кутилмаган ҳодисадир, бунда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари меросхўрларига ўтишининг асоси фуқаролик қонунчилигида назарда тутилган. Мазкур қоида давлат органлари, хусусан ички ишлар органларининг қонунга хилоф ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида зарар кўрган шахснинг ҳуқуқларига нисбатан ҳам қўлланилиши мақсадга мувофиқдир. Зеро, зарарни ундириш ҳуқуқи мерос қолдирувчининг шахси билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳуқуқ деб қаралмаслиги

керак. Чунки ғайриқонуний процессуал ҳаракатлар қўлланилиши оқибатида шахсинг нафақат ҳаёти ва соғлиғига, балки унинг мулкӣ ҳуқуқларига ҳам зарар етган бўлиши мумкин.

Бу борада У. Абдурахмонов суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг қонунга хилоф фаолияти туфайли мулкка етказилган зиён деганда, тинтув қилиш, тортиб олиш, олиб қўйиш, турли тўловларни ундириш (жарима, суд чиқимлари, фуқаролик даъвосини таъминлаш чоралари), даромаддан маҳрум қилиш, маошдан чегириб қолиш, мол-мулкнинг назоратсиз қолдирилиши, оиласининг у билан кўришиш мақсадида жазони ижро этиш жойларига бориб келишига кетган харажатлари ҳам киритилишини таъкидлайди¹. Бинобарин бу билан боғлиқ зарарларни ундириш ҳуқуқи инсоннинг шахси билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳуқуқлари сирасига кирмайди.

Юқоридаги фикрларга таяниб, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг қонунга хилоф фаолияти натижасида жабрланган ёки зарар кўрган фуқаронинг зарарни ундириш ҳуқуқи унинг вафотидан сўнг меросхўрларига ўтиши тўғрисидаги қонунчиликнинг унификациялашувини, яъни бирхиллашувини таъминлайди, деб ҳисоблаймиз.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 15, 990, 991-моддаларига асосан давлат органлари ва мансабдор шахслар, шунингдек суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг қонунга хилоф ҳаракатлари туфайли етказилган зарар учун жавобгарлик давлат зиммасидадир. Шу боис, жабрланувчилар зарарни қоплаш тўғрисидаги талабларини давлат органи ёки унинг мансабдор шахсига эмас, айнан давлатга нисбатан қаратадилар. Яъни давлат органлари деликтнинг ушбу турида бевосита жавобгар субъект бўлмайди. Бироқ ФК 15, 990, 991-моддаларининг номларида жавобгарлик давлатга эмас, балки давлат органлари, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг зиммасига юклатилгани англанади. Масалан, ФК 991-моддаси «Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг қонунга хилоф ҳаракатлари туфайли етказилган зарар учун жавобгарлик» деб номланган.

¹ Қаранг: Абдурахмонов У.А. Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд органлари томонидан фуқароларга етказилган зиённи қоплаш: Юрид. фан. номз. дис. ... автореф. – Т., 2009. – Б. 14.

Фикримизча, ФК 15, 990, 991-моддалари номларининг мазмунига уйғунлигини таъминлаш мақсадида 15-моддани «Давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан етказилган зарарни қоплаш», 990-моддани «Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарарни қоплаш», 991-моддани «Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг қонунга хилоф қарорлари, шунингдек ушбу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган зарарни қоплаш», дея ўзгартиш мақсадга мувофиқдир.

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 991-моддаси 1-қисми «Суднинг қарори билан зарарни қоплаш зарар етказилишида айбдор бўлган мансабдор шахслар зиммасига юкланиши»ни назарда тутган. Бунда суд жабрланувчига етказилган зарарни қоплашни тўғридан-тўғри мансабдор шахснинг зиммасига юклаши ҳам мумкинлиги белгиланган. Аммо ушбу ҳолат зарарнинг тўлиқ ва ўз вақтида қопланишига тўсқинлик қилиши, дейлик мансабдор шахснинг ҳеч қандай маблағи ёки мол-мулки бўлмаса, зарарнинг қопланиши кечикиши ёки умуман қопланмай қолиб кетиши ҳам мумкин.

Фикримизча, бу масалани хал этишда икки тартибдан бирини танлаш мумкин. Биринчи тартиб – судлар, зарарнинг қопланмай қолиш хавфи бор ёки йўқлигига (мансабдор шахснинг зарарни қоплаш учун етарли маблағи ёки мол-мулки мавжудлигига), ишнинг хусусиятига, мансабдор шахснинг айби даражасига эътибор қаратиб зарарни қоплаш мажбуриятини мансабдор шахсга юклаш тўғрисида қарор қабул қилишларини ва иккинчи тартиб – мансабдор шахсларнинг айбдорлиги ёки айбсизлигидан қатъи назар, етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини давлатнинг зиммасига юклаш ва етказилган зарарда айбдор деб топилган мансабдор шахс(лар)га кейинчалик давлат томонидан регресс талаб қўйиш ҳуқуқини қонун билан жорий этиш.

Олтинчидан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 991-моддасида суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг қонунга хилоф ҳаракатлари туфайли етказилган зарар учун жавобгарлик белгиланган. Аммо, моддада назарда тутилган процессуал ҳаракатларнинг қай бири қонунга

хилоф тарзда амалга оширилганда бунинг учун ички ишлар органлари ва уларнинг мансабдор шахслари жавобгар ҳисобланади. Буни аниқлаш жуда муҳим масаладир. Чунки қонунга хилоф ҳаракат амалга оширилган, лекин у қайси орган томонидан содир этилганлигини ва тегишли органнинг мансабдор шахсинигина жавобгарликка тортишни аниқлаштириш лозим бўлади. Масалан, қонунга хилоф тарзда ҳукм этиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни қонунга хилоф тарзда бериш оқибатида етказилган зарар учун ички ишлар органлари ва уларнинг мансабдор шахсларини жавобгарликка тортиб бўлмайди, чунки бу процессуал ҳаракатлар ички ишлар органларининг ваколат доирасига кирмайди.

Фикримизча, ушбу муаммони ҳал этишда ички ишлар органлари ваколатидан келиб чиқиб ёндашган маъқул. Чунки қонунга хилоф тарзда ҳукм этиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни қонунга хилоф тарзда бериш ички ишлар органларининг бевосита ваколатига кирмайди. Ички ишлар органларининг мансабдор шахслари бу жараёнларга алоқадор бўлишлари мумкин, лекин ушбу процессуал ҳаракатларни амалга ошириш бошқа тегишли органнинг ваколатига оиддир.

Юқорида таъкидланган ҳолатларни ҳисобга олиб, аввало, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 15, 90, 991-моддалари такомиллаштирилиши, сўнгра, давлат ҳисобидан қопланадиган зарарларни ундиришни тартибга солувчи алоҳида қонун ҳужжатини қабул қилиш, бунда зарарни қоплаш қонунга хилоф ҳаракат қўлланилган маъмурий ҳудуддаги давлатнинг тегишли молия органи томонидан амалга оширилишини белгилаш ва ниҳоят судлар томонидан 991-модда нормаларининг тўғри қўлланишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг қонунга хилоф ҳаракатлари туфайли етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ суд амалиёти тўғрисида»ги қарорини қабул қилиш айтиш мумкин бўлур эди (лойиҳаси илова қилинади).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг қонунга хилоф ҳаракатлари туфайли етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ суд амалиёти тўғрисида

Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг қонунга хилоф ҳаракатлари туфайли етказилган зарарни қоплаш ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиётини ўрганиш натижаларини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг қонунга хилоф ҳаракатлари оқибатида зарар етказиш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солувчи қонунларнинг тўғрилиги, уларни қоплаш тартибининг аниқ механизми мавжуд эмаслиги, шунингдек Фуқаролик кодексининг тегишли нормаларига тушунтиришлар бериш талаб қилинадиган муаммолар келиб чиққанлигини қайд этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига асосланиб ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни янада кучайтириш мақсадида, шунингдек суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг қонунга хилоф ҳаракатлари оқибатида зарар етказилганлиги учун жавобгарликни назарда тутган қонунларнинг кучга киритилиши ва судлар томонидан қонунни қўллаш амалиётида муаммолар келиб чиқаётганлиги муносабати билан, Олий суднинг Пленуми қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 991-моддасига асосан суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суд томонидан процессуал ҳаракатларни қонунга хилоф тарзда қўллаш ёки қонун билан юклатилган мажбуриятларни бажармаслик оқибатида, шунингдек қонунга хилоф қарорлари натижасида фуқарога етказилган зарар уларнинг мансабдор шахслари айбидан қатъи назар, қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан тўла ҳажмда тўланади.

Етказилган зарарни ундириб олиш ҳуқуқи оқлов ҳақидаги ҳукм қарорига биноан, жинойт ишининг тугатилиши (реаблитация

этилганлик асосида), маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишнинг тугатилганлиги, шунингдек қабул қилинган қарор қонунга ҳилоф ҳамда мансабдор шахснинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) суд томонидан ғайриқонуний деб топилиши туфайли вужудга келади.

2. Жабрланувчига қуйидагилар тўланади:

1) Фуқаронинг даромад манбаи бўлган ҳамда у ғайриқонуний ҳаракатлар натижасида маҳрум этилган даромадлар (шу жумладан, қонунга ҳилоф ҳаракатлар натижасида маҳрум бўлган иш ҳақи ва меҳнатдан топиладиган бошқа даромадлар);

2) Қонунга ҳилоф ҳаракатлар қўлланилиши муносабати билан тўланиши тўхтатиб қўйилган пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар;

3) Суд томонидан мусодара қилинган ёки давлат ҳисобига ўтказилган ёхуд суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари томонидан олиб қўйилган мол-мулк (шу жумладан, пуллар, пул жамғармалари ва уларга тўланадиган фоизлар, давлат заёми облигациялари ва уларга чиққан ютуқлар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар, шунингдек суднинг ҳукми, ажримига (қарорига) асосан мусодара қилинган ёхуд давлат фойдасига ўтказилган ашёлар ёхуд бошқа мол-мулк) шунингдек хатланган мол мулк;

4) Суд ҳукмини ижро этиш натижасида ундирилган жарималар, ғайриқонуний ҳаракатлар муносабати билан фуқаролар тўлаган суд чикимлари ва бошқа тўловлар;

5) Юридик ёрдам кўрсатилиши учун шахс томонидан юридик маслаҳатхонага тўланган пул, шунингдек унга нисбатан содир этилган қонунга ҳилоф ҳаракатлар натижасида қилинган бошқа харажатлар;

б) Фуқарога етказилган маънавий зарарни қоплаш Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» 2000 йил 28 апрелдаги 7-сонли Қарори асосида амалга оширилади.

3. Ушбу Қарорнинг 2.1, 2.4, 2.5-бандларида назарда тутилган зарар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланади.

Ушбу Қарорнинг 2.1-бандида назарда тутилган ва қайтариб бериши керак бўлган маблағ ҳажми фуқаро ишдан четлаштирилган муддатда, жазони ўташ ёки ахлоқ тузатиш ишлари тарзидаги жазони ўташ даврида олган иш ҳақи қўшиб ҳисоблаган ҳолда белгиланади.

Пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар талаб қилинган пайтда фуқаронинг яшаб турган жойидаги туман ижтимоий таъминот бўлими ёки тегишли тартибда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тўланади.

Ушбу Қарорнинг 2.3-бандида кўрсатилган мулк асл ҳолида (натура шаклида) қайтарилади, бундай имконият бўлмаган тақдирда унинг қийматини бозор нархидан келиб чиқиб тегишли баҳолаш идоралари томонидан баҳолаган қийматини мол-мулк олиб қўйилган жойдаги маҳаллий давлат ҳокимиятининг молия бўлими томонидан тўланади.

4. Жабрланувчи вафот этган тақдирда ушбу Қарорнинг 2.1, 2.3, 2.4 ва 2.5-бандларида назарда тутилган зарарни ундириш ҳуқуқига унинг меросхўрлари, 2-бандида назарда тутилган зиённи ундириш ҳуқуқига эса боқувчисини йўқотганлик пенсияси билан таъминланиши лозим бўлганлар жумласига кирувчи оила аъзолари эга бўладилар.

5. Ғайриқонуний ҳаракатлар муносабати билан ишдан (лавозимдан) бўшатишган ёки ғайриқонуний тарзда жавобгарликка тортилиши муносабати билан вазифасидан четлатилган фуқарога олдинги иши (лавозими) қайтариб берилиши, бунинг иложи бўлмаганида эса (корхона, муассаса, ташкилот тугатилса, иш ўринлари қисқартирилса, шунингдек ишга (лавозимга) тиклашга халақит берувчи ва қонунда кўзда тутилган бошқа асослар бўлганида) – олдингисига тенг бошқа иш (лавозим) берилиши керак. Иш (лавозим) фуқарога у мурожаат қилган кундан бошлаб 1 ой муддатдан кечиктирмасдан берилиши керак.

Ушбу модданинг 1-бандида кўрсатилган ҳолларда меҳнат дафтарчасига қайд қилинган ёзув ҳақиқий эмас деб топилади.

6. Қамокда бўлиш, жазони ўташ даври, шунингдек фуқаронинг лавозимдан четлаштирилгани муносабати билан ишламаган даври умумий меҳнат стажига ҳам, ихтисоси бўйича ишлаш стажига ҳам қўшилади.

7. Ғайриқонуний ҳаракатлар қўлланилганлиги муносабати билан ҳарбий ёки бошқа унвонлардан, орден ёки медаллардан, шунингдек аъзоликлардан маҳрум этилган фуқарога нисбатан ишни тўхтатиш билан бир вақтда оқлов ҳукми чиқарган суднинг тақдимига биноан унвонларни тиклаш, орден ва медалларни қайтариш, аъзоликни тиклаш масаласи белгиланган тартибда ҳал этилади.

8. Ғайриқонуний ҳаракатлар қўлланилган фуқарога суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суд томонидан унинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, мулкӣ (моддий) ва маънавий зарарларни қоплаш тартибини тушунтиришлари, шунингдек унинг илтимосига кўра суд 1 ой муддат ичида белгиланган тартибда раддия бериш масаласини ҳал этиши шарт.

9. Ғайриқонуний ҳаракатлардан жабрланган фуқаронинг маънавий зарар ҳажми суд томонидан Фуқаролик кодекси талаблари асосида аниқланади ва бу ҳақда 1 ой муддат ичида тўланиши тўғрисида суд қарор (ажрим) чиқаради.

Маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талаб билан мурожаат қилган фуқаро қонунда белгиланган тартибда ушбу модданинг 1-қисми асосида чиқарилган қарор (ажрим) хусусида шикоят келтириши ҳуқуқига эга.

10. Жабрланувчилар даъвои истиқомат жойи бўйича ёки жавобгар жойлашган жой бўйича беришлари мумкин. Бу иш бўйича даъвогарлар суд харажатларини тўлашдан озод қилинадилар.

11. Ушбу Қарорни татбиқ этиш масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъати, Қорақалпоғистон Республикаси Олий фуқаролик ишлари бўйича олий суди, фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар ва вилоят судлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳарбий суди суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг қонунга хилоф ҳаракатлари туфайли етказилган зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларнинг судлар томонидан тўғри ва аниқ қўлланиши устидан назоратни кучайтирсинлар, ушбу масала юзасидан суд амалиётини мунтазам равишда умумлаштириб борсинлар ва аниқланган камчиликларни бартараф қилиш чорасини кўрсинлар.

М У Н Д А Р И Ж А

СЎЗ БОШИ	3
----------------	---

Ї БОБ

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ДЕЛИКТ ЛАЁҚАТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

1.1. Ички ишлар органлари – фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти сифатида.....	5
1.2. Деликт муносабатларнинг тизимида ички ишлар органлари томонидан етказилган зарар ва уларнинг вужудга келиш хусусиятлари.....	24

Ї БОБ

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК-ХУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Ички ишлар органлари томонидан етказилган зарар учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг асослари ва шартлари.....	41
2.2. Ички ишлар органларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли ва унинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик характериға таъсири.....	56
2.3. Ички ишлар органларининг давлат органи ва юридик шахс сифатида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигининг хусусиятлари.....	67

Ї БОБ

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ ҚОПЛАШНИНГ УСУЛЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ

3.1. Ички ишлар органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарарни қоплашнинг усуллари ва шакллари.....	73
--	----

3.2. Ички ишлар органлари томонидан етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалалари.....	78
Лойиҳа.....	87

НУРИДДИН АБДУГАНИЕВИЧ ҚЎЛДАШЕВ,
юримдик фанлар номзоди

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ЕТКАЗИЛГАН
ЗАРАРНИ ҚОПЛАШНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ
МАСАЛАЛАРИ**

Ўқув қўлланма

Мухаррир М. С. Раҳмонова
Техник муҳаррир *Д. Х. Хамидуллаев*

Босишга рухсат этилди 03.03.2012. Нашриёт-ҳисоб табоғи 5,5
Адади 100 нусха. Буюртма № Келишилган нарҳда

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
1000197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68.